

А.Саидов
Султонов

ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
КОНСТИТУЦИЯСИ
ВА
ИНСОН
ҲУҚУҚЛАРИ

ҒАДОЛАТ

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БУЙИЧА
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МИЛЛИЙ МАРКАЗИ

АКМАЛ САИДОВ,
СОЛИҲ СУЛТОНОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

Уқув қўлланмаси

NAMANGAN DAVLAT
UNIVERSITETI
Axborot-resurs markazi

4053

Namangan
Davlat
Universitetining
Ilmiy kutubxonasi

Тошкент
«Адолат»
1998

Ушбу ўқув қўлланманинг муқаддима, I, II, VI боблари, хотима ва иловалар ҳуқуқшунослик фанлари доктори, профессор **А. Х. Саидов** томонидан,

III, IV, V боблар ҳуқуқшунослик фанлари доктори, профессор **С. А. Султонов** томонидан ёзилган.

67. 99 (5У) О

Ушбу рисолада Ўзбекистон Республикаси истиқлолга эришгач, мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнида инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларининг ҳуқуқий мазмуни, тушунчаси, турлари, эркинликларининг кафолатланиши, инсонпарварлик, демократия ва ижтимоий адолат ҳақиқий мазмун касб этганлиги ёритилган.

Рисола — ўқув қўлланмаси кенг китобхонлар оmmasига мўлжалланган бўлиб, ундан «Инсон ҳуқуқлари» ўқув фанини ўқитишда ҳам кенг фойдаланиш мумкин.

С $\frac{0802010201 - 017}{(054) - 98}$ 23 — 97

© «Адолат», 1998 й.

«Инсон ҳуқуқлари инсонпарвар демократик ҳуқуқий онгининг ўзагидир».

«Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий Дастури»дан.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ — ДЕМОКРАТИЯ МАКТАБИ

(муқаддима ўрнида)

1995—2005 йилларни куррамизда инсон ҳуқуқлари ўн йиллиги деб эълон қилиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти инсоният тарихида вақтнинг янги ҳисобини бошлади.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари янги дунёқараш асоси, жаҳон халқлари тараққиёт йўлини англаш манбаи бўлиб намоён бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари хусусида жамоатчиликни хабардор қилиш Умумжаҳон компаниясини ўтказишга қаратилган умумжаҳон демократик ташаббусларининг фаол қатнашчиси бўлиб, жаҳонда инсон ҳуқуқлари ўн йиллигини таъсис қилишга қаратилган фаолият режасига ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Ушбу соҳадаги ҳаракатларни мувофиқлаштириш Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказига юклатилган бўлиб, у инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва маълумот масалалари бўйича миллий режаларни амалга оширишда халқаро, миллий, давлат ва ноҳукумат ташкилотларининг ҳаракатларини умумлаштиради.

Сизнинг эътиборингизга ҳавола этилаётган мазкур рисола — ўқув қўлланмаси инсон ҳуқуқлари соҳасида жамоатчиликни хабардор қилиш Умумжаҳон компаниясини амалга оширишда Миллий марказнинг навбатдаги қадамларидандир. Мазкур нашр ҳуқуқий маданиятга ўргатиш бораётиб муҳим аҳамият касб этади, деб ўйлаймиз. Унинг асосий мақсади — Инсон ҳуқуқларини англашни енгиллаштиришдир. Рисола — ўқув қўлланмасининг яна бир муҳим хусусиятини таъкидлаш лозим, бу ҳам бўлса унинг оммабоплиги ва уни нафақат мактаб ўқувчилари, олий ўқув юртлари талабалари, ҳуқуқ-тартибот тизими ходимларига, балки кенг оммага ҳам тавсия қилиш мумкинлигидадир.

Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясининг 50 йиллигига бағишлаб Миллий марказ бир қанча рисола ва ўқув қўлланмалари тайёрлади¹.

¹ 1997 йили Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази томонидан «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи билан биргаликда «Демократиялаш ва инсон ҳуқуқлари» туркумида II та рисола чоп этилди. Бу қуйидагилардир: «Қонун ва тил». — Тошкент, 1997, 224-бет; «Инсон ҳуқуқлари ва ҳуқуқий маданияти». — Тошкент, 1997, 136-бет; А. Х. Саидов «Бурхониддин Марғилоний — буюк ҳуқуқшунос» — Тошкент, 1997, 178-бет; «Инсон ҳуқуқлари; савол ва жавоблар». — Тошкент, 1997, 148-бет; Т. Имомова, У. Тожихонов «Что нужно знать о правах человека». — Ташкент, 1997, 96 с.; Б. У. Таджиханов. «Конституция и права человека». Учебное пособие. — Ташкент, 1997, 88 с.; Д. Миразов, А. Бадалбоев, «Ҳуқуқ ва мажбуриятларингизни биласизми?» — Тошкент, 1997, 211-бет; «Инсон ҳуқуқлари соҳасида Миллий фаолият дастури». — Тошкент, 1997, 116-бет; «Ўзбекистонда демократлаштириш, инсон ҳуқуқлари ва бошқарув тизимини такомиллаштириш». — Тошкент, 1997, 126 бет; К. Ҳ. Баҳриев. «Демократия ва инсон ҳуқуқлари». Ҳуқуқий ислохотлар ўзбек йўлининг ўзига хосликлари. — Тошкент, 1997, 239-бет; Ф. Қиличев. «Замон ва мақон таҳлили», И. Каримов. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида», Ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асари ҳақида. — Тошкент, 1997, 112-бет; 1998 йили ҳам шу туркумда яна 10 дан ортиқ рисола ва ўқув қўлланмалари чоп этилади.

Бош Ассамблея мазкур Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясининг эълон қилинишидан мақсад: ҳар бир инсон ва жамиятнинг ҳар бир идораси мазкур Декларацияни назарда тутган ҳолда маърифат ва таълим орқали шу ҳуқуқ ва эркинликлар ҳурмат қилинишига кўмаклашишлари лозим...

*Инсон ҳуқуқлари
Умумжаҳон Декларацияси*

1 боб. ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ — ДЕМОКРАТИЯ ПОЙДЕВОРИ

1. Инсон ҳуқуқлари ва қонунчилик

Инсоният тарихида янги давр — Инсон ҳуқуқлари даври бошланди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 1995—2005 йилларини куррамизда «Инсон ҳуқуқлари ўн йиллиги» деб эълон қилди.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мустақиллигимиз қомуси бўлмиш Конституциянинг асосий тамойили, Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-сиёсий тизимини тубдан ислоҳ қилишнинг асосий йўналиши ва якуний мақсадидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг Олий Мажлиснинг сессияларида, Конституциямизнинг тўрт йиллигига бағишланган тантанали йиғилишида ва Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистоннинг 1996 ва 1997 йилдаги ижтимоий-иқтисодий тараққиёти якунлари ҳамда 1997 ва 1998 йилдаги иқтисодий ислохотларнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисларида қилган маъруза ва нутқларида инсон ҳуқуқлари соҳасида амалга оширилиши лозим бўлган қуйидаги беш стратегик йўналиш белгилаб берилган:

1. инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмини таъминлаш;

2. инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқнинг умум-этироф этилган тамойиллари ва нормалари асосида миллий қонунчиликни такомиллаштириш;

3. қабул қилинган қонуларга оғишмай амал қилиш механизмини ишлаб чиқиш ва ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида қонун устуворлигини таъминлаш;

4. судлов ислохотини амалга ошириш йўли билан бутун суд тизимини демократлаштириш;

5. аҳоли, айниқса ёшлар ва мансабдор шахслар, ҳуқуқ — тартибот идоралари ходимлари, ўртасида ҳуқуқий тарбия ишларини тубдан яхшилаш, уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш.

Инсон ҳуқуқлари муаммоси — ҳозирги замоннинг энг долзарб муаммоларидандир. Инсон ҳуқуқлари — бу жамиятнинг энг олий қадрияти, ҳимматидир. Инсон ҳуқуқлари — бу муҳим конституциявий институтдир. Инсон ҳуқуқлари — бу бутун инсониятнинг интилишлари, орзу—умидларини ўзида жамлаган кенг қамровли тушунчадир. Инсон ҳуқуқлари — бу ҳозирги замон тараққиётининг асоси ва давр талабидир. Инсон ҳуқуқлари — бу демократик ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим белгисидир. Инсон ҳуқуқлари — ҳар бир давлатнинг демократик тараққиёти даражасини кўрсатувчи муҳим мезондир. Шунинг учун ҳам инсон ҳуқуқлари халқаро ҳуқуқда ва миллий ҳуқуқий тизимда муҳим ўрин тутди.

Инсоният ўз тарихий ривожланиши жараёнида инсон ҳуқуқларига оид қонунчилик тизимини яратган. Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчилик — инсон ва фуқаро ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳақидаги қонунлар мажмуидир. Бу қонунлар қаторига инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳужжатлар ва миллий қонунлар киради.

Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчилик ўз тараққиётида уч катта босқични босиб ўтган.

Биринчи босқич 1789 йилги Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари француз Декларациясидан бошланиб, то биринчи жаҳон урушига қадар давом этган. Бу босқичда инсоннинг шахсий ва сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчилик устувор равишда ривожланган. Бунга мисол қилиб, АҚШ Конституциясига киритилган биринчи ўнта қўшимча — Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Биллини кўрсатиш мумкин.

Бу даврда қабул қилинган қонунларда қуйидаги муаммоларни ҳуқуқий тартибга солишга алоҳида эътибор қаратилган:

- а) шахс эркинлиги ва фуқаролар тенглиги;
- б) шахс дахлсизлиги;
- в) хусусий мулк ҳуқуқи;
- г) сайлов ҳуқуқи (турли цензлар билан чекланган бўлсада).

Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчилик тараққиётининг иккинчи босқичи XX асрнинг биринчи ярминини ўз

ичига олган. Бу босқичда социалистик ғоялар ва ҳаракатлар таъсирида инсонларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларига оид қонунчилик тез ривожланган.

Меҳнат қилиш ҳуқуқи, дам олиш ҳуқуқи, ижтимоий ёрдам олиш ҳуқуқи тўғрисидаги қонунлар алоҳида аҳамият касб этган.

Франция ва Швециядаги социал қонунчилик, 1920 йилги Веймар Конституцияси, Франция ва Италиянинг 1946 йилги Конституциялари бунга яққол мисол бўлади.

Учинчи босқич XX асрнинг иккинчи ярмига тўғри келиб, бу босқичда Инсон ҳуқуқларининг «янги авлоди» тўғрисидаги қонунчилик ривожланади. Бу ҳуқуқлар қаторига:

- а) тинч яшаш ҳуқуқи;
- б) соф ва тоза атроф муҳитга эга бўлиш ҳуқуқи;
- в) ахборот олиш ҳуқуқи кабилар киради.

Бу босқичда Инсон ҳуқуқлари тўғрисида халқаро қонунчилик тизими шаклланди.

БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 80 га яқин, Оврўпо Кенгаши томонидан — 160 дан зиёд, ЮНЕСКОда — 70 дан ортиқ, Оврўпода хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти томонидан — 30 дан кўпроқ; турли минтақавий халқаро ташкилотлар томонидан ҳам кўплаб инсон ҳуқуқларига оид халқаро шартномалар, конвенциялар, декларациялар, пактлар қабул қилинди.

Ҳозирги кунда ҳаммаси бўлиб, инсон ҳуқуқлари бўйича 500 га яқин халқаро ҳужжатлар мавжуд. Бу халқаро ҳужжатларда инсон ҳуқуқларига оид жаҳон андозалари белгилаб қўйилган ва уларнинг миллий қонунлардан устуворлиги тамойили аксарият давлатлар томонидан тан олинган.

Дунёдаги ҳар бир давлатда ҳам инсон ҳуқуқларига оид муайян қонунчилик тизими шаклланган. Бу қонунчиликнинг негизини, авваламбор, Конституциялар ташкил этади. Барча давлатлар Конституцияларида инсон ва фуқаро ҳуқуқлари ва эркинликларига махсус бўлим, боблар ажратилган. Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари жорий қонунларда ўз аксини топган.

Ўзбекистон Республикаси ўз Конституциясида инсон ҳуқуқларига оид қуйидаги муҳим халқаро-ҳуқуқий қоидаларни мустақкамлаган:

биринчидан, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини тан олиш ва ҳимоя қилиш — давлат мажбуриятидир;

иккинчидан, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари тизими халқаро-ҳуқуқий андозаларга мос келиши ва бу соҳада халқаро ҳуқуқнинг устуворлиги;

учинчидан, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари унга туғилганидан бошлаб тааллуқлидир, яъни табиий ҳуқуқ гоёси ва назариясининг эътироф этилиши;

тўртинчидан, ҳаммага ва ҳар кимга инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг тенг ва баробар тааллуқлилиги;

бешинчидан, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари давлат идоралари фаолиятининг мазмунини ташкил этишлиги;

олтинчидан, фуқароларнинг кафолатланган суд ҳимояси билан таъминланиши;

еттинчидан, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахслар ҳуқуқларининг бузилмаслиги зарурлиги.

Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқларига оид қонунчилик тизими қуйидаги беш таркибий қисмдан иборат:

1. Фуқароларнинг шахсий ҳуқуқларига оид қонунлар — виждон эркинлиги, фуқароларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқи, судга шикоят қилиш ҳуқуқи ҳақидаги қонунлар.

2. Фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқларига оид қонунлар — жамоат ташкилотлари, сиёсий партиялар, сайлов тўғрисидаги, касаба уюшмалари, оммавий ахборот воситалари ҳақидаги қонунлар.

3. Фуқароларнинг иқтисодий ҳуқуқларига оид қонунлар — мулк, тадбиркорлик, ер, ижара, хусусийлаштириш, истеъмолчининг ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунлар.

4. Маданий ҳуқуқларга оид қонунлар — фан, таълим, маданият, музей, кутубхона, маданий меросларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунлар.

5. Инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳужжатлар (кўп томонлама ва икки томонлама) — миллий-ҳуқуқий тизимнинг таркибий қисми сифатида.

Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқларига оид қонунчиликнинг ўзига хос хусусиятларига:

биринчидан, инсон ҳуқуқларини тўла амалга оширишнинг ҳуқуқий кафолатларини таъминлаш;

иккинчидан, конституциявий адлия (судлов)ни ривожлантириш;

учинчидан, инсон ҳуқуқларига оид халқаро ва миллий институтларни шакллантириш;

тўртинчидан, янги демократик институтларни, жумладан, омбудсмен институтини тараққий эттириш кирди.

Демократик — ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қурилиши барча фуқароларнинг инсоний ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасига дахлдор бўлган билимларни етарли даражада эгаллашларини тақозо этади. Ҳозирги пайтда инсон ҳуқуқлари БМТнинг қарийб 80 дан ортиқ халқаро-ҳуқуқий актларида мустаҳкамланган. Ҳозирги дунёда инсон ҳуқуқларини халқаро-ҳуқуқий меъёрлар тизими ҳамда уларнинг кафолатлари механизмларини ялпи ҳолатда мустаҳкамлашга йўналтирилган. Халқаро гуманитар ҳуқуқ шаклланоқда.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг ўтган қисқа давр ичида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўғрисида миллий қонунчилик тизимини ташкил этувчи юздан ортиқ қонунлар қабул қилинди. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилдаги Конституциясида халқимиз, миллатимиз, давлатчилигимизнинг ва инсоният ҳуқуқий маданиятининг барча илғор қадриятлари чамбарчас узвий боғлиқ эканлиги ўз аксини топди. Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари бўйича 40 га яқин халқаро шартномага қўшилди ва улар бизнинг мамлакатимизда ҳам амал қилмоқда. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича барча меъёрларни бажариш барча давлат идоралари, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг мажбурияти ҳисобланади. Унда жамият кенг қатламларининг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳақидаги билимларга эга бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳақидаги билимларни ўрганиш ва уларни тарқатиш муҳим аҳамиятга эгадир.

2. Ижтимоий фанлар ва инсон ҳуқуқлари

Инсон ҳуқуқлари кенг кўламли масаладир. Шунга кўра инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ барча воқеа-ҳодисалар барча ижтимоий фанларни, ҳатто айрим табиий фанларни ҳам ўрганиш мавзуи ҳисобланади. Бундай умумийликка ҳар бир фан инсоннинг моҳияти, унинг хилма-хил фаолияти қирраларини ўрганиш билан шуғулланиши сабабчидир. Инсоннинг, унинг ҳаёти ва фао-

лиятининг муҳим томонларини чуқурроқ ўрганишда бундай алоҳидалик муҳим маъно ва аҳамият касб этади.

«Инсон ҳуқуқлари» ўқув фани ўзининг алоҳида мавзуга эга. Шу билан у ижтимоий фанлар тизимида ўзига хос ўрин эгаллайди¹. Шунга кўра «Инсон ҳуқуқлари» ўқув фанини иқтисод назарияси, фалсафа, социология, сиёсатшунослик, ҳуқуқшунослик сингари фанлар қаторига қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Фалсафа ва инсон ҳуқуқлари. Фалсафа табиат, жамият ва тафаккур тараққиётининг умумий қонуниятлари тўғрисидаги фандир. У борлиқнинг онгга, инсоннинг уни ўраб турган атроф-муҳитга муносабатининг умумий тамойиллари ҳақидаги билимлар тизимидир. Фалсафа инсон ҳуқуқларининг моҳияти, табиати, унинг ижтимоий ҳодисалар тизимидаги ўрнини аниқлайди ва фақат шунинг ўзи билан чекланади. «Инсон ҳуқуқлари» ўқув фани эса инсон ҳуқуқларини унинг барча кўринишлари ва белгилари билан бир бутун ҳолда батафсил ўрганади. Агар фалсафа инсон ҳуқуқларининг моҳиятини топишга калит берса, «Инсон ҳуқуқлари» ўқув фани фалсафани ижтимоий тараққиёт, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг умумий тамойилларини ифодалаш билан қуроллантиради.

Иқтисодий фанлар ва инсон ҳуқуқлари. Иқтисодий фанлар ишлаб чиқариш муносабатлари тизими, хўжалик ҳаётини ташкил этиш, хўжалик соҳалари, меҳнат, молия, кредит ва бошқаларни ўрганади. «Инсон ҳуқуқлари» ўқув фани инсон ҳуқуқларини ўзининг асосий мавзуси деб билади. Иқтисодий фанлар ва инсон ҳуқуқларининг ўзаро таъсири, уларнинг бир-бирига кириб бориши, инсон ҳуқуқларининг иқтисодиётга қанчалик боғлиқ эканлигини аниқлашга имкон беради.

Социология ва инсон ҳуқуқлари. Социология жамиятнинг яхлит ва унинг алоҳида тузилиш ва ижтимоий гуруҳлари тўғрисидаги фандир. Социал жараёнлар, алоҳида шахслар ва гуруҳлар хулқ-атворининг қонуниятлари ҳақидаги фандир. Социология ўзининг хулосаларида эмпирик маълумотларга, ижтимоий тажрибаларга асосланади. Барча ижтимоий ҳодисалар, шу жумладан, ин-

¹ Қаранг: Инсон ҳуқуқлари: Олий ўқув юртлири учун ўқув қўлланмаси. Т.: Ўзбекистон, 1997, 260-бет.; Инсон ҳуқуқлари, Махсус курс, — Тошкент: Шарқ, 1997, 142-бет.; Инсон ҳуқуқлари: савол ва жавоблар. — Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 1997, 149-бет.

сон ҳуқуқлари ҳам социологик тадқиқотларнинг объектига айланади. Социология ҳам фалсафа сингари инсон ҳуқуқларини билишнинг умумий воситаси ҳисобланадики, у инсон ҳуқуқларини билиш асосида ўзининг мавзуини чуқурлаштиради ва уни янада ойдинлаштириб олади.

Сиёсатшунослик ва инсон ҳуқуқлари. Сиёсатшунослик сиёсатни, унинг шаклларини, сиёсий жараёнлар ва сиёсий бирлашмаларни, шу жумладан, партияларни, сиёсий ва давлат ҳокимиятига эришиш воситаларини, фуқаролик жамияти, давлат ва шахснинг ўзаро муносабатини ўрганади. Сиёсатшунослик инсон ҳуқуқларини сиёсий муносабатлар тизими орқали, яъни фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш орқали ўрганади.

Ҳуқуқий фанлар ва инсон ҳуқуқлари. Ҳуқуқий фанлар инсон ҳуқуқларини ўрганиш соҳасида жамиятшунослик фанларига алоқадор бўлмаган ўзига хос мавзуга эга. Юридик фанлар, биринчи навбатда, инсон ҳуқуқларининг юридик соҳалари ва улар амалиётининг таҳлили, яъни инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг қонуний мустақамланиши, амалга оширилиши билан шуғулланади. Унда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳақидаги таълимот фуқаронинг ҳуқуқий мақоми асосида ёритилади. Фуқаронинг ҳуқуқий ҳолати — инсоннинг юридик жиҳатдан ифодаланишининг асосидир.

Инсон ҳуқуқлари масалалари турли юридик фанларда ўрганилади. «Инсон ҳуқуқлари» ўқув фани бу фанлардан фарқ қилиб, асосий эътиборни инсон ҳуқуқларининг қонунчиликда, турли мамлакатларнинг ижтимоий амалиётида ривожланишининг марказий масалаларига қаратади ва бунда тарихий тадқиқотлар, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳақидаги таълимотларни сиёсий-ҳуқуқий асосларини ўрганиш билан бир вақтда олиб боради.

Шундай қилиб, «Инсон ҳуқуқлари» ўқув фани янги ўқув фани бўлиб, инсон ҳуқуқлари бўйича ягона назарияни ишлаб чиқишда кўлчилик ижтимоий фанларнинг назарий қоида ва хулосаларидан фойдаланади.

Барча ўқув юртларининг таҳсил дастурларига «Инсон ҳуқуқлари» махсус курсини киритиш, шунингдек, таълим ва тарбиянинг бутун жараёнини инсонпарварлик ғоясига бўйсундириш зарур.

И. А. Қаримов.

3. «Инсон ҳуқуқлари» — мустақил ўқув фани сифатида.

Қадим замонлар (эрамининг I асри ўрталари)дан бизнинг давримизгача етиб келган. «Улуғворлик ҳақида»ги асарда шундай фикр баён қилинган: «Одатда ҳар бир олим учун у амал қиладиган иккита талаб қўйилади: биринчидан, тадқиқотнинг мавзуини аниқлаш, иккинчидан, бу мавзуни эгаллашга ёрдам берадиган услубларни топиш ва уларни кўрсатиш. Бунда иккинчи талаб тартиб бўйича биринчисидан кейин турса ҳам, аммо аҳамияти жиҳатидан жуда муҳимдир». Утган юз йилликлар бу номаълум муаллиф фикрларининг қанчалик доно ва ҳаққоний эканлигини тўла тасдиқлади.

Ҳар бир мустақил ўқув фани ўз мавзуи ва услубига эга бўлиши зарур.

Ўқув фанининг мавзуи шу фан ўрганадиган масалалар мажмуидир.

Ўқув фанининг усули шу фан мавзуларини ўрганадиган услублардир.

«Инсон ҳуқуқлари» ўқув фани бошқа фанлар томонидан такрорланмайдиган ўз мавзусига эга. Инсоннинг қадр-қиммати ва ҳақ-ҳуқуқлари, уларнинг тарихий ривожланиши, ахлоқий-фалсафий, сиёсий-ҳуқуқий асосланиши, ҳуқуқий табиати, инсон ҳуқуқларининг бузилиши ва унинг олдини олиш ва бузилган ҳуқуқларини тиклаш бўйича қўлланадиган чора-тадбирлар, инсон ҳуқуқлари кафолатларининг умумий табиати — мана шу ва бошқа масалаларнинг барчаси «Инсон ҳуқуқлари» ўқув фанининг мавзуини ташкил этади.

«Инсон ҳуқуқлари» ўқув фани асосий эътиборни инсон ҳуқуқларининг халқаро ва миллий қонуничилик, жаҳоннинг турли мамлакатлари ижтимоий амалиёти асосида ривожланишининг муҳим масалаларига қаратади. Бунда инсон ҳамда фуқаролар ҳуқуқларини сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар негизда, тарихийлик тамойили асосида ўрганилади.

«Инсон ҳуқуқлари» ўқув фани инсон ҳуқуқлари бўйича ягона қонунчилик тизимини ишлаб чиқишда барча ижтимоий фанларнинг ютуқларига ва амалиётига асосланади. «Инсон ҳуқуқлари» ўқув фани турли ижтимоий, фалсафий, ахлоқий, сиёсий, ҳуқуқий фанларнинг яхлит ва бир бутунлигини ташкил этади.

«Инсон ҳуқуқлари» энг аввало фалсафий, ахлоқий, сиёсий ва ҳуқуқий тушунчадир.

«Инсон ҳуқуқлари» ўқув фанининг мазмунини инсон ҳуқуқларини жаҳон маърифатпарварлиги ва маданияти тараққиёти билан узвий ҳолда ўрганиш ташкил этади. Чунки «инсон ҳуқуқлари» инсоният тафаккури ва цивилизацияси эътироф этган умумбашарий қадриятдир.

Шунингдек, унда инсон ва унинг ҳақ-ҳуқуқлари, эркинликлари жаҳон тарихий тараққиёти билан боғлиқ ҳолда ўрганилади. Бунда инсон қадр-қиммати, ҳақ-ҳуқуқлари ер юзидаги энг юксак қадриятлар сифатида намоён бўлади. Ҳазрати инсон хилма-хил ижтимоий муносабатларнинг фаол иштирокчиси ва айни пайтда ижтимоий тараққиётнинг бошланғич ифодачисидир.

Ушбу ўқув фанининг марказий объекти — инсон ҳуқуқларининг барча турфа жиҳатларини ўрганиш ҳисобланади. Бунда қуйидаги масалалар алоҳида аҳамият касб этади:

1. инсоннинг адолатли фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлатда эркин ривожланиш имкониятлари;

2. инсон шахсининг ажралмас хусусиятлари;

3. инсон ҳуқуқлари — ҳуқуқий ва ижтимоий меъёрлар билан таъминланган ҳуқ-атворларнинг мумкин бўлган ўлчови эканлиги;

4. инсон ҳуқуқлари — инсоннинг шахсий, сиёсий, иқтисодий ва маънавий фаровонлигининг ҳамда қобилиятларини тараққий эттиришнинг энг муҳим воситаси эканлиги;

5. инсон ҳуқуқлари бузилиш ҳолатларининг олдини олиш, тиклаш ва бартараф қилиш.

«Инсон ҳуқуқлари» ўқув фани инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ва мустаҳкамлаш, уларни амалга ошириш механизмларини ўргатишга оид халқаро-ҳуқуқий ҳамда миллий қонунларни ўрганади.

«Инсон ҳуқуқлари» ўқув фанини ўрганишга бўлган

¹ Инсон ҳуқуқлари: савол ва жавоблар. — Тошкент, 1997, 149-бет.

эхтиёж, авваламбор шахсининг ҳуқуқ ва эркинликларини масаласининг Ўзбекистон Республикасида халқаро-ҳуқуқий талаблар асосида конституциявий эътироф этилиши билан белгиланади.

«Инсон ҳуқуқлари» ўқув фанини ўрганишдан кўзланган асосий мақсад инсон ҳуқуқлари маданиятининг шаклланишида умуминсоний ва миллий қадриятларни мустаҳкамлашдан иборат. Демократик-ҳуқуқий давлат қуриш ва жамиятнинг барча жабҳаларини демократлаш жараёни фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг намоён бўлиши, рўйбга чиқиши, улар кафолатларининг кучайиб бориши билан чамбарчас боғлиқ. Бу соҳада мустақил Ўзбекистон Республикасининг биринчи Конституцияси ва қонунларида фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишнинг муҳим ҳуқуқий асослари яратилди.

«Инсон ҳуқуқлари» ўқув фанининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

биринчидан, инсон ва фуқаронинг ҳуқуқларига доир билимларни эгаллаш, ҳуқуқ ва эркинликларни ҳаётга жорий этиш ва кафолатлаш;

иккинчидан, талабаларда инсонга, унинг ҳуқуқ ва эркинликларига, шаъни ва қадр-қимматига ҳурмат ҳиссини шакллантириш;

учинчидан, ҳар бир фуқарога ҳуқуқбузарликлардан ўзини ҳимоя қилиш йўллари ва воситаларини ўргатиш;

тўртинчидан, талабаларда уларнинг субъектив ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш ва қўллаш маънасини шакллантириш.

«Инсон ҳуқуқлари» ўқув фанининг халқаро-ҳуқуқий ва назарий асосларини 1948 йилги «Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси» ўзида мужассамлаштирган ва кейинчалик инсон ва фуқаронинг ҳуқуқларида ўзининг сиёсий-ҳуқуқий ривожини топган ҳозирги замон демократик қарашлар мажмуи ташкил этади.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасида муайян қонунлар тизими ташкил топди. Ушбу қонунларни халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ келишини ўрганиш ҳам «Инсон ҳуқуқлари» ўқув фанининг асосий вазифаларидандир.

Шундай қилиб, инсоннинг қадр-қиммати ҳамда унинг ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳақидаги ғоялар, қарашлар ва таълимотларнинг вужудга келиши, ривожланишининг асосий қонуниятлари, инсон ҳуқуқларини мус-

таҳкамлашнинг ҳуқуқий меёрлари ҳамда иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маданий ва бошқа омиллар мажмуи «Инсон ҳуқуқлари» ўқув фанининг мавзунини ташкил этади.

«Инсон ҳуқуқлари» ўқув фанининг мавзунга инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги фалсафий, ҳуқуқий, ахлоқий, эстетик, диний ва бошқа таълимотлар ҳам киради.

«Инсон ҳуқуқлари» ўқув фани мустақил Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари маданиятининг шаклланишида бутун ҳуқуқий маданиятнинг инсонпарварлик асослари сифатида:

- а) инсон ҳуқуқларини билиш;
- б) инсон ҳуқуқларига ҳурматнинг шаклланиши;
- в) инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда амалий малакани тарбиялаш ва ошириш муҳим амалий аҳамият касб этади.

Инсон ҳуқуқлари бетакрор ва ўзига хос ижтимоий зоқелиқдир. Инсон ҳуқуқлари ҳар қайси халқ ва давлат тарихий ва маънавий-ҳуқуқий тараққиётининг ҳосиласидир, уларнинг ўзига хос маданияти ривожининг натижасидир.

Бугунги кунда мустақил Ўзбекистон ўз тараққиётининг бутун асоси бўлмиш инсон ҳуқуқларини қайтадан тикламоқда. Халқимизнинг теран маънавий-ҳуқуқий мероси, унинг бой табиий ва ақлий имкониятлари, мустаҳкамланиб бораётган халқаро алоқалари инсон ҳуқуқларига ҳурмат ҳиссини шакллантириш ва риоя қилиш учун барча шарт-шароитларни яратиб бермоқда.

«Инсон ҳуқуқлари» ўқув фанини ўрганишнинг умумий асоси ва ўзига хос хусусиятларини:

биринчидан, инсон ҳуқуқларига оид умумбаширий кадриятлар ва жаҳон андозалари (талаблар);

иккинчидан, инсон ҳуқуқлари бўйича шарқ фалсафаси (ислом таълимоти);

учинчидан, ўзбек миллий мафкураси;

тўртинчидан, тарихий — ҳуқуқий мерос ташкил этади.

Маънавият—инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қудратидир.

Юксак маънавий бурчлар кеча ёки бугун ўйлаб топилган эмас. Улар инсониятнинг минг йиллик тарихи, ота-боболаримизнинг неча-неча авлодлари тажрибаси давомида юзага келган.

И. А. Каримов.

II боб. ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЪНАВИЯТ

1. Инсон ҳуқуқлари ва умумбашарий қадриятлар.

Инсон ҳуқуқлари, энг аввало, умуминсоний қадриятларга, умумжаҳон цивилизациясига, бу соҳада бошқа халқаро эришилган тажрибаларга, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган тамойиллари ва меъёрларига асосланади. Инсон ҳуқуқларига асосланган демократик жамиятнинг халқаро миқёсда эътироф этилган тамойиллари бор. Тенглик, эркинлик, биродарлик халқлар ва миллатлараро дўстлик, инсоннинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириши ҳамда уни амалга ошириши, озчиликнинг кўпчиликка бўйсунishi, барча фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги, давлатнинг асосий идоралари сайланиши, уларнинг сайловчилар олдида ҳисоб бериши, давлат ва жамият бошқарувида қонун устуворлиги, тайинлаш йўли билан шаклланадиган давлат идораларининг сайловчи ташкилотлар олдидаги жавобгарлиги ва бошқалар шулар жумласига киради¹.

Инсон ҳуқуқларига доир жаҳон андозалари (талаблари) БМТнинг 1948 йилги «Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси», 1966 йилги «Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пакт», «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пакт» ва унга қўшимча Факултатив Протокол ҳамда бошқа халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда мустақкамланган. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси «Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси»нинг барча асосий ғоя ва қондаларини ўзига сингдирган. Тарихда синалган

¹ И. Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. — Т., Ўзбекистон, 1996, 3 том, 8-бет.

умуминсоний қадриятларни ўзида мужассамлаштирган, энг ривожланган, тараққий этган давлатларнинг ҳуқуқий тажрибасига таянган.

Жаҳоннинг маърифий ривожланган мамлакатлари эътироф этган инсон ҳуқуқлари ва давлат суверенитети, демократия ва халқаро ҳуқуқнинг устуворлиги каби умумбашарий қадриятлар Ўзбекистон давлатчилиги манфаатларига, халқнинг ўзига хослигига, унинг миллий анъана ва урф-одатларига тўла мос келади. Инсон ҳуқуқлари Ўзбекистонда Конституция ва қонунлар билангина эмас балки халқнинг ўз онги, унинг маънавий-ахлоқий дунёқараши ва ҳуқуқий тажрибаси, меҳр-шафқати ва сезgirлиги билан мустаҳкамланади. «Мустақил Ўзбекистоннинг куч-қудрат манбаи — халқимизнинг умуминсоний қадриятларга содиқлигидир»¹.

Аждодларимиз ўз наслларини умумбашарий туйғулар, ўлмас Шарқ фалсафаси, миллий қадриятларимиз руҳида тарбия қилиб келганлар.

И. А. Қаримов.

2. Инсон ҳуқуқлари ва шарқ фалсафаси

Инсон ҳуқуқлари ўз объектив қонуниятлари асосида ривожланади. Шарқда инсон ҳуқуқлари ва демократик жараёнларнинг қадимдан шаклланган ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Шарқда инсон ҳуқуқлари ва демократик жараёнлар узвий равишда ва аста-секин тараққий топади. Бу ерда инсон ҳуқуқлари ва демократия тушунчалари ҳамжиҳатлик гоёси, жамоат фикрининг устуворлиги заминида шаклланади. Ғарбда эса инсон ҳуқуқлари индивидуализм фалсафасига таянади ва бу омmani ҳаддан ташқари сиёсатлаштиришга олиб келади. Шарқда ахлоқий-маънавий қадриятлар сиёсий муносабатларда устуwлиги билан ажралиб туради. Асрлар мобайнида халқимизнинг юксак маънавий адолатпарварлик, маърифатсеварлик каби эзгу фазилатлари шарқ фалсафаси ва ислом дини таълимотлари билан узвий равишда ривожланган. Шу билан бирга буюк аждодларимиз — шарқнинг мутафаккирлари ал-Бухорий, ат-Тер-

¹ И. мафкура

2—4034

Ўзбекистон Республикаси
T. UNIVERSITETI
Axborot-resurs markazi

Namangan
Davlat
Universitetining
ilmiy kutubxonasi

мизий, Аҳмад Яссавий, Баҳовуддин Нақшбанд, ал-Хоразмий, Беруний, Абу Али ибн Сино, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур Мирзо ва бошқалар жаҳон фани ва цивилизациясига бебаҳо ҳисса қўшганлар.

Мустақил Ўзбекистонда бутун шарқ цивилизациясига хос бўлган оилани барча чоралар билан қўллаб-қувватлаш энг муҳим инсоний қадриятлардан бири бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Инсон ҳуқуқларини тўла амалга ошириш мезони маҳалладир. Чунки маҳалла халқимизнинг турмуш тарзи, ота-боболаримиздан бизга мерос бўлиб келаётган тафаккур тарзидир.

Инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, тўлиқ амалга ошириш миллий давлатчилигимиз тажрибасини ва ҳуқуқий маданиятимизни бойитади.

...Ўзимизнинг асрлар синовидан ўтган, улуғ аждодларимиз бизга қолдирган миллий мафкура ва тафаккуримизни тиклаш, уни замонавий умумбашарий руҳ билан бойитиш ҳаммамизнинг долзарб вазифамиздир...

...Ўзбекнинг миллий ғурури нимадан иборат? Ўзбекнинг энг асосий фазилаглари, асосий хислатлари нималарда намоён бўлади? Меросимизнинг асосий қирралари, сабоқлари нима?

И. А. Каримов.

3. Инсон ҳуқуқлари ва ўзбек миллий мафкураси.

Инсон ҳуқуқлари ўзбек миллатининг турмуш тарзида, анъанавий ҳуқуқий маданиятида, миллий дунёқараши ва мафкурасида муҳим ўрин тутган. Инсон ҳуқуқларини тўла қарор топтиришда миллий, маънавий, диний-ахлоқий, давлат-ҳуқуқий ва тарихий меросимизга, мафкурамиз ғояларига таянмоқ керак.

Ўзбек миллий мафкурасининг таркибий қисмлари: мустақиллик ҳис туйғуси ва истиқлолни тўла идрок этиш; ўзбекчилик; кўп миллатли Ўзбекистон халқининг ватанпарварлигидан иборат.

Миллий мафкура — она заминга бўлган муҳаббат, уни севиш, эъозлаш, ардоқлаш ва равнақи ҳақидаги ғоялар мажмуидир. Миллий мафкура — жамият аҳлининг руҳияти кўрсаткичи, хоҳиш иродасининг намоён

бўлишидир. Миллий мафкура — ҳар қандай мафкурадан юқоридир. Миллий мафкура — давлат тараққиёти белгилаб берувчи мафкуравий мезонларни ҳам қамраб олади. Миллий мафкура — адолатли, ҳуқуқий-демократик фуқаролик жамияти ҳақидаги сиёсий-ҳуқуқий гоялардан ҳам ташкил топади. Миллий мафкура халқ мафкураси бўлмоғи керак.

Яқин-яқинларгача «миллий мафкура» иборасини ишлатиш жиноят ҳисобланарди. Ўз миллатини севиш, миллий ютуқлардан фахрланиш, миллат йўлидаги саъй-ҳаракатлар «миллатчилик» тамгалари билан қораланарди. Наҳотки бирор бир инсон ўз миллатига мансублигидан ғурурланмаса, миллатчи бўлса?! Миллатчи миллат бўлмайди. Миллийлик, миллатга мансублик умумжаҳон тараққиёт қонуниятидир. «Миллатчилик», «миллатчи» дейдиганларни, ўз насл-насабини билмайдиганларни ачиниш билан буюк давлатчилик, империяча миллий сиёсат манқуртлари деб баҳолаш мумкин, холос. Ўзбекман, миллатимдан, она-юртимдан фахрланаман, ўзбек давлатининг фуқаросиман, дея айтолмаганлар ҳақида нима дейиш мумкин?! Ўзбек халқи ҳеч қачон, қанчалик истибдод, қанчалик тазйиқу чеклашларга қарамай, тили, дини, маданияти, мероси илдиэларидан узилиб қолган эмас. Мана шу миллатимизнинг чуқур ва теран, соғлом ва бой маънавият томирлари, инсон ҳуқуқлари мустаҳкам пойдеворининг таянч нуқталарини ташкил этади.

Миллий ғурур, ўзбек миллатининг асосий фазилатлари ва ниҳоят, буюк миллий-маданий меросимиз Ўзбек миллий мафкурасининг негизини ташкил этади.

Ўзбек миллатининг ғурури, миллий ифтихори қуйидагиларда яққол намоён бўлади:

1. Она — Ватанимизнинг қўп минг йиллик тарихий ўтмишда, унинг Шарқ маърифатпарварлиги, умуман, жаҳон цивилизациясига қўшган беқиёс ҳиссасида ва унда тушган мавқеида;

2. ватандошларимиз — жаҳон миқёсида тан олинган фан, дин, адабиёт, санъат даҳоларимизда, давлат ва жамоат арбобларимизда;

3. диёримизнинг бебаҳо маданият, санъат, меъморчилик ёдгорликларида;

4. ўзбек халқининг ўз она тилига, миллий урф-одатларига, анъана-удумларига содиқлигида;

5. Ўзбекларнинг буюк ислом цивилизацияси ва маданиятига мансублигида;

6. Ўзбек давлатининг табиат бойликларида, серҳосил ерларида, буюк дарёларида, қолаверса, мамлакатимизнинг иқтисодий куч-қудратида;

7. кўп миллатли Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигида, унинг фуқаролари ва бутун халқнинг истиқлол ва тараққиётга, буюк келажакка бўлган ишончида;

8. фуқароларимизнинг жаҳон талаблари даражасида билим ва малака олишга, фан-техникага, бозор иқтисодиёти тадбиркорлиги маданиятига бўлган иштиёқ ва интилишида;

9. Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамияти томонидан тан олинishiда ва унинг халқаро пуфuzининг ошиб боришида ва ниҳоят;

10. тинчлик, барқарорлик, ўз истиқлол ва тараққиёт йўлини танлаб олиб собитқадамлик билан бораётганида.

Миллий гурусиз ҳеч бир миллат миллат сифатида раvнақ тополмайди.

Ўзбекларнинг асосий фазилатлари ва хислатлари қуйидагиларда намоён бўлади.

— ўзбекларнинг туркий халқларга мансублигида, улар билан яқин қон-қариндошлигида, уларнинг тили ва дини, маданий ва тарихий илдизларининг бирлигида.

— ўзбекларнинг барча Шарқ (тожик, афғон, эрон, араб, хитой, ҳинд ва бошқа) халқларга яқинлигида, улар билан ўзаро кўп минг йиллик яқин этник маданий муносабатларида.

— ўзбекларнинг ўзига хос шарқона мустақил маънавий тараққиёт йўлининг бошқа қардош маданиятлар билан узвий ривожланишида.

— ўзбекларнинг ислом маданиятини ва маърифатпарварлигини ўзига хос идрок этишида ва раvнақ эттиришида.

— ўзбекларнинг қадимдан Оврўпо, кейинчалик рус маданияти билан яқин ҳамкорлигида.

— ўзбекларнинг очиқлигию, меҳмондўстлигида, хоҳ ўз мамлакати ичида, хоҳ ташқарисида барча миллат ва элатлар, дин вакиллари билан тенг ҳуқуқли ҳамкорликка мойиллигида.

— ўзбекларнинг кўп асрлик оғир ва зиддиятли тарихида, буюк миллий давлатчилик намуналарини, тарқоқ-

лик ўқинчларини, мустамлака зулмларини тўла қарамликни бошидан кечирганлигида.

— Ўзбекларнинг истиқлол шарофати туфайли буюк миллат, халқ бўлиб бирлашуви, жипслашуви учун имкон яратилганида ва тараққиёт сари ўз мустақил йўли билан боришида.

— Ўзбекларнинг ўз кучига ишонишида, меҳнатсеварлигида, тиниб-тинчимаслигида, ишчанлигида, билимдон ва ташаббускорлигида.

— Ўзбекларнинг халққа, Ватанга садоқатлилигида, фидойилигида, жонкуярлигида намоён бўлади.

Миллий маънавиятимизнинг, маданий меросимизнинг буюк куч эканлигига шак-шубҳа йўқ. Шунинг учун ҳам фақат маънавий тикланиш ва чинакам покланиш орқалигина биз ўз миллий мафкурамизни яратишимиз мумкин. Бошқа ўзга йўл йўқ. Буни қанча тез англасак, миллий истиқлолнинг яна бир муҳим истеҳкомини яратурмизким, бу яқиндан гиштлари қўйила бошланган мустақил ўзбек давлати қалъаси учун ҳақиқий маънавий замин бўлиб қолажак.

Ўзбек халқи ҳам барча халқлар сингари асрлар мобайнида сақланиб, сайқалланиб келган миллий урфодати, расм-русуми, удуми ва анъаналари, юриш-туриши, ғурури, ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, дини, ҳуқуқий онги, умуман, бир сўз билан айтганда, маданий-маънавий дунёси аке этади. Ўзбек халқининг маънавиятида миллатнинг ўтмиши, ҳозирги куни ифодаланиши билан бирга, оилавий ҳаёт учун, ҳар бир инсон учун муҳим тарбиявий аҳмаиятга моликдир. Чунки болаларимиз ана шу кўзга илинмас ҳис-туйғу ва онг, аждодлар хотираси ва узвийлиги таъсирида, она сути, она алласи билан маънавий озуқа, тарбия оладилар. Ушбулар тил воситасида сингимизга кириб боради, буларнинг барчаси миллат маънавиятининг гултожи ҳисобланади.

Сир эмас, асрлар давомида аждодларимиз ҳаётида таркиб ва разнақ топган миллий-маданий анъаналарни ва урф-одатларни қадрламаслик маънавий тубанлик, ўз тарихига, она заминига, тупроғига ҳурматсизликдир. Бой, қадимий ва навқирон маънавиятимиз дурдоналари, миллий-маънавий инқирознинг олдини олишда, миллий-маънавий салтанатимизни тикламоқликда муҳим омилдир, таянчдир.

Миллатимиз маънавият салтанати дсворлари ўзбек.

маданиятининг янги босқичдаги Уйғонишидир (Ренессансидир).

Кўп минг йиллик маданий меросимиз илдизлари униб, ниш бериб, куртак очмоқда. Ўзбек миллий маънавиятимизнинг бу хусусиятлари нималардан иборат?

1. Бизнинг юртимиз фақат икки қўл бармоқлари етadиган алломаларнинггина эмас, балки маданиятнинг барча соҳаларида юзлаб, минглаб, жаҳоншумул улуғ зотлар, давлат арбобларини берган ва ана шу аждодларимиз умумбашарият маърифатпарварлигини яратишда бевосита иштирок этганлар, улкан ҳисса қўшганлар. Шунинг учун ҳам ўзбек маданий мероси жаҳон маданиятининг узвий ажралмас таркибий қисмидир.

2. Мустақил Ўзбекистоннинг, нафақат Ўзбекистоннинг, балки бутун жаҳон маънавияти салтанатида ўз ўринларига эга бўлган улуғларимизни кўкларга кўтариш вақти келди. Тўмарис ва Широқ, Спитамен ва Мангуберди, Темур Малик, буюк бобомиз Амир Темур, Улуғбек, Бобур, Шоҳжаҳон ва бошқа улуғларимиз руҳини шод айламоғимиз, «Гўрўғли», «Алпомниш», «Ойбарчин», «Равшан», «Ҳасан», «Кунтуғмиш» дostonларини баралла қуйламоғимиз ва эшитмоғимиз керак.

3. Ўзбекистон ўзининг чуқур давлатчилик негизларига эга, ўзига хос сиёсий-ҳуқуқий, маданий мерос соҳибидир. Эрамиздан бир неча юз йиллар олдин, бизнинг ҳудудимизда давлат-ҳуқуқий институтлар ва қарашлар тараққий этган Мовароуннаҳрда ислом маърифатига, ислом ҳуқуқшунослиги — фикҳга, шариатга ва, умуман, жаҳон ҳуқуқий маданиятига улкан ҳисса қўшган фақиҳлар — ҳуқуқшунослар яшаганлар.

4. Бизнинг ҳудудимизда тўққиз мингдан зиёд тарихий, маданий, меъморчилик ёдгорликлари — ўзбек халқининг беқиёс маданий меросининг тирик гувоҳлари бор. Уларни таъмирлаш, тиклаш, сақлаб қолиш ва келажак авлодларга етказиш ҳар биримизнинг маънавий, қолаверса, инсоний ватанпарварлик бурчимиздир. Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 49-моддасида: «Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб-асрашга мажбурдирлар», дейилган. Бу борада ушбу конституциявий қоида ривожлантирилиб, маданий меросни ҳимоя қилиш тўғрисида махсус қонун қабул қилинса нур устига аъло нур бўлув эди.

Хуллас, миллий мафкурамизнинг узвий таркибий

қисмини бой маданий меросимиз ташкил этади. Маънавийатимиз гулшани дурдоналаридан баҳраманд этиб тарбияланган соғлом авлод руҳан тетик ва енгилмас бўлиб доимо музаффарият отида юргай.

**Халқимизнинг маънавий пойдевори,
бўлажак давлатимизнинг таянчлари жу-
да қадимий ва мустаҳкам.**

И. А. Каримов.

4. Инсон ҳуқуқлари ва тарихий ҳуқуқий мерос

Мустақил Ўзбекистон инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ва ҳимоя қилиш борасида бутун дунёда иш бошлаган ва иш олиб бораётган барча кишиларни ва барча давлатларни жуда эъозлайди. Ўзбекистон Республикаси дунё ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида маърифатпарвар демократик адолатли давлат бўлишга ҳаракат қилади, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ва мустаҳкамлашга қатъий кафолат беради.

Инсон ҳуқуқлари умумбашарий, миллий давлат ва ҳуқуқ тушунчаларини ўзида мужассамлаштиради. Ўзбекистон ўзининг бой ва кўп минг йиллик маънавий-ҳуқуқий меросига асосланиб инсон ҳуқуқларининг умуминсоний қадриятлари ва ҳамма эътироф этган халқаро ҳуқуқ талабларини таъминлаш борасида мунтазам иш олиб бормоқда.

Инсон ҳуқуқлари аниқ тарихий ва миллий ўзига хос шароитда табиий равишда пайдо бўлади ва ривожланади. Шунинг учун ҳам ўзбек маънавий-ҳуқуқий меросининг илдизларини чуқур билиш ва идрок этиш, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ўзига хос тушунишни ва ҳолатини талқин қилишга асос бўлиб хизмат қилади.

Ўзбек маънавий-ҳуқуқий меросининг илдизлари қандай? Бизнинг кўҳна заминимизда давлатчилик ва ҳуқуқ ўзининг чуқур илдизларига эга бўлиб, қадим-қадим даврларга бориб тақалади. Ўзбек миллий давлатчилиги ва ҳуқуқи пайдо бўлиши ва тараққий этиши тарихий, солномаси қуйидагича.

Эрамиздан аввалги биринчи минг йилликда ҳозирги Марказий Осиё ҳудудида йигирмага яқин қабилалар бўлиб, улар бир неча қабилалар иттифоқига бирлашган эди. Булар орасида бир неча қабилаларни бирлаштирувчи массагетлар алоҳида мавқеи билан бошқалардан аж-

ралиб турган. Туркий халқлар, жумладан ўзбек халқининг чуқур илдизлари ана шу массагетларга бориб тақалади.

Эрамиздан аввалги XV—XII асрларда Марказий Осиё ҳудудининг асосий қисми Оссурия давлати таркибида бўлган, шу билан бирга бу даврда мустақил Хоразм давлати ҳам мавжуд эди.

Эрамиздан аввалги VI асрнинг ўрталарида Марказий Осиёда Аҳмоний подшоҳларнинг ҳукмронлиги ўрнатилган.

Эрамиздан аввалги IV асрнинг иккинчи ярмида Хоразмликлар, кейинчалик сак қабилалари мустақилликка эришгач.

Эрамиздан аввалги IV асрнинг охириги чорагида Хоразм давлатидан ташқари бутун Марказий Осиё македонияликлар томонидан босиб олинган. Искандар Зулқарнайн вафотидан сўнг Марказий Осиё ҳудуди Салавкийлар давлати таркибига киритилган.

Эрамиздан аввалги III аср ўрталарига келиб Грек-Бақтрия подшолиги ташкил топиб, унинг таркибига Бақтрия, Сўғдиёна, Марғиёна ва Паркана (Фарғона) кирган. Кейинчалик Марказий Осиё ҳудудида Хоразм давлати билан чегарадош бўлган Тохаристон давлати ташкил топган. Кўп ўтмай у кичик-кичик давлатларга бўлиниб кетган.

Эрамизнинг I—IV асрларида Марказий Осиё ҳудуди Кушон подшолиги таркибида бўлган. IV асрнинг охириги чорагида Марказий Осиёда кичик-кичик давлатлар ташкил топган.

V аср ўрталарида Марказий Осиё Эфталитлар давлати томонидан босиб олинган.

VI асрнинг охириги чорагида араблар босиб олгунга қадар Марказий Осиё Фарбий Турк ҳоқонлиги таркибида бўлган.

VIII аср бошларида Марказий Осиёда араблар ҳукмронлиги ўрнатилган. Араблар ўлкамизни Мовароуннаҳр деб атаганлар.

IX аср охири X аср бошларидан иккинчи ярмигача Ўзбекистон ҳудудида Сомонийлар, X асрнинг иккинчи ярмидан Қорахонийлар, XI аср бошларидан Салжуқийлар салтанатлари мавжуд бўлган.

XII асрнинг ўрталарида Мовароуннаҳрни қорахитойлар ўзига бўйсундирган. XII асрда Хоразм яна мустақилликка эришган.

XIII аср бошларидан XIV асрнинг 60-йиллари ўрта-ларигача Мовароуннаҳрда мўғуллар, XV аср охирларигача Амир Темур ва темурийлар, XVI асрдан Шайбонийлар ҳукмронлик қилган XVI аср охирида Ўзбекистон ҳудудида Бухоро, Хива, XVIII аср бошларида Қўқон хонликлари ташкил топган.

Марказий Осиё XIX асрнинг иккинчи ярмида Россия томонидан босиб олинган. Қўқон хонлиги тугатилган. Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил қилинган. Бухоро ва Хива хонликлари устидан Россия протекторати ўрнатилган. Ҳудудимиз Туркистон ўлкаси деб атала бошланган.

1917 йилда Қизил империя ҳукмронлиги ўрнатилиб, Ўзбек Совет Социалистик Республикаси тузилганидан бошлаб Ўрта Осиё ибораси қўлланила бошланди.

1991 йил 31 августда Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришди.

Демак, бизнинг ёш мустақил ўзбек давлатимиз ўзида кўҳна Сўғдиёна ва Хоразмдан бошлаб, Сомонийлар, Хоразмшоҳлар, Амир Темур ва Темурийлар давлатларининг давлат бошқарув ютуқларини, халқимизнинг бутун давлат-ҳуқуқий тарихи тажрибасини ҳамда унинг ўз миллий давлатига ва ҳуқуқига эга бўлиш каби асрий орзуларини мужассамлаштирган. Яъни ҳозирги ўзбек давлати умумжаҳон ва миллий давлатчилик ва ҳуқуқий тараққиёт қонуниятларини ўзида узвий равишда уйғунлаштиради. Ўзбек давлати ва ҳуқуқи ўзининг салкам 3 минг йиллик тарихига эга.

Ўзбекистон Оврупо ва Осиё маърифатпарвар дунёсини, цивилизацияларини бирлаштирувчи буюк халқаро йўллар кесишган заминда жойлашган. Маърифатпарварчилик давридаги маънавиятимиз шакллана бошлаганига камда 2,5 минг йил бўлган.

Йигирма асрдан кўпроқ даврлардан бери Бухоро, Самарқанд ва бошқа шаҳарларда бизнинг авлод-аждодларимиз билан бирга яҳудийлар ҳам яшаган ва яшаб келмоқда. X асрдан XV асргача Мовароуннаҳр шаҳарларида талайгина носаролар ҳам яшаган, боз устига мўғул ҳукмдорлари ислом динини қабул қилгунларига қадар оммавий равишда уларга ҳомийлик қилганлар.

XХ аср охиридан эътиборан Туркистон халқлари орасига руслар ва рус маданиятидаги кишилар қўшилди. Уларнинг ҳаммаси аниқ тарихий ва миллий ўзига хос-

лик шароитида миллий давлатчиликни ва ҳуқуқий тизимнинг табиий бўлиши ва ривожланиши гувоҳидир.

Ўлкамизнинг муғулларгача бўлган ва Темурийлар давридаги номи — Мовароуннаҳр уйғониши ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш даркор. Ислом цивилизацияси халқимизнинг дунёқарашини тўлдирди ва бойитди, бу халқ жаҳонга таниқли ва умумбашарият томонидан тан олинган буюк мутафаккирларни етказиб берди.

Бугунги кунда мустақил Ўзбекистон ўз тараққиётининг бутун асоси бўлмиш миллий давлатчилиги, ҳуқуқий тизимини қайтадан яратмоқда. Халқимизнинг маънавияти камол топмоқда.

Ўзбекистон Республикаси демократик-ҳуқуқий давлат қуришга азму қарор қилган экан, юксак ҳуқуқий маданият, Конституция ва қонунга ҳурмат, иттифоқчилик, миллий истиқлол мафқурасида муҳим ўрни эгалламоқда. У ўзида халқимизнинг энг ардоқли фазилатлари — ниймон ва исоф, меҳр-оқибат, шафқат ва раҳмдиллик, ҳаё, уят ва андиша, ор-номус, элига ва юртига содиқлик, ватанпарварлик каби қадриятлар ва ғояларни мужассамлаштиришга қаратилгандир. Ўзбек халқи асрлар мобайнида авайлаб сақлаб, сайқаллаб келган ўз миллий урф-одатлари, расм-русумлари, удум ва анъаналари, ғурури, ижтимоий-иқтисодий турмуш тарзи, ҳуқуқий онги ва маданияти, эътиқоди, бир сўз билан айтганда маданий-маънавий дунёси билан ажралиб туради. Буюк алломаларимиз умумбашарият маърифатпарварлигини яратишда бевосита иштирок этганлар, улар жаҳон ҳуқуқий цивилизациясига улкан ҳисса қўшганлар. Уларнинг бой маданий-ҳуқуқий мероси ҳозирги мустақил ҳуқуқий тараққиётимизнинг мустақил пойдевори бўлиб хизмат қилади.

Ҳар қандай давлатнинг юзи, обрў-эътибори унинг Конституцияси ҳисобланади. Зотан, Конституция давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган Қобусномадир.

И. А. Каримов.

III боб. КОНСТИТУЦИЯ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

1. Истиқлол ва мустақиллик қомуси

Ўзбек халқи прогрессив жаҳон жамоатчилиги, ривожланган мамлакатлар хайрихоҳлигида ўзининг асрлар давомидаги орзу-умиди бўлган мустақиллик, суверен давлатини барпо этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» номли рисоласида: «Ўзбек халқининг ажралмас ҳуқуқи — ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи рўёбга чиқарилди. 1991 йилнинг 31 августида Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги эълон қилинди. Муқаддас орзу ушалди — Ўзбекистон тинч, парламент йўли билан ўзининг ҳақиқий давлатчилигига эришди. Бу — халқимизнинг кўп асрлик тарихида буюк воқеадир»¹, деган эди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг иккинчи сессиясида қабул қилинган «Мустақиллик декларациясида» Ўзбекистон инсонпарвар, демократик ҳуқуқий давлат барпо этишга қарор қилганлиги билдирилди. Мустақиллик декларациясида Ўзбекистонда яшаётган барча миллат ва элатларнинг қонуний, сиёсий, иқтисодий, этник, маданий ҳуқуқларига ҳамда она тилининг ривожлантирилишига кафиллик берилади дейилган.

Мустақил Ўзбекистон Республикаси ўз ички ва ташқи вазифаларининг асосий йўналишини белгилаш жараёнида халқаро ҳуқуқ тамойилларини асос қилиб олган. У Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низомининг би-

¹ И. А. Каримов. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т., «Ўзбекистон», 1992, 3—4-бетлар.

ринчи моддаси пкинчи банди асосида: ўзбек халқининг сиёсий мақомини бошқа давлатларнинг аралашшига йўл қўймай ўзи мустақил белгилайди; ўзининг иқтисодий, ижтимоий-маданий ривожланишини мустақил амалга оширади; муштамлакачилик, миллатларни жабрлаш сиёсатиға қарши аёвсиз курашади; халқларнинг ўз озодлиги, миллий ва давлат мустақиллиги, мустақил тараққиётини қўллаб-қувватлайди; ўз ички ишларига қурол ва куч ишлатиш чораларига йўл қўймайди, ўзи эса сиёсий, мафкуравий, иқтисодий жиҳатдан бошқа ривожланаётган давлатлар суверен ҳуқуқларини камситмайди.

Ўзбекистон Республикаси нуфузли халқаро ташкилот — Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низоми қондаларига тўла амал қилиши натижасида жаҳон халқлари назарида эътибори беқиёс ошди.

Ўзбекистон Республикаси мустақил тараққиёт йўлини танлагач, ўз олдиға ўзбек халқи асрлар давомида орзу қилган демократик, инсонпарвар, одил жамият ва ҳуқуқий давлат қуришни бош вазифа қилиб белгилади. «Мамлакатимизда сиёсий ўзгаришларға мос равишда ихчам, очиқ ва тадрижий ривожланишға эға бўлган ижтимоий тизим яратилди. Шу туфайли биз ўтмишни баҳолашда барча фуқароларнинг ҳамфикрлигиға, умуммиллий яқинликка эриша олдик. Сиёсий ислохотларнинг ҳар томонлама чуқурлашиши учун қулай шароит ҳозирланди»¹.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Қаримов ўзининг «Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари» номли рисоласида: «Мақсадимиз аниқ — бозор иқтисоди тамойилларига асосланган, эркин, очиқ, демократик давлат қуриш», деб уқтирди.

Ҳозирги шароитда инсонпарвар, адолатли, демократик фуқаролар жамиятини ҳар томонлама ривожлантириш ва такомиллаштириш мамлакатимиз ҳаётининг ўзига хос хусусиятидир.

Ўзбекистоннинг демократик моҳияти, энг аввало, унинг халқ манфаатларини ҳимоя қилишда, фуқаролари эркин ҳуқуқларининг ифодасини тўла акс эттиришда намоён бўлмоқда. Демократик, инсонпарвар, адолатли фуқаролар жамияти ва ҳуқуқий давлат қуриш йўлидаги асосий мақсади, вазифаси, йўналиши инсон ҳуқуқла-

¹ И. А. Каримов. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Т.,

рини ҳимоя қилиш ва уларни тўла амалга оширишга қаратилгандир. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини бутун чоралар билан ривожлантириш ва такомиллаштириш республикамиз ҳаётининг асосий тамойилларидандир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ «Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир» (7-модда). «Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсопий принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.

Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади» (13-модда). Конституция мустақил Ўзбек давлати ва фуқароларининг ўзаро муносабатларини қонуний ифода этади. Ҳақиқий халқ ҳокимияти, бозор иқтисодига ўтиш, мулкчиликнинг янги шакллари жорий этилиши жамиятимизда ҳақиқий шахс озодлигининг қарор топишига олиб келди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва меъёрий қонунчилиги фуқароларининг ижтимоий ва шахсий манфаатларини тўла-тўқис ифодалайди, инсоннинг қонуний талаб ва эҳтиёжларини қондириш чораларини кўради, шахснинг ҳар томонлама камолотга етиши учун қайғурадди.

Ўзбек давлати ва жамияти ўз табиатига кўра фуқароларининг сиёсий озодлигини ошириш талабгоридир. Республика фуқароларининг демократик ҳуқуқ, эркинликлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ривожлантирилиши, уни кафолатлашида ўзининг қонуний акс эттирилиши бунинг ёрқин мисолидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосий моҳияти, ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мустақил Ўзбек давлати ва жамиятининг асосий қонуни, у мустақилликка эришилгач ўрнатилган ижтимоий ва давлат тузуми, янги мулкчилик шакллари, иқтисодий негизи, мустақил тараққиёт ва халқ ҳокимиятчилиги, давлат ҳокимияти кимга тегишли ва у қандай шаклда амалга оширилиши лозимлигини ўзида қонуний ифода этади.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг характерли хусусияти унинг чинакам халқпарварлиги, халқчиллигидадир. Унинг бундай демократик хусусиятлари ўзининг ижтимоий моҳияти, конституция лойиҳасини тайёрлаш ва муҳокама қилиш жараёни

Ўзбекистон халқининг кенг ва ҳал қилувчи иштирокида ўтганлигидадир. Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 2-моддасида: «Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар», дейилади.

Ўзбек халқи ҳокимиятчиликни давлат ҳокимиятининг соҳиби, мамлакат моддий ва маънавий бойликларининг эгаси сифатида конституцияда ўзининг қонуний ақсини топганлиги учун тўла амалга оширмақда.

Учинчидан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси барқарордир, у мустақиллик ва истиқлол тамойилларини ўзида қонуний тўла ақс эттирди, мустаҳкамлади. Конституцияда энг муҳим тартиб-қоидалар, давлат органлари, жамоат уюшмалари, ташкилотлари, мансабдор шахслар ва фуқаролар, уларнинг ҳуқуқий мақомлари умумий тарзда ақс эттирилган. Унда давлат қурилиши вазифалари ва моҳияти тўғрисидаги масалалар қонуний ифодаланган.

Тўртинчидан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси реал характерга эга. Унинг мазмуни меъёрий қонунларда ўзининг шарҳини, аниқ ифодасини топади, бу эса унинг аниқ-равшан эканлигидан далолат беради. Конституция тамойиллари мустақил давлат ва ижтимоий тузумнинг моҳиятига мос келадиган, ҳаётга тадбиқ қилинаётган ҳақиқий ижтимоий муносабатлар моҳиятига мос келадиган қоидалар йиғиндисида.

Бешинчидан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ўзида нафақат қонунларнинг оғишмай бажарилиши, уларнинг устуворлигини белгилабгина қолмай, қонунлар тўла бажарилиши лозимлигига ҳам катта эътибор қаратади. Шунинг учун Конституциянинг III боби «Конституция ва қонуннинг устунлиги» деб номланиб, унинг 17-моддасида: «Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституция ва қонунларининг устунлиги тўла тан олинади.

Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар», дейилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бирорта қондаси республика ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказадиган тарзда талқин этилиши, қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас.

Олтинчидан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси илмий, юқори мафкуравий характердаги ҳуқуқий ҳужжат бўлиб, унда Ўзбек халқининг демократик, одил, инсонпарвар фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуриш вазифалари ўзида яққол акс эттирилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мустақиллик, истиқлол шароитида Ўзбек жамияти ва давлатининг ривожланишини қонуний ифода этиб, ҳақиқий демократия ўрнатилиши, унинг ҳар томонлама тараққиётини ўзида тўла акс этдиради. Шунинг учун ҳам у давлат паспорти, мадҳияси, демократик қомус ҳам деб аталади. Бу унинг 13-моддасида: «Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.

Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади», деб уқдирилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясидаги инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари тўғрисидаги қондаларни унинг аввалги Конституциялари билан солиштирсак, қуйидаги характерли хусусиятларнинг гувоҳи бўламиз. Булар: 1) мустақиллик шарофати билан вужудга келган янги ҳуқуқ ва эркинликлар тизимининг мавжудлигида; 2) фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари амалга ошишининг кафолатланишини кучайтиришда; 3) қатор янги мазмун, қондалар билан бойитилганлигида яққол кўринади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ўн биринчи сессиясида сўзлаган нутқида янги Конституцияга баҳо бериб: «Янги Конституциямизнинг ижобий жиҳатлари, янги томонлари, аввалги Конституциялардан фарқлари нималардан иборат? Авваламбор бу Конституция ўзининг туб моҳияти, фалсафаси, ғоясига кўра янги ҳужжатдир. Унда коммунистик мафкура, синфийлик, партиявийликдан асар ҳам йўқ. Жамийкү дунёвий неъматлар орасида энг улуғи — инсон деган фикрни илгари сурдик ва шу асосда «фуқаро — жамият — давлат» ўртасидаги ўзаро муносабатнинг оқилона ҳуқуқий ечимини топишга интилдик»¹, деган эди.

¹ И. А. Каримов. Ўзбекистон келажаги буюк давлат. Т., Ўзбекистон, 1992, 37-бет.

Ўзбекистон Республикасида барпо этилаётган демократик, инсонпарвар фуқаролар жамияти республикамиз халқлари кучи ва имкониятларининг ўсишига, чинакам демократияни қарор топтиришига олиб келади, барча фуқароларнинг бунёдкорлик фаолиятини фаоллаштиришига, мамлакатимизнинг тез ва ҳар томонлама иқтисодий, ижтимоий-маданий ривожланишига, бозор иқтисодига босқичма-босқич ўтишига, мустақиллик ижтимоий ва давлат тузумининг такомиллашувини таъминлашга олиб келиши аниқ.

2. Фуқаролик ва тенгҳуқуқлилик

Мамлакатимизда қурилаётган демократик, инсонпарвар фуқаролар жамияти мулк шаклларининг янги тизими, қудратли ишлаб чиқариш кучлари ва воситалари, илғор фан ва маданият барпо этиш, халқ фаровонлигини ошириш, такомиллаштириш, шахсни ҳар томонлама камол топтиришга қулай шароитлар вужудга келтираётган одил жамиятдир.

Демократик, инсонпарвар фуқаролар жамияти республикамизда яшовчи барча халқларнинг ҳуқуқий ва ҳақиқий тенглиги, уларнинг қардошларча ҳамкорлиги асосида фуқароларнинг дўстлиги ва бирлигини яратиб, ғоят уюшган, юксак онгли ва мафкуравий кишини камол топтирмоқда, ҳар бир фуқаронинг бахт-саодати тўғрисида ҳамманинг ғамхўрлик қилиши ва ҳамманинг бахт-саодати тўғрисида ҳар бир фуқаронинг ғамхўрлик қилишини ўз ҳаётий қонуни қилиб оладиган ватанпарвар ва байналминал жамиятдир.

Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, фуқаро ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқдир. Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги шахс билан ўзбек давлатининг доимий сиёсий-ҳуқуқий алоқасини белгилайди, бу алоқалар уларнинг ўзаро ҳуқуқлари ва бурчларини ифодалайди.

Ўзбекистон Республикасида ҳар бир киши фуқаролик ҳуқуқига эга. Инсоннинг фуқароликдан ёки фуқаро-

ликни ўзгартириш ҳуқуқидан ўзбошимчалик билан маҳрум қилиниши, камситилиши қонун билан ман этилади.

Ҳар бир инсон, шу давлат фуқаросими, чет эл фуқаросими ёки фуқаролиги бўлмаган шахси, барибир ўзи истиқомат қилаётган давлат ҳудудида шу давлат билан ҳуқуқий алоқада бўлади. Барча фуқаролар истиқомат қилаётган шу давлат қонунларига, ижтимоий ва ҳуқуқий-тартиботга тўла роя қилишлари керак.

Давлат ўз ҳудудида яшовчи фуқароларга ҳуқуқ, эркинлик ва бурчлари доирасини белгилаб қўяди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва фуқаролиги тўғрисидаги қонуничилигида Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг давлат билан фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий муносабатларини, бу муносабатлар уларнинг ўзаро ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларини ифодалашда вужудга келишидан келиб чиқиши аниқ ифодаланган.

Ўзбекистон давлати ўз органлари, мансабдор шахслари орқали фуқаролар олдида, фуқаролар эса давлат олдида масъулдир. Ўзбекистон давлати мамлакатимиз ҳудудида ва унинг ташқарисида ўз фуқароларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилади.

Ўзбекистон Республикаси қонуничилигида мамлакатимиз фуқаролигини олини ва уни тўхтатиш қондалари, ота-оналарининг фуқаролиги, фарзидликка олганда болаларининг фуқаролиги, фуқаролик масалаларига оид ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилувчи ташкилотлар тизими ва уларнинг ариза, тақдимномаларини кўриб чиқиш тартиби, фуқароликка оид масалалар бўйича ҳуқуқий актлар ижросини таъминловчи идоралар ваколати доираси, фуқаролик масалаларига оид ҳуқуқий актлар юзасидан шикоят қилиш тартиби-қондалари, фуқаролик масалалари бўйича халқаро шартномалар қондалари сингари масалалар ўзининг ҳар томонлама демократик ечилиши топган.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришиб ўзининг истиқлол йўлини танлагач қабул қилган фуқаролик тўғрисидаги ҳуқуқий ҳужжатларда мустақил давлатнинг инсонпарвар руҳида эканлигидан далолат берувчи ёрқин мисолдир.

Фуқаролик, деганда инсоннинг ҳуқуқий ёки сиёсий-ҳуқуқий томондан ҳимояланиши ва қонуний манфаатларини давлат ичидан ва унинг ташқарисидан қўлланиши тушунилади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, фуқаролик тўғрисидаги қонун, амалдаги бошқа қонунлар, хорижий давлатлар билан тузилган шартномалар, битимлар орқали тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги янги турдаги жамият ва шахс ўртасидаги муносабатлардан келиб чиқиб қуйидаги ижтимоий белгиларга эга. Булар:

1) Ўзбекистон ҳудудида истиқомат қилувчи барча халқлар, элатлар, миллати, тили, динидан қатъий назар, тенг ҳуқуқлилиги тамойилига асосланганлигида;

2) эркаклар ва хотин-қизлар тенг ҳуқуқлилиги тўла таъминланганлигида;

3) шахсий, ижтимоий келиб чиқиши, мулк, ижтимоий мавқеидан қатъий назар қонун олдида тенглигида;

4) маҳаллий бўлмаган, фуқароликни қай тарзда қабул қилганлигидан қатъий назар уларнинг ҳуқуқий ҳолати бир хил белгиланганлигида;

5) Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ягона фуқаролик ўрнатилган. Фуқаролар бир вақтда Ўзбекистон ва бошқа давлат фуқароси бўлишлари қонун билан ман этилганлигида;

6) Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олиш ва тўхтатиш тартиби ҳуқуқий ҳал қилинганлигида;

7) ота-оналарининг фуқаролиги ўзгарганда болалар фуқаролигининг ўзгариш тартиби аниқ белгиланганлигида;

8) Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги масалалари бўйича ҳуқуқий ҳужжат қабул қилувчи ва ижросини текширувчи давлат органлари тизими бирлигида;

9) фуқаролик масалаларига оид қарорлар юзасидан шикоят қилиш тартиби аниқ-равшанлигида;

10) Ўзбекистон Республикаси фуқаролик бўйича халқаро шартномалар турлари, характери қонунда аниқ белгиланганлигидадир;

Ўзбекистонда барпо этилаётган чицакам демократик фуқаролик жамияти, унинг олий ва маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш ташкилотлари, жамоат уюшмалари барча иқтисодий, давлат, ижтимоий-маданий масалаларни самарали бошқариш, мустақил давлат ва жамият ҳаётида барча аҳолини тобора фаол қатнаштириш, фуқароларнинг реал ҳуқуқ ва эркинликлари, уларнинг дав-

лат ва жамият олдидаги бурчлари ва масъулиялари билан узвий боғлаб олиб бориш таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ўзининг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» рисоласида ўзбек халқининг мустақилликка бўлган интилишини жаҳон ҳамжамияти, халқаро жамоатчилик қўллаб-қувватлаганлиги; дунёдаги 125 давлат (ҳозир бу рақам бирмунча кўпайган) Ўзбекистоннинг Давлат мустақиллигини тани олгани, 40 дан зиёд хорижий мамлакатлар билан дипломатия муносабатлари ўрнатилганлиги, Тошкентда Туркия жумҳуриятининг, Америка Қўшма Штатларининг, Ҳиндистон, Франция, Германия Республикаларининг ва бошқа давлатларнинг элчихоналари очилганлиги, бошқа хорижий давлатлар билан ҳам дипломатия ваколатхоналари айирбошлаш туғрисида музокаралар олиб борилаётганлиги, ўзбек халқи тарихида ilk бор, 1992 йилнинг 2 мартида Ўзбекистон халқаро ҳуқуқнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қабул қилинганлиги, Ўзбекистон Республикаси Оврўпода хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган Конференциянинг Яқинловчи актини имзолаб, Хельсинки жараёнига қўшилганини мамнуният билан таъкидлаб: «Мана шуларнинг ҳаммаси республика тараққиётида мазмунан янги босқични бошлаб берди ва тенг ҳуқуқли асосларда халқаро иқтисодий, илмий ва маданий соҳаларда фаол ҳамкорлик қилиш имкониятини очди»¹, дейди.

Ўзбекистон Республикасининг жаҳон мамлакатлари билан ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатиши Ўзбекистон фуқаролик қонунчилигига янгилик киритишни долзарб масала қилиб қўйди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 23-моддасида: «Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ таъминланади. Улар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва халқаро шартномалари билан белгиланган бурчларни адо этадилар», дейилиб, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий мақоми қонуний ифода этилади.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги республика-

¹ И. А. Каримов. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т., Ўзбекистон, 1992, 6-бет.

миз ҳудудида чет эл фуқароларининг доимий ёки вақтинча истиқомат қилиши жараёнидаги ҳуқуқ ва бурчларини аниқ-равшан белгилаб берган. Уларга Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан кафолатланган демократик ҳуқуқ, эркинлик ва бурчлар берилиб, республика фуқаролари билан тенг фойдаланадилар.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ўзларининг шахсий, мулкӣ, онла ижтимоӣ-иқтисодӣ, ижтимоӣ-маданий, меҳнат қилиш, дам олиш, саломатлигини қўриқлаш, малакали тиббий ёрдам олиш, ижтимоӣ-таъминот, уй-жойли бўлиш, билим олиш, тарихий, маданий ёдгорликлардан фойдаланиш каби ҳуқуқ ва эркинликлардан ҳам кенг фойдаланадилар. Уларга мулкдорлик, фан, адабиёт, санъат, ихтиро, рационализаторлик ҳуқуқлари берилган. Шунингдек улар виждон эркинлиги, тижорат ташкилотлари, жамоат уюшмаларига бирикниш ҳуқуқидан ҳам фойдаланишлари мумкин. Бу ҳуқуқ ва эркинликларга тўққинлик қилинган тақдирда улар маъмурӣ, суд органларига ҳимоя қилиниш учун мурожаат этиш ҳуқуқига эгадирлар.

Мамлакатимиз қонунчилиги чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга кенг демократик ҳуқуқ, эркинликлар берилиши билан улардан ўзбек жамияти ва давлати ўрнатган ҳуқуқ ва тартиб-қоидаларга зид хатти-ҳаракат қилмасликларини талаб этади.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролари бўлмаган шахсларга республика фуқаролари билан демократик ҳуқуқ ва эркинликларда ҳаётнинг ҳамма жабҳаларида тенглик берилган, деган фикрга келинмаслик лозим. Қатор ҳуқуқ ва эркинликлар борки, улар характери жиҳатидан фақат Ўзбекистон фуқароларига тегишлидир.

Чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаганлар Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти олий ва маҳаллий вакиллик органларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва бошқа сайланадиган давлат органларига сайловларга қатнашишдан, умумхалқ овоз бериши — референдумда қатнашишдан, айрим давлат органларида мансабни эгаллашдан, дипломатик корпус ходими, прокурор, судья, нотариус каби лавозимларни эгаллаши мумкин эмас. Улар Ўзбекистон Қуролли Кучлари сафига сафарбар қилинмайди.

Ўзбекистон ҳудудида истиқомат қилувчи чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларини, ижтимо-

ий ва ҳуқуқий тартиботни, давлат ва жамиятда ўрнатилган тартиб-қоидаларни, ўзбек халқи анъаналари, ахлоқ ва одоб нормаларини ҳурмат қилишлари даркор.

Мамлакатимиз ҳудудида чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан республика қонунчилиги бузилган тақдирда уларни маъмурий жавобгарликка тортиш тартиби аниқ-равшан белгилаб берилган.

Бу Ўзбекистон Республикаси ҳудудида туриш, ҳудуддан ўтиб кетиш, яшаш ва унинг муддатини қайд этиш қоидасини бузиш, чиқиб кетиш вақти келганда чиқиб кетмаслик ва шу каби ҳолларда ички ишлар органлари томонидан огоҳлантирилади, айрим ҳолларда жарима солинади. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқарилиб юборилиши ҳам мумкин.

Чет эл фуқаролари республикамиз ички ишларига у ёки бу шаклда, баҳона билан араланимаслиги лозим.

Мамлакатимизда чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳуқуқий мақомининг аниқ-равшан белгиланиши, Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқларининг халқаро ҳуқуқ, шартномалар асосида демократик, инсонпарварлик, байналмилаллик руҳида ҳал қилинганлиги, демократик, инсонпарвар, фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат сари огишмай бориши, халқаро обрў-эътиборининг юксалиб бориши, ижтимоий-давлат тузумидан қатъий назар барча давлатлар билан дўстлик ва манфаатли ҳамкорлик қилишининг ёрқин далилидир.

IV боб. ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛАРНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚЛАРИ, ЭРКИНЛИКЛАРИ ВА БУРЧЛАРИ

1. Фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари тушунчаси

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва амалдаги бошқа қонунларида ривожланаётган Ўзбекистон фуқароларининг демократик, ҳуқуқ, эркинлик ва бурчлари турли хил, кўпқиррали бўлиб, республика конституциявий, маъмурий, фуқаролик, меҳнат, оила, аграр ва бошқа ҳуқуқ тармоқларида ўз аксини топган.

Ўзбекистон фуқаролари томонидан ўзларининг асосий ҳуқуқ, эркинлик ва бурчларининг тўлиқ бажарилиши Ўзбекистон давлатини янада мустақкамлайди, унинг

демократик асосини кенгайтиради, республика фуқаролари моддий-маънавий эҳтиёжини қондиради.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, республика фуқароларининг демократик ҳуқуқ, эркинлик ва бурчлари янгича тус олди, янгидан янги, нуфузли қондалар, давлат, жамият ва фуқаролар ўртасида янгича муносабатлар вужудга келди, улар асосида янги, демократик ҳуқуқ, эркинлик ва бурчлар пайдо бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси фуқароларининг демократик ҳуқуқ ва эркинликларини эълон қилиш билан бирга уларга қатор янги ижтимоий-иқтисодий, маданият соҳасида ҳуқуқ ва эркинликларни ўзида қонуний ифодалади. Бу эса Ўзбекистонда шахс эркинлигини ривожлантиришда, уни ҳар томонлама тараққий эттиришда улкан қадам бўлди.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг конституциявий ҳуқуқ, эркинлик ва бурчлари уларнинг жамият ва давлат ўртасидати муносабатларини ўзида ифодалайди, давлат манфаати билан шахс манфаати бирлигида ўз ақлини тонадди, шунинг учун бу ҳуқуқ, эркинликлардан фуқаролар кенг фойдаланиб, ўзларига юклатилган бурчларни виждонан бажаришга интиладилар.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган фуқароларининг конституциявий ҳуқуқларига: меҳнат қилиш, дам олиш, қариганда ёки меҳнат лаёқатини йўқотганда моддий таъминот олиш, пилм олиш, матбуот, виждон эркинлиги, намоёнлик ва митингларда қатнашиш эркинлиги, жамоат уюшмаларига уюшми эркинлиги, шараф, уй-жой дахлсизлиги, хат ёзмамаларни сир сақлаш сирлари ҳуқуқлари ва эркинликлар кирди.

Ўзбекистон Республикаси ўз давлат мустақиллигига эришгач, демократик, инсонларвар фуқаролар жамияти ва давлати қуриш жараёнида Ўзбекистон жамияти ва давлатининг демократик моҳияти энг аввало унинг халқ манфаатларини ҳимоя қилишда ифодасини тўла ақс эттиришда намоён бўлмоқда. Ўзбекистон жамияти ва давлатининг асосий мақсади, вазифаси, йўналиши ўз фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ва уларни тўла амалга оширишга қаратилган. Ўзбекистон давлати ва жамиятининг асосий мақсадларидан бири инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини бутун чоралар билан ривожлантириш, такомиллаштиришдир.

Ўзбекистон давлати фуқароларга ўз мустақиллигига эга бўлган биринчи кувданок кенг демократик ҳуқуқ ва

эркинликлар берди, уни амалга оширишни моддий ва маънавий жиҳатдан таъминлади.

Мустақил Ўзбекистон Республикасида мавжуд ҳуқуқлар, эркинлик ва бурчлар тўғрисидаги қоидалар шахсни ҳар томонлама ривожлантиришга, ишлаб чиқаришда, давлат ва жамият ҳаётида кенг ташаббус кўрсатишга, меҳнатга онгли муносабатда бўлишга, инсонпарварлик ахлоқ тамойилларига қатъий риоя этишга қаратилган.

Мамлакатимиз фуқароларининг ҳуқуқий ҳолати Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига мансублиги билан белгиланади.

Ўзбекистон давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ҳар бир фуқарода ҳақиқий шахс эркинлигини таъминлади. Бизнинг жамиятда инсон энг қимматбаҳо капиталдир, унинг тинмай ўсиб бораётган моддий ва маданий эҳтиёжини қондириш республика давлат органларининг энг олий мақсадидир.

Мустақил Ўзбекистонда ўрнатилган ижтимоий ва давлат тузуми ўзбек халқи тарихида биринчи бўлиб халқ оmmasини жамият соҳибига айлантирди. Ўзбекистон фуқаролари ижтимоий муносабатларининг ижодкорлари, улар фақат ҳуқуқий жиҳатдан эмас, балки ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий муносабатларининг бутун тизими билан кафолатланган жуда кенг демократик ҳуқуқ ва эркинликлар эгасига айландилар.

Ўзбекистон давлати ўз фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликлари тўғри амалга оширилиши, турмушга тўғри тадбиқ этилишини кафолатлаш учун тинмай ғамхўрлик қилади.

Фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликлари Ўзбекистонда ўрнатилган ҳақиқий демократиянинг буюк ғалабасидир.

Мамлакатимиз фуқароларининг ҳуқуқлари, эркинликлари мустақил Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муҳим белгилари бўлиб, унда ёзиб қўйилган қоидалар декларация бўлиб қолмай амалда бажарилиши учун алоҳида ғамхўрлик кўрсатилади.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг конституциявий ҳуқуқлари, эркинликлари шахслар, ҳуқуқий мақомининг асосини ифодалаб, барча фуқароларга ҳўжалик, давлат, маданий, ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча тармоқларида фаол иштирок этишга имконият тугдиради.

Ўзбекистон Республикасида барпо этилаётган демок-

ратик, инсонпарвар фуқаролик жамиятида фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари уч гуруҳга бўлинади:

Биринчиси, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлар бўлиб, улар меҳнат қилиш, дам олиш, моддий таъминот каби ҳуқуқлардан иборат.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари уларни давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари функцияларини бажаришга фаол қатнашиш имкониятини беради.

Ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлар мамлакат ишлаб чиқариши кучлари ривож билан боғлиқ бўлиб, фуқароларнинг бошқа ҳуқуқ, эркинликлари ва бурчларига нисбатан ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сиёсий ҳуқуқлари ва демократик эркинликларига асосан меҳнаткашлар оммасининг жамоат бирлашмалари ва сиёсий партияларга уюшиш, сайлаш ва сайланиш, сўз, матбуот эркинлиги, мажлис ва митинглар қилиш ҳуқуқларидан иборат.

Мамлакатимиз фуқароларининг сиёсий ҳуқуқлари ва демократик эркинликлари уларни республика давлати, жамиятини бошқаришда фаол иштироки, Ўзбекистон Республикаси ҳокимият органлари ва сиёсий тизимнинг ҳақиқий халқчил, инсонпарварлик характеридан келиб чиқади.

Ўзбекистон фуқароларига берилган кенг сиёсий ҳуқуқларсиз, ҳақиқий демократик эркинликларсиз мамлакатимизда ижтимоий ва давлат тизимини тасаввур қилиб бўлмайди.

Республикамиз фуқаролари ҳуқуқ, эркинлик ва бурчларининг учинчи гуруҳига уларнинг уй-жой дахлсизлиги, шахсий хатларининг сир сақланиши, виждон эркинлиги, мулк, ворислик каби ҳуқуқлари киради. Бу ҳуқуқ ва эркинликлар ўзбек жамияти ва давлатида шахсни озод ривожлантиришнинг асосий омилидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва амалдаги қонуни фуқароларнинг асосий демократик ҳуқуқ, эркинлик ва бурчларидан ташқари давлат ва жамиятнинг иқтисодий сиёсий, ижтимоий-маданий ҳаётида — ирқи, миллати, ўтмиши, диний эътиқоди, маълумоти, жинси, миллати, мансабидан қатъий назар тенг ҳуқуқлилигини қонунан ифодалайди. Қаерда фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги бўлмаса, у ерда ҳақиқий демократия,

ҳуқуқ ва эркинликлар бўлмайди, шахс озод тараққий этмайди.

2. Фуқароларнинг ижтимоий — иқтисодий ҳуқуқлари

Мустақил Ўзбекистон Республикаси фуқароларига ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида кенг демократик ҳуқуқ ва эркинликлар берилган. Улар орасида энг муҳими ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликлар бўлиб, у фуқароларнинг бошқа ҳуқуқ ва эркинликларига замин яратади. Улардан бири Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасида ўз қонуний ифодасини топган меҳнат қилиш ҳуқуқидир. Меҳнат қилиш ҳуқуқи инсоннинг барча ҳуқуқ ва эркинликларининг асосийсидир. Ўзбекистон Республикаси Конституцияларида ўз ифодасини топган бу ҳуқуқ: биринчидан, фуқароларга ўзлари хоҳлаган касб-ҳунарни эркин танлаши; иккинчидан, ўз қобилиятига яраша иш билан таъминланиши; учинчидан, меҳнатининг сони ва сифатига қараб ҳақ олиши, тўртинчидан, адолатли меҳнат шароитида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш; бешинчидан, меҳнати муҳофаза қилиш учун зарур воситалар билан таъминланишини англатади. У ўзбек давлати томонидан фуқароларга қобилиятлари, билимлари ва малакаларига қараб иш билан таъминлаш вазифасини юклайди. Ўзбекистон фуқароларининг меҳнат қилиш ҳуқуқи мустақиллик ва истиқлол шарофати билан янги-янги имтиёз ва қондалар билан бойитилди. Ҳар бир фуқаро меҳнат қилиш ва унинг натижаларидан фойдаланиш, шу жумладан, унумли ва ижодий меҳнат учун ўз қобилиятларининг тасарруф этилиши имконияти ҳуқуқига, ишни эркин танлаш ва ишдан бош тортиш, қулай меҳнат шароитлари, давлат томонидан кафолатланган меҳнат ҳақи минимуми ва ишсизликдан ҳимояланиш, тенг меҳнати учун ҳеч бир камситишсиз тенг ҳақ олиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддаси: «Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир.

Суд ҳукми билан тайинланган жазони ўташ тартибидан ёки қонунда кўрсатилган бошқа ҳоллардан ташқари мажбурий меҳнат таъқиқланади», деб Ўзбекистон

фуқароларининг меҳнат қилиш ҳуқуқини ўзида ифода этади.

Ўзбекистон Республикасида демократик, инсонпарвар фуқаролар жамиятини барпо этиш жараёнида давлат ва жамиятни ривожлантиришнинг зарур шarti, жамият бойлигини кўпайтириш манбаи кишиларга конституцияда ва амалдаги қонунларда кафолатланган меҳнат қилиш ҳуқуқининг берилганлигидадир.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг дам олиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 38-моддасида ўз ифодасини топган. Фуқароларининг дам олиш ҳуқуқи қонун томонидан иш кунини маълум муддатга чегаралашда, иш муддати даврида дам олиш, овқатланиш учун танаффус ўрнатилишида ҳар ҳафта ва байрам кунлари дам олиш кунларини белгилашда, ҳар йили иш жойи сақланган ҳолда асосий ва қўшимча таътиллар берилишида ўз қонуний ифодасини топади.

Фуқароларга дам олиш ҳуқуқи Асосий қонунда кафолатланган ва янгича талқин этилган. Унинг 38-моддасида: «Ёлланиб ишлаётган барча фуқаролар дам олиш ҳуқуқига эгадирлар. Иш вақти ва ҳақ тўланадиган меҳнат таътилининг муддати қонун билан белгиланади», деб қонунан мустаҳкамланган.

Дам олиш ҳуқуқи Ўзбекистон фуқароларига меҳнат тўғрисидаги қонунчиликда ишчи ва хизматчилар учун 41 соатдан ошмайдиган иш ҳафтаси белгиланиши билан бирга касблар ва ишлаб чиқаришлар учун қисқартирилган иш кунни, тунги пайтларда қисқартирилган иш вақти, ҳар йили ҳақ тўланадиган таътиллар бериш, ҳар ҳафта дам олиш кунлари берилиши билан, шунингдек маданий-оқартув ва соғломлаштириш муассасалари шохобчаларини кенгайтириш, оммавий спортни, физкультура ва туризмини ривожлантириш билан; истиқомат жойида дам олиш учун қулай имкониятлар ҳамда бўш вақтдан оқилона фойдаланиш учун бошқа шароитлар яратиш билан таъминланади.

Ўзбекистон Республикасида ходимларнинг кўпчилиги учун икки дам олиш кунни бўлган иш ҳафтаси жорий этилган, бу эса ишдан бўш вақтлардан оқилона фойдаланиш учун янада қулай шарт-шароитлар яратади.

Ўзбекистонда фуқароларга дам олишни мазмунли ўтказиш учун санаторийлар, дам олиш уйлари, клублар ўйингоҳлар, спорт майдонлари, маданият ва истироҳат

боғлари, кутубхоналар шохобчалари барпо этилган ва улар борган сари кенгайиб бормоқда. Ҳар йили миллионлаб фуқаролар санаторий, дам олиш уйларида саломатликларини тиклаб дам оладилар. Тартибга кўра, санаторий, дам олиш уйларига йўлланма нархи имтиёзли бўлиб, ижтимоий суғурта маблағидан қoplanади. Кўпчилик ходим ва деҳқонларга йўлланмалар, ҳатто, текинга ҳам берилади.

Фуқароларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқи қариган чоғида, бетоб бўлганда меҳнат лаёқатини йўқотганда моддий таъминот олиш ҳуқуқи билан чамбарчас боғланган. Бу Конституциянинг 39-моддасида «Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга.

Пенсиялар, нафақалар, ижтимоий ёрдам бошқа турларининг миқдори расман белгиланиб қўйилган тирикчилик учун зарур энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмас», дея мустаҳкамланган.

Ўзбекистонда демократик инсонпарвар фуқаролар жамияти барпо қилиш жараёнида Ўзбекистон жамияти ва давлати фаолиятининг асосий йўналишини ҳар бир фуқаронинг лаёқатини ҳар томонлама ривожлантириш, уни жамият манфаатлари учун ифода этишга қаратилгандир. Мамлакатимизнинг иқтисодий, ижтимоий-маданий тараққиёти жамият аъзоларини ҳар томонлама билимли қилиб тарбиялашни тақозо этади. Шунинг учун мустақилликка эришган мамлакатимизни ривожланган, маърифатли давлатга айлантириш асосий вазифалардан биридир. Ўзбекистон фуқаролари билим олиш ҳуқуқининг моҳияти уларнинг миллати, ирқи, жинси, ўтмиши, диний эътиқодидан қатъий назар тенг асосда, она тилида амалга оширилади. Бу Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41-моддасида ўз ифодасини топган. Унда ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга эканлиги, бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланиши, мактаб ишлари давлат назоратида эканлиги қайд этилади.

Умумий мажбурий бепул таълимнинг жорий қилиниши, ўқиш турмуш билан, ишлаб чиқариш билан боғлаб олиб бориш асосида ўрта умумий политехника, ҳунартехника, ўрта махсус ва олий таълимнинг кенг йўлга қўйилганлиги, кечки ва сиртқи таълимнинг ҳар томонлама ривожлантирилганлиги, таълимнинг барча турла-

рининг текинлиги, давлат степендиялари бериш тизимининг жорий қилинганлиги, мактабларда ўқитишнинг она тилида олиб борилиши, шаҳар ва қишлоқларда фуқароларга ишлаб чиқариш, техника ва агрономия билимларини текин ўргатиш уюштирилганлиги илм олиш ҳуқуқини таъминламоқда.

Ўзбекистон Республикасининг демократик, инсонпарварлик моҳияти фуқаролар соғлиғини муҳофаза қилиш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилишдадир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бу соҳада белгиланган ижтимоий тадбирлари ўзбек давлатининг инсонпарварлик табиатининг ёрқин ифодасидир.

Мамлакатимизда фуқароларнинг сиҳат-саломатлигини сақлаш, малакали тиббий ёрдам олиш ҳуқуқини эндиликда алоҳида мустақил ҳуқуқ бўлиб қолди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга эканлиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва меъёрий қонувлари фуқароларнинг соғлиқни сақлаш ҳуқуқини мустаҳкамлаш билан чеклаиб қолмай, балки бу муҳим ҳуқуқни таъминлашнинг аниқ-равшан тадбирларини ҳам белгилаб беради. Бу ҳуқуқ давлат соғлиқни сақлаш муассасалари томонидан текин малакали тиббий ёрдами берилиши, фуқароларни даволаш ва соғлиқни мустаҳкамлаш учун хизмат қиладиган муассасаларни кўпайтириш хавфсизлик техникаси, ишлаб чиқариш гигиенаси ва санитариясининг ривожлантирилиши ва тақомиллаштирилиши, кенг профилактика тадбирларини ўтказиш, атроф муҳитни соғломлаштириш тадбирларини кўриш, ёш авлоднинг сиҳат-саломатлиги тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилиш, шу жумладан ўқитишга ва меҳнат тарбиясига тааллуқли бўлмаган болалар меҳнатни таъқиқлаш, касалликнинг олдини олиш ва камайтиришга, фуқароларнинг узоқ йил фаол ҳаёт кечиришларини таъминлашга қаратилган илмий тадқиқотларнинг кенг авж олиши билан таъминланади. Ўзбек халқи соғлиқни сақлашда эришилган ютуқлари билан ҳақли равишда фахрланади. Халқнинг сиҳат-саломатлиги—Ўзбекистоннинг асосий бойлиғидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси фуқароларнинг уй-жойли бўлиш ҳуқуқини қонуний ифода этди ва унга кенг йўл очиб берди. Зеро, уй-жой киши учун ҳаётий муҳим аҳамиятга эга. Фуқароларнинг бошқа кон-

ституциявий ҳуқуқлари билан бирга бу ҳуқуқ жамоат уй-жой фондини ривожлантириш ва қуриқлаш билан кооператив ва яққа тартибдаги уй-жой қуриш режаси кенг қўламда оширила борган сари бериб бориладиган уй-жой майдонини жамоатчилик назорати остида одилона тақсимлаш, шунингдек квартира ва коммунал хизмат ҳақининг камлиги билан таъминланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, илм-фан билан техникавий ижодиётдан, осори-атиқа, тарихий ёдгорликлар, маданият ютуқларидан кенг фойдаланиб, катта ишлар амалга оширилмоқда. Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 42-моддасида асосланганидек: «Ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади. Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади».

Ўзбекистон Республикаси фуқароларига илмий, техникавий ва бадиий ижод ҳуқуқи ва эркинлиги берилган. Бу ҳуқуқ ва эркинликлар илмий тадқиқотлар, ихтирочилик ва рационализаторчилик фаолиятини кенг авж олдириш, адабиёт ва санъатни ривожлантириш, рағбатлантириш, мукофотлаш билан таъминланади.

Ўзбекистонда барпо этилаётган демократик, инсонпарвар фуқаролик жамиятида ва ҳуқуқий давлатда бунинг учун зарур моддий шарт-шароитлар яратиб берилмоқда, кўнгилли жамиятлар, ижодий уюшмалар қўллаб-қувватланиб турилибди, ихтирочилар ва рационализаторлик тақлифларни халқ хўжалиги ва жамият ҳаётини қатор соҳаларда жорий этиш имконияти туғдирилаяпти.

Мамлакатимиз фуқароларининг муаллифлик, ихтирочилик ва рационализаторлик ҳуқуқлари давлат томонидан рағбатлантирилмоқда, қуриқланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тарихий ёдгорликлар, маданий ютуқлардан кенг фойдаланиш ҳуқуқларига эгадирлар. Бу ҳуқуқ мамлакатимиз ва жаҳон маданиятининг давлат ва жамоат фондларида сақланаётган маданий-маънавий бойликларидан барча фуқароларни баҳраманд қилиш, республика ҳудудида маданий-оқартув муассасаларини ривожлантириш, телевидение, радио, китоб нашр қилиш ишини ва вақтли матбуотни, текин кутубхоналар шохобчаларини ривожлантириш, чет эл давлатлари билан маданий алоқаларни кенгайтириш билан таъминланмоқда.

Мустақиллик ва истиқлол шароитида Ўзбекистон фуқароларининг интеллектуал эҳтиёжлари, хилма-хил талаблари ошиб бормоқда, у эса республика ҳокимият ва бошқарув органлари томонидан тобора тўла қондирилмоқда. Бу эса ўзбек халқи ҳаётидаги ажойиб бир ҳолдир.

3. Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг шахсий ҳуқуқлари ва эркинликлари

Мустақил Ўзбекистон Республикасида шахс ҳуқуқ ва эркинликлари, унинг шаън-шарафи ва қадр-қиммати ўзбек давлати ва жамиятининг олий қадриятидир. Ўзбекистонда қурилаётган демократик фуқаролик жамиятида ижодий салоҳиятни рўёбга чиқариш, жамият ва давлатни идора этишда фуқароларнинг фаол қатнашиши таъминланди. Давлат, сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари инсон манфаатларидан юқори қўйилиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикасида ҳақиқий демократия, ижтимоий адолат, инсонпарварлик умумий қондаларига тўла амал қилинмоқда. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14-моддаси: «Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади» деб уқдиради.

Мамлакатимизда барпо қилинаётган демократик, инсонпарвар фуқаролар жамиятида ҳар бир фуқаронинг шаъни, қадрияти, обрў-эътиборини ҳимоя қилувчи қатор қонунларнинг жорий этилиши халқаро ҳуқуқ нормаларига тўла мос келади ва ҳақиқий демократик, инсонпарвар, адолатли давлат тузумининг инсоний моҳиятидан келиб чиқади.

Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясининг 12-моддасига асосан: «ҳеч ким инсоннинг шахсий ва оилавий ҳаётига ўзбошимчалик билан аралашини, инсоннинг уй-жой дахлсизлигига, унинг хатларидаги сирларига ёки ор-номуси ва шаънига ўзбошимчалик билан таъжовуз қилиши мумкин эмас. Ҳар бир инсон ана шундай аралашини ёки ана шундай таъжовуздан қонун йўли билан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир»¹.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг шахсий

¹ Инсон ҳуқуқлари тўғрисида халқаро билль. Т., «Адолат», 1992, 13-бет.

ҳуқуқ ва эркинликлари ичида энг асосийси ўз мулки ва унга ворис бўлиш ҳуқуқидир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра, фуқароларнинг ўз меҳнатлари билан топган даромадлари ва жамғарма, мол-мулклари, турадиган уйлари ва ёрдамчи хўжалигига, уй-рузгор ашёлари ва бисот буюмларига, шахсий истеъмол буюмлари ва қулайликлар туғдирадиган нарсаларига шахсий эгалик ҳуқуқини, шунингдек, шахсий мулк ворислик ҳуқуқини қонун қўриқлайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 36-моддаси фуқароларнинг мулкдор бўлиш ҳуқуқини «Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли. Банқка қўйилган ёмонатлар сир тутилиши ва мерос ҳуқуқи қонун билан кафолатланади», деб ифодалайди. Фуқароларнинг мулкдор бўлиш ҳуқуқи ва унга бўлган ворислик фуқароларнинг тўла ҳуқуқлилиги, уларнинг шахсий манфаатлари бирлигини характерлайди.

Ўзбекистон Республикасида шахс дахлсиздир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосан, яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқи экани, улар шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга экани Ўзбекистон фуқароларининг энг муҳим ҳуқуқларидан бўлиб, Конституция томонидан кафолатланган. Шахсий дахлсизлик ҳар бир фуқаронинг ким томонидан бўлмасин — ўз ҳаётига, соғлиғига, эркига, ор-номуси ва қадр-қимматига қилинадиган жинояткорона тажовузлардан давлат муҳофазаси ва ҳимоясини олиш ҳуқуқини билдиради. Фуқароларнинг бу ҳуқуқи асосан қонунларда белгилаб берилган тадбирлар билан амалга оширилади. Конституциянинг 25-моддасида «Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга» эканлиги таъкидланади. Суднинг ҳукмидан ёки прокурорнинг руҳсатидан санкциядан ташқари ҳеч кимнинг қамоққа олиниши мумкин эмас. Ўзбекистон жамиятида давлат органлари, мансабдор шахслар, фуқаролар томонидан республика қонунчилиги тўла амалга оширилади. Фуқароларнинг озодлигига ғайриқонуний тажовуз этиш жиноятдир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 27-моддаси: «Ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашишидан ҳимоя қилиш ва турар жой дахлсизлиги ҳуқуқига эга.

Ҳеч ким қонунда назарда тутган ҳоллардан ва тартибдан ташқари бировнинг турар жойига кириши, тинтув ўтказиши ёки уни кўздан кечириши, ёзишмалар ва

телефонда сўзлашувлар сирини ошкор қилиши мумкин эмас», деб фуқароларнинг бу демократик ҳуқуқ ва эркинликларини қонуний ифода этади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва амалдаги қонунлари фуқароларга шахсий дахлсизликларини кафолатлаш билан, шахсий эркинликларни таъминлашга алоҳида эътибор беради.

Уй-жой дахлсизлиги — инсоннинг энг муҳим конституциявий ҳуқуқларидан биридир. Фуқароларига уй-жойнинг дахлсизлиги амалда тўла таъминланган. Истиқомат қилувчиларнинг розилигисиз уларнинг уйига қонуний асос бўлмайд туриб киришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Уй-жойнинг дахлсизлиги фуқароларни ўз турар жойини бошқа шахсларнинг қонунга хилоф равишда бостириб киришларидан давлатнинг маъмурий органлари орқали ҳимоя қилиниши ҳуқуқини билдиради.

Қонунда фуқароларнинг уйи ёки хонасида тинтув ўтказишнинг алоҳида тартиби белгилаб берилган. Тинтувни фақат тинтув ўтказишга ҳақли бўлган терговчи, милиция ходими ёки бошқа шахслар терговчи ёки тергов органларининг қарори асосида, прокурор ижозати билан, шоҳидлар, шунингдек гумон қилинувчи шахс ёки унинг оиласидаги вояга етган кишилар иштирокида ўтказиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг уй-жой дахлсизлигини бузганлик учун қонун жиноий жавобгарликка тортишни кўзда тутади. Гайриқонуний тинтув, қонунга хилоф равишда чиқариб юбориш ёки фуқароларнинг уй-жой дахлсизлигини бузувчи шу каби бошқа хатти-ҳаракатлар қилган шахслар озодликдан маҳрум этиш ёки ахлоқ тузатиш иши ёхуд жарима солиш билан жазоланади.

Фуқаролар мамлакатимизнинг ҳўжалик, сийёсий, ижтимоий-маданий ҳаётида тенг ҳуқуқлидир. Ўзбекистон Республикаси ваколатли ҳокимияти олий ва маҳаллий органлари таркиби кўп миллатдан иборатлилиги, Ўзбекистон фуқароларининг қайси миллат ва элатдан бўлишига қарамай тенг ҳуқуқли эканлиги бунинг ёрқин ифодасидир.

Ўзбекистон Республикаси қонунлари миллатларнинг тенг ҳуқуқлилиги, уларга тенг имтиёзлар берилиши, миллатларни камситишга йўл қўймаслик руҳи билан суғорилган.

Ўзбекистон Республикаси қонунлари ирқий ва мил

лий душманлик ёхуд адоват қўзғаш мақсади билан тарғибот ва ташвиқот олиб бориш, шунингдек фуқароларнинг ирқий ёхуд миллатига қараб уларнинг ҳуқуқларини тўғридан-тўғри ёки бошқа йўллар билан бирор йўсинда чеклаб қўйиш ёки уларни ирқи ва миллатига қараб, уларга тўғридан-тўғри ёки бошқа йўллар билан имтиёзлар беришга уринганлик учун жиноий жавобгарликка тортишни кўзда тутати.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатимиз хотин-қизларига ҳўжалик ва давлат, маданий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларида эркаклар билан тенг ҳуқуқ беради. Меҳнат қилишда, меҳнат учун ҳақ олишда, дам олишда, ижтимоий суғурта қилиш ва илм олишда уларга эркаклар билан тенг ҳуқуқ берилганлиги она ва бола манфаатларининг давлат томонидан қўриқланиши, кўп болали ва болали ёлғиз оналарга ёрдам берилиши, ҳомиладор аёлларга маош тўланган ҳолда, таътил берилиши ва кўп миқдорда туғруқхоналар, болалар ясли ва боғчалари очиб қўйилганлиги бу ҳуқуқларни амалга ошириш имкониятини таъминлайди. Хотин-қизларнинг ҳақиқий озодликларига қаршилиқ кўрсатувчилар қонунга мувофиқ жазоланадилар. Ўзбекистон давлатида хотин-қизлар иштирок этмайдиган халқ ҳўжалиги ва маданиятнинг ҳеч бир соҳаси йўқ.

Мамлакатимизда истиқлол шароитида оила ва никоҳ муносабатлари янгича тус олди. Оилани мустаҳкамлаш, ҳимоя қилиш каби тамойиллар Ўзбекистон давлати қонунчилигида ўзининг ёрқин ифодасини топди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Қаримов: «Республикада собитқадамлик билан халқчил адолатли жамиятни бунёд этиш — бош вазифадир. Меҳнатсевар ва бадавлат, маънавий етук ва маданиятли оила — шу жамиятнинг асосини ташкил этади»¹, деб ўзбек оиласига юқори баҳо беради.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XIV боби «Оила» деб номланиб, 4 моддани ўзида мужассамлаштирган ва оиланинг ташкил топиши ва ривожланишини тўла акс этдирган.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва амалдаги қонунлар оила жамиятнинг асосий бўғини эканлиги, унинг жамият ва давлат ҳимоясида бўлиши, никоҳ аёл

¹ И. А. Қаримов. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т., Ўзбекистон, 1992, 15-бет.

билан эркакнинг ихтиёрий келишувига асосланиши, оилавий муносабатларда эр-хотин тўла тенг ҳуқуққа асосланиши, давлат ва жамият, етим ва ота-оналари васийлигидан маҳрум бўлган болаларни давлат боқиши, тарбиялаши ва ўқитиши лозимлиги, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларини рағбатлантириши, Ўзбекистонда болалар муассасаларининг кенг шохобчаларини барпо қилиши ва ривожлантириши, маиший хизмат кўрсатишни такомиллаштириши, бола туғилганда нафақа тўлаши, кўп болали оналарга нафақалар ва имтиёзлар, ёрдамлар бериш йўли билан ғамхўрлик қилиши кераклигини белгилайди.

Оила муносабатларининг Ўзбекистон Республикаси қонунларида акс эттирилиши оилани юксак ахлоқ нормалари асосида мустаҳкамлашнинг ёрқин намунасидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Ўзбекистон фуқаролари болаларни вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурлиги, фарзандлар ота-оналари тўғрисида ғамхўрлик қилишлари ва уларга ёрдам бериб туришлари шартлигини кўрсатиб ўтади.

Фарзандлар ота-оналарининг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар, оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасига асосан «ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динига эътиқод қилиши ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди».

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги ва бошқа меъёрий қонунлар давлат фуқароларнинг диний эътиқодига аралашмаслиги кераклигини таъкидлайди.

Истиқдол шароитида виждон эркинлиги давлат ва жамиятни демократик, инсонпарварлик тарзида қайта қуришдаги умумий масаласининг таркибий қисмидир. Чинакам демократик, инсонпарвар фуқаролик жамиятида виждон эркинлиги тўла ўрнатилади. Республикамиз тараққиётининг ҳозирги босқичида виждон эркинлиги катта эътиборга эга, совет давлати, коммунистик партия томонидан вайрон этилган, харобага айлантирилган, мачит, мадрасалар, тарихий обидалар, диний муассасалар таъмирланмоқда, кенг қўламда қурилмоқда. Ди-

ний байрамлар дам олиш куни деб эълон қилинди, муқаддас ҳаж сафарига бормоқчи бўлган фуқароларга қулайлик яратилмоқда, давлат томонидан моддий ёрдам берилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг — «Муборак Ҳаж зиёратига борувчиларга давлат томонидан ёрдам кўрсатиш ҳақида»ги 1996 йил қарори бунинг ёрқин мисolidир. Бу ғамхўрликка жавобан республикамиз диний ташкилотлари, диндорлар давлат ва жамият асосини мустаҳкамлаш, Ўзбекистон ижтимоий ва давлат тузуми фаолиятида фаол қатнашмоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳасини муҳокама қилиш жараёнида ишчи ва деҳқонлар, ўқитувчи ва талабалар, олим ва ёзувчилар, ёшлар ва пенсионерлар, аҳоли турли қатламларининг вакиллари билан бир қаторда диндорлар, дин арбоблари Ҳожи Абдулла Ҳожи ўғли, Нурилла Ҳожи Фаттоҳ ўғли, Рустамхон Ҳожи Расулжон ўғли, Зокиржон Ҳожи Тоштемир Охун ўғли, Шухратжон Ҳожи Эргашбой ўғли фаол қатнашганлиги бунга ёрқин мисол бўла олади¹.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Қаримов: «Мен бугун мамнуният билан таъкидламоқчиманки, халқимизнинг кўнглини кўтаришда, унинг қаддини ростлашда кўпчилик дин вакиллари, юзлаб имом-хатибларимиз бизга яқиндан ёрдам беряптилар. Бошқа айрим мусулмон республикаларидаги диндошларидан фарқли ўлароқ улар халқни бирлаштиришни, ўзаро низо ва нифоқлардан йироқ туришни тарғиб этмоқдалар. Бунинг натижасида бошқа ижтимоий-сиёсий тadbирларни ҳам уйғун этган ҳолда, биз жумҳуриятимизда бугунги энг катта бойликни — тинчликни барқарор этишга эришдик»² деб диндорлар, дин арбоблари фаолиятига юксак баҳо берди.

Ўз-ўзидан равшанки, Ўзбекистон Республикасида диний маросимлар ўтказиш ниқоби остида ҳақиқатда эса фуқароларнинг сиҳат-саломатлигига зарар етказадиган, уларнинг фуқаролик бурчларини бажо келтиришдан бош тортишга ундайдиган гуруҳларни ташкил этиш, фаолият кўрсатиши таъқиқланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 29-моддасига асосан Ўзбекистонда, ҳар ким фикрлаш, сўз ва

¹ Ш. З. Уразаев. Мустақил Ўзбекистон Конституцияси. Т., Адолат, 1994, 27-бет.

² И. А. Қаримов. Ўзбекистон келажаги буюк давлат. Т., Ўзбекистон, 1992, 7-бет.

эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга. Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга, амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустаснодир. Фикр юритиш ва уни ифодалаш эркинлиги фақат давлат сири ва бошқа сирларга тааллуқли бўлган тақдирдагина қонун билан чекланиши мумкинлиги ўзининг ҳуқуқий ифодасини топган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-моддасига асосан, ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шарт.

Республикамиз фуқаролари мансабдор шахслар, давлат ва фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органларининг ноҳўя ҳаракатлари устидан шикоят қилиш ҳуқуқига эгадир. Фуқаролар шикояти Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларида белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши ва ҳал қилиниши лозим. Мансабдор шахсларнинг қонунни бузиб, ваколат доирасидан чиқиб қилган ноҳўя ҳаракатлари, фуқароларни камситадиган ҳаракатлари фуқаролар томонидан қонунда белгиланган тартибда судга шикоят қилиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикасида фуқаролар давлат ва жамоат органлари мансабдор шахсларни танқид қилгани учун таъқиб қилиш манъ этилган, акс ҳолда таъқиб қилувчи мансабдор шахслар жиноий жавобгарликка тортилади.

Мамлакатимизда демократик, инеонпарвар фуқаролик жамияти барпо этилиши жараёнида фуқароларнинг таклифлари, аризалари ва шикоятларига эътибор кучаймоқда. Фуқароларнинг давлат органлари, ўзини-ўзи бошқариш ташкилотларига мурожаат қилиши шахсининг ҳуқуқларини амалга ошириш ва муҳофаза қилиш, давлат маҳкамаларининг аҳоли билан алоқасини мустаҳкамлаш, ахборот олиш манбаи, фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш манбаи бўлиб, тўрачилик, сансалорлик ва бошқа камчиликларга қарши кураш усулидир.

Фуқароларнинг ариза ва шикоятларини кўриб чиқишнинг белгиланган муддатини бузган, уларга тўра-

ларча муносабатда бўлган, сансалорликка йўл қўйган, муурожаат қилганлиги, тайқид қилганлиги учун таъқиб қилишда айбдор мансабдор шахслар ҳам қонунга биноан жавобгарликка тортиладилар. Агар мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракати давлат ва жамият манфаатига ёки фуқароларнинг ҳуқуқларига, қонун билан қўриқланадиган манфаатларига жиддий зарар келтирса, улар жиноий жавобгарликка тортиладилар.

Ўзбекистон Республикаси қонунлари фуқаро тўхмат, обрўсизлантириш, иғво қилиш мақсадида ариза ёки шикоят қилишини ҳам назарда тутати. Агар шахсни бадном, шарманда қилувчи ёлғон ахборотлар тарқатилса ва уни тарқатган шахс тўғрилигини исботлай олмаса, жабрланган фуқаро ўз шаъни ва қадриятини тиклаш, бундай ахборотни бекор қилиш ҳуқуқига эга.

Фуқарони қасддан, ғаразли мақсадда атайлаб шаъни, қадрини обрўсизлантириш Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 139-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг 40-моддаси билан жавобгарликка тортилади.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг конституциявий ҳуқуқларидан яна бири республика фуқароларига барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятининг яратиб берилиши конституция ва қонуларда ўз аксини топганлигидадир. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Конституцияси муқаддимаси «республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечирिशларини таъминлаш»ни ўзида қонуний ифода этади.

4. Фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқлари ва демократик эркинликлари

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сиёсий ҳуқуқлари ва демократик эркинликлари шахс эркинлиги, тўла ҳуқуқлилиги, уларни жамият ва давлат вазифаларини фаол бажаришга қатнашиши билан характерланади.

Мамлакатимиз фуқароларига кеиг сиёсий ҳуқуқлар ва демократик эркинликлар берилиши Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг ажралмас қисмидир. Фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлари маҳнаткашлар ва уларнинг

ташкнлотларига босмаҳоналар, қоғоз заҳиралари, жамоат бннolari, майдонлар ва алоқа воситаларидан фойдаланиш ҳуқуқини бериш йўли ва бу ҳуқуқларини амалга ошириш учун бошқа зарурий моддий шарт-шароит туғдириш йўли билан таъминланади. Фуқароларнинг бу ҳуқуқ ва эркинликлари мамлакат сиёсий фаолиятига фаол қатнашиш имкониятини туғдиради.

Ўзбекистон Республикасида халқ манфаатларини назарда тутиб мустақиллик ва истиқлолни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш мақсадида фуқароларга сўз эркинлиги, матбуот эркинлиги, митинглар, йиғилиш ва намойишлар ўтказиш эркинликлари таъминланган.

Ўзбекистон Республикасида фуқаролар ўзларининг сиёсий ҳуқуқларини жамият ишларини бажариши, давлатни идора этишга қатнашиши орқали амалга ошираднлар.

Ўзбек халқининг сиёсий фаоллиги ва ташаббусини оширмасдан туриб демократик, инсонпарвар фуқаролар жамиятини муваффақиятли қуриш мумкин эмас. Мустақиллик ва истиқлол шароитида Ўзбекистонда халқ оммасининг сиёсий фаоллиги кундан-кунга ортиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари томонидан фуқароларга ўз давлатини идора этиш ҳуқуқи берилиши республикамизда мустақиллик туфайли қарор топган ҳақиқий демократия моҳияти ва талабларидан келиб чиқади.

Ўзбекистонда демократик, инсонпарвар фуқаролар жамияти ва ҳуқуқий давлат барпо этиш шароитида жамоат уюшмалари, ўзини-ўзи бошқариш ташкнлотларининг ролини кучайтириш, ҳақиқий демократияни ривожлантириш ва такомиллаштириш, демократиянинг олий мақсади бўлган жамият ва давлат ишларини бошқаришга барча фуқароларни жалб қилишнинг энг муҳим омилли бўлиб хизмат қилади. Жамият ва давлат олиб борадиган кўплаб фаолиятларни жамоат уюшмалари, ўзини-ўзи бошқариш ташкнлотлари ихтиёрига ўтиши ҳозирнинг ўзидаёқ Ўзбекистон жамияти ва давлатининг халқчиллиги ва халқ манфаатини ифода этишидан дарак бермоқда. Мустақил Ўзбек давлати ўз фаолиятида фуқароларни ишонтириш, тарбиялаш, онглилигини ошириш услубларига таянган ҳолда, барча фуқароларнинг ҳулқ-атвор қоидаларига ихтиёрий равишда риоя қилишларига интилмоқда ва бу ушда фаолларга, уларнинг садоқати ва онглилигига таянмоқда.

Ўзбекистон «республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлашга интилувчи» (ЎЗР Конституцияси муқаддимаси) инсонпарвар давлат бўлиб, унинг асосий вазифаси бутун жамият ва давлат ишларини бошқаришда фуқароларнинг кенг қатламини жалб қилишдан иборат бўлгани учун ўз олдида турган асосий масала — бозор иқтисодиётини қарор топтириш вазифасини давлат органлари билан жамоат уюшмалари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларисиз бажара олмайди. Мамлакатимизда демократик, инсонпарвар фуқаролар жамиятининг ривожланиши Ўзбекистон давлатининг маъмурий-мажбурий фаолиятининг чегараланиши ҳисобига унинг тарбиявий фаолиятини кенгайтириш мустақил давлат тизимини, ҳақиқий демократизмнинг тобора ривожланиши ва такомиллашишига шариоит туғдирмоқда.

Мустақил Ўзбекистонда фуқаролар томонидан жамият ва давлат фаолиятини бажариш ҳуқуқи: 1) давлат ҳокимияти вакиллик органларини сайлаш ва сайланишида; 2) умумий овозга қўйиш (референдумлар) да, қонунлар, тadbирлар ўтказишда иштирок этишда фаол қатнашишида; 3) давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида мансаб эгаллаши мумкинлигида; 4) давлат органлари, жамоат уюшмалари, ташкилотларига ўз мулоҳаза ва таклифларини изҳор қилиш ҳуқуқи берилганлиги ва бошқа ҳолларда намоён бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-моддаси: «Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга», эканини ифодалайди. Фуқаролар берган аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунида белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шарт эканлиги қонуний ифодасини топган.

Мамлакатимизда барпо этилаётган демократик, инсонпарвар фуқаролик жамиятида фуқаролар ўзларининг сиёсий ҳуқуқлари ва эркинликларини давлат ва жамият ишларини бажариш, уларни идора этишда фаол қатнашини орқали амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32-моддасига асосан: «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига

эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини-ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади».

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 34-моддаси фуқароларнинг касаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эга эканлигини қонуний ифода этади.

Фуқароларнинг жамоат уюшмалари, сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатларда иштирок этиши мумкинлиги, уларнинг сиёсий конституциявий ҳуқуқлари ва демократик эркинликлари ичида муҳим ўрин эгаллайди.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сиёсий фаоллигини, уларнинг ташаббусини оширмасдан туриб демократик, инсонпарвар фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат муваффақиятли қурилиши мумкин эмас. Мамлакатимизда демократик, инсонпарвар фуқаролик жамиятини барпо қилиш жараёнида жамоат уюшмалари, сиёсий партиялар; ёшлар ташкилотлари, спорт ва мудофаа ташкилотлари, маданий ва илмий жамиятларнинг роли, аҳамияти ошиб боради.

Ўзбекистон Республикасида фуқароларга кенг, ҳақиқий ҳуқуқлар ва демократик эркинликларнинг берилиши, бу давлат қурилишининг халқчиллигини исботловчи характерли хусусиятдир.

Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар орасида фуқароларнинг жамоат уюшмаларига уюшиш ҳуқуқи муҳим ўринни эгаллайди. Бу ҳуқуқ Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 33-моддасида қонуний ифодасини топган. Фуқаролар ташаббускорликни ривожлантиришга, ўзларининг хилма-хил манфаатларини қондиришга кўмаклашувчи жамоат бирлашмаларига уюшиш ҳуқуқига эгадирлар.

— Жамоат уюшмаларига ўз низомларида белгиланган вазифаларни муваффақиятли бажаришлари учун шарт-шароит берилган.

Фуқароларнинг уюшмаларга уюшиш ҳуқуқи истиқлолга эришган давлатимиз ва ҳақиқий демократиянинг моҳиятидан келиб чиқади. Мамлакатимиз мустақиллик шарофати билан иқтисодий, сиёсий, маданий ўзгаришлар жараёнида аҳолининг жамоат бирлашмалари ва уюшмаларининг роли янада ошмоқда. Бу эса давлат фуқаролари ўз сиёсий ҳуқуқларининг асоси бўлган жа-

моат бирлашмаларига уюшиш ҳуқуқининг янада кенгайиши, такомиллаштирилишига олиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сиёсий ҳуқуқларидан бири давлат ҳокимияти вакиллик органларининг барча бўғинларига, олий ва маҳаллий органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқидир. Мустақил Ўзбекистонда давлат ҳокимияти вакиллик органлари тўла ҳокимиятга эгалик тамойилларини изчиллик билан амалга оширмоқда. Улар ўз ҳудудларида хўжалик, сиёсий, ижтимоий-маданий қурилишга кенг кўламда раҳбарлик қилмоқда, уларнинг обрўси, роли тобора ошиб бормоқда, фаолияти кун сайин фаоллашмоқда, ҳал қилинадиган масалалар доираси кенгаймоқда.

Мамлакатимизда мустақиллик ва истиқлолга эришилгач давлат ҳокимияти барча бўғинлари республика аҳолисини ўзига қамраб олган оммавий, энг демократик ва обрў-эътиборли ташкилотга айланди, демократик негизи такомиллашди. Улар ўзбек халқининг энг демократик, давлат ва жамиятимиз ҳаётининг ҳамма соҳаларини қамраб олувчи халқ ташкилотига айланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 23 февралда қилган маърузасида: «Вакиллик ҳокимиятини вужудга келтиришнинг жаҳонда энг демократик тизимларидан бири ташкил этилди. Ўзбекистон парламенти — Олий мажлис илк маротаба кўппартиявийлик асосида сайланди», деб республикаимиз тарихида илк бор жорий этилган сайлов тизимига юқори баҳо берди.

Мустақиллик шарофати билан Ўзбекистонда жорий этилган янги сайлов тизимида барча фуқаролар давлат ва жамият ишларини идора этишда фаол қатнашиш ҳуқуқига эга бўлди. Эндиликда сайлов тизимида ҳеч қандай синфий, миллий, ирқий, мулкий чегараланишлар йўқ. Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси ирқи, миллати, жинси, диний эътиқоди, маълумоти, ўтроқ ва кўчманчилигидан, ижтимоий келиб чиқиши, бойлигидан ва ўтмишидаги фаолиятдан қатъи назар сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга. Янги сайлов тизимининг бу чинакам демократик тамойиллари кўпмиллатли Ўзбекистон халқининг дўстлик ва ҳамкорлигини мустаҳкамлади.

Ўзбекистон Республикасидаги сайлов тизимининг ҳақиқий демократик асослари фақат Конституцияда кўрсатилибгина қолмай, балки олий ва маҳаллий ҳокимият

органларига сайлов тўғрисидаги қонуларда ҳам ҳуқуқий асосини топган.

Мамлакатимизда давлат ҳокимиятининг маҳаллий ва олий органларига бўладиган сайловлар ўзбек халқининг жипслиги ва бузилмас маънавий-сиёсий бирлигини, мустақиллик, истиқлолга содиқлигини ифодаловчи ёрқин намоёнидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва сайлов тўғрисидаги қонуларда Ўзбекистон фуқароларининг чинакам демократик сайлов тизимидаги ҳуқуқ ва эркинликлари тўла ифодаланди.

Ўзбекистон давлати томонидан моддий ва сиёсий томондан кафолатланган фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи фуқаролар ҳуқуқий мақомининг асосий хусусиятидир. Шунинг учун, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XXIII боби «Сайлов тизими» деб номланиб, республика фуқаролари вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгаллигини қонуний ифода этиб, ҳар бир сайловчи бир овозга эгаллиги, ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланиши, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, ҳокимиятнинг вакиллик органлари сайлови умумий, тенг, тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яшрин овоз бериш йўли билан ўтказилиши, Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгаллиги, ҳар қандай ҳолларда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини тўғридан-тўғри ёки билвосита чеклашга йўл қўйилмаслиги, фуқаролар бир вақтнинг ўзида иккидан ортиқ вакиллик органининг депутати бўлиши мумкин эмаслиги ўзининг ҳуқуқий ифодасини топган.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва давлат ҳокимияти олий ва маҳаллий органларига сайлов тўғрисидаги қонулар мустақиллик ва истиқлол шароитида ҳақиқий демократик сайлов тизимини жорий этди. Бу Конституциянинг 34-моддасига асосан республика фуқаролари сиёсий партияларга уюлиши ва унинг фаолиятида иштирок этиш ҳуқуқига эга эканлиги кўрсатилган.

Мамлакатимизда кўнпартиявийлик тизимининг вужудга келиши давлат ҳокимияти олий ва маҳаллий органларининг такомиллашишида катта аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистонда вужудга келган сиёсий партиялар халқ маъқуллаган барча яхши сифатларни ўзига мерос қилиб олган. Улар собиқ компартиянинг янгича кўрinish-

ши эмас, балки мазмуни ва фаолият усули жиҳатидан батамом янги сиёсий партиялардир. Улар ўз фаолиятида ўзбек халқининг энг яхши демократик анъаналарига, адолат, эзгулик, тенглик ва инсон эркинлиги каби умуминсоний қадриятлар ҳамда ғояларга, ахлоқий ва одамийлик қондаларига суянади.

Ўзбекистон Республикасида ташкил топган сиёсий партиялар ўз фаолиятларини Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси 1996 йил, 26 декабрь қонунига ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ, шунингдек ўз уставларига асосан амалга оширадидлар. Бу ҳуқуқий ҳужжатлар улар фаолиятининг ҳуқуқий асосини ташкил этиб, уларнинг тузилиши, фаолиятининг асосий тамойилларини белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикаси сиёсий партиялари Ўзбекистон фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш мақсадида хоҳиш-иродасини эркин билдириши, партияга ихтиёрий равишда кириш ва ундан чиқиш, аъзоларининг тенг ҳуқуқлилиги, ўзини ўзи бошқариш, қонунийлик ва ошкоролик асосида тузилади ва фаолият олиб боради.

Ўзбекистон Республикасидаги мавжуд сиёсий партиялар фуқароларининг дунёқарашлари, манфаатлари, мақсадларининг муштараклиги асосида тузилган, давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда жамият муайян қисмининг сиёсий иродасини рўёбга чиқаришга интилуши ҳамда ўз вакиллари орқали давлат ва жамоат ишларини идора этишда қатнашувчи кўнгилли бирлашмалардир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 60-моддасида сиёсий партияларининг ҳуқуқий мақоми аниқ-равшан белгилаб берилган. «Сиёсий партиялар турли табақа ва гуруҳларнинг сиёсий иродасини ифодалайдилар ва уларнинг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этадилар. Сиёсий партиялар ўз фаолиятларини маълумий таъминлаш манбалари ҳақида Олий Мажлисга ёки у вакил қилган органга белгиланган тартибда ошкора ҳисоботлар бериб турадилар».

Ўзбекистон Республикаси Конституциясен қонунилари:

1) конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи;

2) Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги, суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи;

3) урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи;

4) халқнинг соғлиги ва манфаатларига тажовуз қилувчи;

5) миллий ва диний руҳдаги сиёсий партиялар тузилиши ва фаолият кўрсатишини таъқиқлайди.

Ўзбекистон Республикасида кўппартиявийлик, альтернатив рақобатли асосда Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис, вилоят шаҳар ва туман халқ депутатлари Кейгашига депутатлар сайлови бўлиб ўтди.

1994 йил 25 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловларда 250 сайлов округи, 7202 сайлов участка комиссияси тузилган эди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисидаги Қонуннинг 20-моддасига мувофиқ 634 депутатликка номзод кўрсатилди. Рўйхатга олинган депутатликка номзод ичида «Халқ демократик партияси»дан 243 номзод, «Ватан тараққиёти» партиясидан 141 номзод, ҳокимият вакиллик органларидан 250 номзод кўрсатилган эди. 139 сайлов ўрамидан учтадан, 106 сайлов ўрамидан иккитадан, бешта сайлов ўрамида биттадан номзод овозга қўйилди. Овоз бериш натижасида «Халқ демократик партиясидан 67 депутат, «Ватан тараққиёти» партиясидан 12 депутат, ҳокимият вакиллик органларидан 164 депутат сайланди.

Сайловнинг кўппартиявийлик ва альтернатив асосда ўтказилиши, Конституция ва қонунларда мустаҳкамланиши, депутатликка номзодларнинг фаоллиги, сайловчилар олдидаги масъулиятини оширди. Ўзбекистон Республикасида ҳақиқий демократияни кучайтирди, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи, сайлов маданиятини оширишга, мустаҳкамлашга олиб келмоқда.

Ўзбек давлати томонидан моддий ва сиёсий томондан кафолатланган фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи, Ўзбекистон фуқаролари ҳуқуқий ҳолатининг асосий хусусиятидир.

Мамлакатимиз давлат ҳокимияти органларига сайловларнинг ҳақиқий демократик тизими фуқароларни давлатни бошқаришга жалб қилишнинг қудратли қуролидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва сайловлар тўғрисидаги қонунлар барча фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб, мустақилликни мустаҳкамлаш мақсадида кенг демократик ҳуқуқ ва эркинликлар ўрнатган ва уни кафолатлаган.

Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқлари ва эркинликлари фақат жамият, давлат ва халқ оммаси манфаатларига мос келиши ва шу йўлда фойдаланилиши керак.

V боб. ФУҚАРОЛАРНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚЛАРИ, ЭРКИНЛИКЛАРИ ВА БУРЧЛАРИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ

1. Фуқаролар ҳуқуқ ва бурчларининг ўзаро боғлиқлиги

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳуқуқ, эркинлик ва бурчларининг узвий боғланиши демократик, тенг ҳуқуқлилиқ асосида ҳал қилинган. Мамлакатимиз истиқлолга эришгандан сўнг фуқаролар ўз бурчларини ихтиёрий, онгли, виждонан бажариш руҳида тарбияланмоқда.

Мустақил Ўзбекистон Республикаси ривожланиши жараёнида шахс манфаатлари бирлиги фуқаролар демократик ҳуқуқ, эркинлик ва бурчларининг ўзаро боғлиқлиги ёрқин ифодасини топмоқда. Фуқаролар жамият ва давлат олдида масъулияти, бирлиги, уюшқоқлиги бўлмаса, ҳақиқий демократик ҳуқуқ ва эркинликлар ҳам бўлмайди. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ўртасидаги муносабатлар, республика қонунлари ва бошқа ҳуқуқий нормалар, жамият ахлоқ ва одоб нормалари, турмуш қоидаларида ўз аксини топган. Қонун томонидан берилган юриш-туриш қоидаларини бажариш барча фуқаролар учун мажбурийдир.

Ўзбекистон Республикаси тараққиётининг ҳозирги босқичида фуқароларнинг аксарияти ўз бурчларини тўғри тушуниб, ихтиёрий равишда бажармоқда. Уларнинг демократик ҳуқуқлари уларнинг асосий бурчларига мос тушади. Мазкур бурчлар ҳам Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ўзининг қонуний ифодасини топиб, ўз-

бек давлати фаолиятининг муҳим қисмини ташкил этади. Улар Конституцияга тўла риоя қилиш, қонунларни оғишмай бажариш, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш, меҳнат интизомига бўйсуниш, жамоат бурчига виждонан муносибатда бўлиш, жамият қоидаларига тўла риоя қилиш, давлат, жамоат, шахсий мулкни кўз қорачигидек сақлаш, кўлайтириш, кўриқлаш, ҳарбий мажбуриятни бажариш, Ватанини ҳимоя қилишдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 49-моддасида «Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий маънавий ва маданий меросини авайлаб асрашга мажбур диллар.

Маданият ёдгорликлари давлат муҳофазасидадир», деб уқдирилади.

Фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, сингари асосий бурчлари ҳам ижтимоий ва давлат тузумини мустаҳкамлашга қаратилган бўлиб, бутун жамият манфаатларини ифодалаб, фуқароларнинг шахсий манфаатига ҳам тўла мос келади. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг асосий бурчларини икки гуруҳга бўлиш мумкин. Уларнинг биринчиси, Ўзбекистон Республикаси ижтимоий ва давлат тузумини мустаҳкамлашга қаратилган бурчлар бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига риоя қилиш, қонунларни бажариш, меҳнат интизомини сақлаш, жамоат бурчига виждонан қараш, давлат мулки шакллари сақлаш ва мустаҳкамлаш, турмуш қоидаларини ҳурмат қилишдан иборат.

Иккинчиси Ватан қудратини ошириш ва ҳимоя қилиш бурчи ҳисобланиб, Ватанини ҳимоя қилиш, умумий ҳарбий хизмат қонунига риоя этишдир.

Ўзбекистон фуқароларининг асосий бурчлари орасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари, ахлоқ нормалари ва турмуш қоидаларини ҳурмат қилиш, уларни тўла бажариш биринчи ўринда туради. Булар Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ўз қонуний ифодасини топган. Конституция давлатнинг асосий қонуни бўлиб, ўзбек халқининг мустақиллик ва истиқлол йўлидаги тарихий ғалабаларини қонуний акс эттиради, кенг халқ манфаати ва эркинлигини ифодалайди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига тўла риоя қилиш мустақил давлатнинг куч-қудратини оширишга, гуллаб-яшнашига, ижтимоий ва давлат тузумини мустаҳкамлашга олиб келади.

Ўзбек жамияти ижтимоий тартиб-қоидалари фуқароларнинг меҳнатга муносабатлари, оилавий ҳаёти, турмушидаги хатти-ҳаракатлари каби масалаларни тартибга солувчи қоидалардан иборат.

Ўзбекистон фуқаролари ўз бурчлари бўлмиш истиқлол турмуш қоидаларини оғли равишда бажарадилар, унга ҳурмат билан қарайдилар.

Ўзбекистон фуқароларини қонунни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш, шахс ҳуқуқларини муҳофаза этиш давлат ва жамият бутун сиёсий тизимининг энг муҳим вазифаларидан биридир. Ижтимоий бурчни ҳалоллик билан бажариш фуқароларнинг қонунларга оғишмай риоя этишларинигина эмас, балки ҳар бир кишининг жамиятимиз қонунлари бошқа шахслар томонидан бузилмаслиги учун чора-тадбирлар кўриш бурчини ҳам назарда тутлади. Ўзбекистон фуқаролари бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳурмат қилишлари жамият манфаатларига зид хатти-ҳаракатларга нисбатан муросасиз бўлишлари ва жамоат тартибини сақлашга бутун чоралар билан кўмаклашишлари керак. Ҳозирги янги ижтимоий муносабатлар шаклланган бизнинг жамиятимизда бошқа шахсларнинг жамият манфаатларига зид хатти-ҳаракатларига ва қилаётган жиноятларига нисбатан суёт кузатувчи бўлиб туриш мумкин эмас. Ўзбекистон қонунларини бузувчиларга қарши кураш жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси учун орномус ва виждон иши бўлган тақдирдагина катта натижаларга олиб келишини фуқаролар яхши биладилар.

Содир бўлаётган жиноятга лоқайд қараган, ўз бурчини унутган, ўз тинчини бузишдан қочиб, жиноятчининг ёнидан индамай ўтиб кетган киши қаттиқ қораланади. Жиноятчиликка қарши кураш ва республика қонунларини мустаҳкамлашда милиция органлари, прокуратура ва суд томонидан кўп ишлар амалга оширилади. Бироқ ҳуқуқ-тартиботни кўриқловчи органларга жамоатчилик актив ёрдам бергандагина қонунбузарлик ва жиноятчиликка қарши кураш кўпроқ самара беради.

Давлат манфаатларига зид ҳаракатларга муросасиз бўлиш, жиноят содир бўлмаслиги учун жамоат тартибини сақлашга бутун чоралар билан кўмаклашиш ҳар бир фуқаронинг конституциявий бурчидир. Янги кишини тарбиялаш вазифасини амалга оширишда оилада болаларни тарбиялаш марказий ўрнини эгаллайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ота-оналарнинг болаларни тарбиялаш бурчини фуқароларнинг конституциявий бурчи эканлигини эълон қилди. Асосий қонунимиз фуқароларнинг болаларни тарбиялаш тўғрисида ҳамхўрлик қилишлари, уларни ижтимоий-фойдали меҳнатга тайёрлашлари, жамиятнинг муносиб аъзолари қилиб ўстиришлари лозимлигини назарда тутди.

Миллатлар тенг ҳуқуқлилиги мамлакатимиздаги барча миллатлар ва элатларни ҳар томонлама ривожлантириш ва яқинлаштириш сиёсати билан фуқароларни ватанпарварлик ва байналминаллик руҳида тарбиялаш билан таъминланади. Бошқа фуқароларнинг миллий қадр-қимматини ҳурмат қилиш, миллатлар ва элатларнинг дўстлигини мустаҳкамлаш — ҳар бир фуқаронинг конституциявий бурчларидандир.

Ўзбекистон давлати ва жамиятида миллий адоват туйғусини уйғотишга уринган шахслар қаттиқ жазоланади. Ирқий ёки миллий мумтозлик, ирқий ёки миллий адоватни менсимасликни ҳар қандай тарғиб қилиш қонунга мувофиқ жазоланади.

Ўзбекистоннинг жиноят тўғрисидаги қонунларига мувофиқ миллий ёки ирқий адоват ёхуд низо қўзғатиш мақсадида тарғибот ёки ташвиқот юргизиш, шунингдек фуқароларнинг миллати ёки ирқига қараб уларнинг ҳуқуқларини тўғридан-тўғри ёки бошқа йўллар билан чегаралаб қўйиш ёки имтиёзлар бериш — озодликдан маҳрум этиш ёки сурғун қилиш билан жазоланади.

Ўзбекистон Республикаси ташқи муносабатларда мустаҳкам тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик сиёсатини изчиллик билан ўтказиб, халқлар хавфсизлиги ва кенг халқаро ҳамкорлик учун собитқадамлик билан курашиб келмоқда. Унинг ташқи сиёсати халқнинг миллий озодлик ва социал тараққиёт учун олиб бораётган курашини қўллаб-қувватлаш ҳамда турли ижтимоий тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшашини изчил амалга ошириш учун қулай халқаро шарт-шароитлар яратилишига қаратилган. Шу туфайли Ўзбекистоннинг халқаро мавқеи мустаҳкамланмоқда, жаҳон сиёсатига кўрсатаётган таъсири беқиёс даражада ошмоқда. Давлатимиз ички ва ташқи сиёсатининг узвий боғлиқлиги Ўзбекистон Республикаси Конституциясига фуқароларнинг байналминаллик бурчи тўғрисида қоидалар киритиш заруриятини тақозо қилди. Бошқа мамлакатларнинг

халқлари билан дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантиришга, ялпи тинчликни сақлаш ва мустақкамлашга кўмаклашиш. Ўзбекистон фуқароларининг байналминал бурчидир.

Ўзбекистон Республикасида фуқаролар тинчлигини мустақкамлаш, урушга йўл қўймасликни амалга ошириш биринчи галдаги вазифалардандир. Мамлакатимизда урушни тарғиб қилиш қатъий таъқиқланган. У қандай шаклда олиб борилмасин, жиноят ҳисобланади.

Мустақил Ўзбекистон Республикасида инсоният асрлар давомида орзу қилиб келган демократик ҳуқуқ, эркинлик ва бурчлар амалга ошмоқда. Президент Ислоҳ Каримов таъкидлаганидек: «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат. Бу — мустақил, демократик, ҳуқуқий давлатдир. Бу — инсонпарварлик қондаларига асосланган, миллати, дини, ижтимоий аҳволи, сиёсий эътиқодларидан қатъи назар фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаб берадиган давлатдир»¹.

2. Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатланиши

Мустақил давлатнинг асосий вазифаларидан бири ўз фуқароларининг демократик ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ва уни қўриқлашдир. Бу вазифа Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ўзининг ҳуқуқий ифодасини топган. Унинг Х боби «Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатлари»га бағишланган бўлиб, 43-моддасида: «Давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустақкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди», дейилади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида республика фуқароларининг асосий ҳуқуқ, эркинликларига бағишланган моддалар аниқ-равшан тус олган, бирмунча кенгайтирилган.

Мамлакатимиз фуқаролари демократик ҳуқуқ ва эркинликларнинг янгидан янги тамойиллари Конституцияда ўз ўрнини эгаллаш билан бир қаторда амалга оширилиши кафолатланган. Улар орасида «яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқи» экани (24-модда), «Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига

¹ И. А. Каримов. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т., Ўзбекистон, 1992, 15—16-бетлар.

эга»лиги, «...Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонлик-ка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас»-лиги (25-модда) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бир жойдан иккинчи жойга кўчиш, Ўзбекистон Республикасига келиш ва ундан чиқиб кетиши ҳуқуқига эга»лиги (28-модда), Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги, ҳуқуқига эгаллиги (29-модда) «Ўзбекистон Республикасининг барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахсларі фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятларини яратиб бериши» (30-модда), «...жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгаллиги... Бундай иштирок этиш ўзини-ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилиши» (32-модда) Ўзбекистон Республикаси «фуқаролари ўз ижтимоий фаолликларини республика қонунларига мувофиқ митинглар, йиғилишлар ва намойишлар шаклида амалга ошириш ҳуқуқига эга»лиги (33-модда), «...касаба уюшмаларига сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эгаллиги» (34-модда-алоҳида қайд этилган. Мазкур ҳуқуқ ва эркинликлар 1978 йил Конституциясида бўлмаган.

-Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ республика фуқароларининг шахсий ҳаёти қонун билан қўриқланади. Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир, ҳар бир фуқаро эркинлик ва шахс дахлсизлик ҳуқуқига эга бўлиб, унинг ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноят ҳисобланади. Ўзбекистон фуқароси қонунга асосланмаган ҳолда қамалиши, қамоқда сақланиши мумкин эмас. Булар республика қонунлари билан мустаҳкамланган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 234-моддаси «Қонунга хилоф равишда ушлаб туриш ёки ҳибсга олиш деб номланиб, унда: «Била туриб, қонунга хилоф равишда ушлаб туриш, яъни суриштирувчи, терговчи ёки прокурор томонидан қонуний асосга эга бўлмаган ҳолда шахс эркинлигининг қисқа муддатга чекланиши — энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

Била туриб, қонунга хилоф равишда ҳибсга олиш ёки ҳибсда сақлаш —

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади», дейилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва амалдаги қонунлари Ўзбекистон фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатловчи қатор конституциявий тамойилларни ўзида акс эттирган: масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 45-моддасида: «Вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир», дейилади. Бу Олий Мажлис томонидан қабул қилинган бошқа қонунларда ҳам мустаҳкамланган.

Мустақиллик ва истиқлолга эришилгандан сўнг вужудга келган ижтимоий-иқтисодий ва давлат тузумининг мустаҳкамланиб борилиши, ижтимоий, иқтисодий ва маданий тараққиёт режалари бажарила борган сари фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг кенгайтирилиши, уларнинг турмуш шароитини узлуксиз яхшилаб боришини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сиёсий ҳуқуқлари орасида энг муҳими давлат вакиллик органларига ва бошқа ҳокимият органларини тузишда фаол қатнашишини таъминловчи сайлов тизимидир. Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддаси: «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади», деб ўқтиради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар тўғрисидаги қонунларда сайловчиларнинг сайлаш ва сайланиш, сайловолди ташвиқоти олиб бориш ҳуқуқларини амалга оширишга зўравонлик, алдаш, таҳдид қилиш ёки бошқа йўл билан қаршилик кўрсатаётган шахслар, шунингдек сохта сайлов ҳужжатлари тузган, овозларни атайин нотўғри санаб чиққан, яширин овоз беришни бузган ёки сайлов қонунчилигининг бошқа тарзда бузилишига йўл қўйган сайлов комиссияларининг аъзолари, бошқа мансабдор шахслар, сиёсий партияларнинг вакиллари Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ белгиланган жавобгарликка тор-

иладилар. Депутатликка номзод тўғрисида сохта маълумотларни эълон қилган ёки ўзгача тарзда тарқатган шахслар ҳам жавобгарликка тортиладилар.

1994 йил 5 майда Ўзбекистонда «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида» қонун қабул қилинди. У 21 моддадан иборат бўлиб, бошқа ҳамдўстлик давлатларида бундай қонун йўқ. Мазкур қонунга асосан фуқаролар ўз сайлов ҳуқуқини бузувчи, эътибор бермовчи ташкилотлар, мансабдор шахслар устидан сайлов комиссияси, тегишли давлат органи, жамоат уюшмаси, мансабдор шахслар, судларга мурожаат қилиши мумкин. Бу ҳуқуқни бузувчилар Ўзбекистон Республикаси қонунлари асосида жазоланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва меъёрий қонунлари Ўзбекистон фуқароларининг тенг ҳуқуқлилиги тамойиллари доирасини аниқ-равшан кафолатлаган. Унда хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлилиги, турли ирқ ва миллатга мансуб фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги, республика фуқаролари ўз насли-насабидан, ижтимоий ва мулкӣ мавқеидан, ирқи ва миллатидан, жинси, маълумоти, тили, яшаш жойи ва бошқа ҳолатларидан қатъи назар тенглиги кафолатланган. Ўзбекистоннинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маданий ҳаётининг ҳамма соҳаларида фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги тўла таъминланган. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари улар шахсий манфаатларини қондириш учун хизмат қилиш билан бирга жамоа, давлат, жамият манфаатдорлигини ҳам ўзида яққол акс этдиради.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, ижтимоий ва давлат қурилишида реал демократияни ҳар томонлама кенгайтириб, ривожланган, маърифатли давлатлар сафига киришни асосий мақсад қилиб қўйган даврда инсон эркинлиги, фуқароларнинг демократик ҳуқуқ ва эркинликларини конституциявий қонунларда ифода этибгина қолмай, унинг ривожини, такомиллашувини шу мақсадда тузилган, тузилаётган давлат органлари, жамоат уюшмалари, кўнгилли ташаббускор ташкилотлар, улар олиб бораётган кўпқиррали фаолиятлар билан ҳам амалга оширмоқда, кафолатламоқда.

Ўзбекистон Республикаси олий вакиллик қонун чиқарувчи органи — Олий Мажлис таркибида Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (омбудсман) тузилиб, бу ну-

фузли ташкилот ҳуқуқий мақомини белгилаб берувчи (апрель 1997 йил)» қонун қабул қилинди.

Республикамиз давлат ҳокимиятининг олий вакиллик органи — Олий Мажлис таркибида ташкил топган инсон ҳуқуқлари бўйича вакил жаҳондаги 85 дан ортиқ мамлакатда мавжуд бўлиб, унинг ҳуқуқий ҳолатини аниқ-равшан белгилаб берувчи конституциявий қонун собиқ СССР Республикалари, Марказий Осиёдаги биринчи ҳуқуқий ҳужжатдир.

Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилишнинг таъсирли воситасини барпо этиш, халқаро ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш ташкилотлари билан ҳамкорликни кенгайтириш, давлат муассасалари ходимлари ва барча республика аҳолисининг инсон ҳуқуқлари бўйича маданиятини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг «Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказини тузиш тўғрисида» 1996 йил 31 октябрь Фармони эълон қилинди. Фармонга биноан Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Миллий Маркази давлатга қарашли, таҳлил, маслаҳат, идоралараро ва мувофиқлаштириш органи ҳисобланиб, унга Конституция, қонунлар ва инсон ҳуқуқлари соҳасидаги умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ меъёрлари қондаларини амалга ошириш стратегиясини ишлаб чиқиш, инсон ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро ва миллий ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантириш, республикада инсон ҳуқуқларига риоя этилиши ва бу ҳуқуқларнинг муҳофаза қилиниши юзасидан миллий маърузалар тайёрлаш, давлат органларининг инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва муҳофаза қилиш соҳасида таҳсил бериш, тарғибот, ўқув-услубий адабиётларни нашр этиш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш, Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқларини амалга ошириш ва ривожлантириш бўйича маълумотларнинг ахборот базасини барпо этиш, давлат органларининг инсон ҳуқуқларига риоя этиш ва бу ҳуқуқларни муҳофаза этиш соҳасидаги фаолиятини такомиллаштириш юзасидан тавсиялар тайёрлаш, инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва муҳофаза қилишнинг турли жиҳатлари юзасидан тадқиқотларни ташкил этиш ва ўтказиш каби нуфузли ва маъсулиятли вазифалар юкланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига

асосан Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ҳуқуқий шахс ҳисобланади, молиявий жиҳатдан республика бюджети қарамоғида бўлиб, Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги, Матбуот давлат қўмитаси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Давлат телерадиокомпанияси Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази халқаро алоқаларни амалга оширишларида, хориждаги турдош ташкилотлар билан алоқа ўрнатишда, халқаро ташкилотлар билан инсон ҳуқуқлари соҳасида битимлар тузишда ёрдам кўрсатишлар юклатилган, унга ўзбек, рус ва инглиз тилларида «Ўзбекистонда демократиялаш ва инсон ҳуқуқлари» махсус журналини нашр этишга рухсат берилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ва бошқа муътабар ташкилотларнинг ташкил топиши фуқароларнинг демократик ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш масалалари Ўзбекистонда таркиб топган демократик, инсонпарвар ҳуқуқий давлатнинг асосий функцияларидан бири экани, маърифатли давлатлар сари қўйган йирик қадамларидан биридир.

Ўзбекистон ижтимоий-ва давлат тузуми томонидан республика фуқароларига инъом этилган кенг, ҳақиқий демократик ҳуқуқ ва эркинликларнинг ҳаётда тўла амалга оширилиши, уларнинг мустақиллик ва истиқлолга эришган жамиятимизни, ҳаётимизнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида фаол иштирокини таъминламоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Қаримов Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ўн биринчи сессиясида сўзлаган нутқида: «Ҳаётимизда бўлаётган ўзгаришларнинг илдизи халқимизнинг маънавий уйғонишидир. Она тилимизнинг азалий ҳақ-ҳуқуқлари тиклангани, ҳақиқий ўзбекона урф-одатларимизнинг ҳаётдан ўрин олаётгани, қадриятларимизнинг ўз ўрнини топаётгани ҳам одамлар кайфиятига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Ўзбек ўзлигига ишона бошлади»¹, деган сўзларини республикамызда мустақкам ўрин эгаллаётган демократик, инсонпарвар, одил фуқаролар жамияти ва

¹ И. А. Қаримов. Ўзбекистон келажаги буюк давлат. Ўзбекистон, 1992, 6—7-бетлар.

унда амалга оширилаётган ҳақиқий, кенг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари гувоҳ бўла олади.

Ўзбекистон Республикаси ўзининг мустақиллигига эришган кунидан бошлаб инсон омилига эътиборини кучайтирди.

Ўзбекистон фуқароларининг қонунчиликда белгиланган демократик ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва шахсий ҳуқуқлари жаҳондаги маърифатли ривожланган мамлакатларда ҳукм сураётган андозаларга мос тарзда амалга оширилмоқда.

Мустақиллик йилларида республикамизда инсон демократик ҳуқуқларига оид юздан ортиқ қонуний актлар қабул қилинди, инсон ҳуқуқлари тўғрисида қонунчилик мажмуаси шаклланди.

Ўзбекистон Республикаси мустақил, инсонпарвар давлат сифатида инсон ҳуқуқларига оид 37 та халқаро шартнома ва конвенцияларга аъзодир.

Масалан, «Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси», «Болалар ҳуқуқлари тўғрисида конвенция», «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар бўйича халқаро пакт ва ҳоказолар шулар жумласидандир.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари борасида Конституциямиз Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясининг барча асосий ғоя ва қоидаларини ўзига сингдирган.

И. А. Қаримов.

VI. боб. ЎЗБЕКИСТОН ВА УМУМЖАҲОН ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ДЕКЛАРАЦИЯСИ

Шахс ҳуқуқ ва эркинликларининг эълон қилиниши, уларнинг қонунларда мустаҳкамланиши ҳақиқий эркин демократик жамиятнинг муҳим шартларидан биридир.

Инсон ҳуқуқлари — ижтимоий ҳаётнинг ажралмас қисмидир. У Конституцияда белгиланган мамлакатнинг барча фуқароларининг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш тамойилига асосланади ва шахснинг руҳий тараққиётининг асосий шарт ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида қонунлар кодификациялаштирилгандир. Умуман олганда, ўзбек қонунчилиги

тизими қўйидагиларни ўз ичига олади: Конституция, Конституцияда қабул қилиниши назарда тутилган конституциявий қонунлар, оддий қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва бошқа марказий ва маҳаллий давлат бошқарув идоралари қарорлари.

Конституция Ўзбекистон халқининг иродаси, руҳияти ижтимоий онги ва маданиятини акс эттиради. Аввало унинг умуминсоний қадриятларга, халқаро ҳуқуқнинг устуворлигига содиқлигини таъкидлаш лозим. Унда коммунистик мафкура сифатида партиявийликдан асар ҳам йўқ. Ҳозирги даврдаги мураккаб ўтиш жараёнида давлат бош ислоҳотчи сифатида майдонга чиқар экан, инсон ҳуқуқларининг таъминланишини кафолатлашни ўз зиммасига олади.

Шахс ҳуқуқ ва эркинликларининг Конституцияда мустаҳкамланиши шахс ва давлатнинг ўзаро янги алоқаларини ҳаётга тадбиқ қилишнинг биринчи ва муҳим босқичидир. Жамиятни ислоҳ қилишнинг ҳозирги босқичида инсон шахсиятининг ажралмас қадриятларини, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлигини тан олишга асосланган демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш эҳтиёжи келиб чиқмоқда. Мустабид ўтмишдан ёки мустақил давлатларга мерос бўлиб қолган тузилмаларни ислоҳ қилишнинг мураккаб жараёни кечмоқда. Жамият аста-секин демократик ривожланишдан ўзга йўл йўқлигини тушуниб етмоқда. Халқнинг ҳуқуқий онги шаклланмоқда.

Ҳуқуқий ислоҳотларнинг биринчи босқичида Ўзбекистон Республикаси бир қатор халқаро ҳужжатларга, жумладан, Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясига қўшилди.

Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси инсониятнинг барча аъзоларига хос ажралмас ва бузилмас ҳуқуқларни эълон қилувчи асосий халқаро ҳужжатдир. БМТ режаларига кўра Декларация дунёнинг барча халқлари ва давлатлари томонидан инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг умум тан олиниши ва самарали амалга оширилишини таъминлаш бўйича ҳаракатларида бажаришга интилишлари лозим бўлган олий вазифа сифатида хизмат қилиши лозим. Унда ҳуқуқий йўналишлар белгиланган бўлиб, у мезон (эталон) сифатида барча ҳукуматларга инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги таваккуф даражасини ўлчашга имкон беради.

Ҳар бир давлат ўзининг сиёсий ва иқтисодий шароитига кўра аҳолисининг инсоний ҳуқуқларини амалга оширишни қай тарзда таъминлашни ўзи ҳал қилади.

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро Пактга кўра давлат барча аҳолига шахсий, фуқароларга эса сиёсий ҳуқуқларни амалга оширишни кафолатлаши шарт. Фуқаролар ҳуқуқларининг мазмуни, шунингдек фуқаролик олиш йўллари ҳар бир давлатнинг ўз қонунларида белгилаб қўйилади.

Давлат сайловларни ташкиллаштириш каби ҳолатларда фуқаролар ўз сиёсий ҳуқуқларини амалга оширишлари учун фаол ҳаракат қилиши ёки ихтиёрий ташкилотлар ва йиғилишлар ташкил қилинишига қаршилик қилувчи ҳаракатлардан сақланиши шарт.

Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактга кўра, ҳар бир алоҳида шахс ишлаши ва иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларини амалга ошириш учун масъулиятнинг бир қисмини ўзига олиши лозим. Давлат ўзида мавжуд имкониятларни ишга солиб инсоннинг эркин ҳаракати учун зарур шароитларни яратиши лозим.

Барча инсонлар эркин ва тенг ҳуқуқли бўлиб туғилади. Барчанинг ақли ва виждони бор.

Ҳар бир инсон ўзининг жинси, тили, қарашлари, дини, мулки, миллати, ирқи, ижтимоий келиб чиқиши, туғилган жойи ва бошқа белгилардан қатъи назар тенг ҳуқуқларга эгадир.

ШАХСИЙ ҲУҚУҚЛАР

Сизнинг эркин ва ҳимояланган ҳолда яшаш ҳуқуқингиз бор.

Ҳеч кимнинг Сизни қул қилишга ҳаққи йўқ, шунингдек Сизнинг ҳам бошқа бировни қул қилиш ҳуқуқингиз йўқ.

Сиз ҳар ерда бошқалар билан тенгликда ҳуқуқий ҳимоя ҳуқуқига эгасиз.

Қонун барчага баробардир.

Агар Сизнинг давлат томонидан кафолатланган инсоний ҳуқуқларингиз бузилаётган бўлса, Сизнинг ҳуқуқий ёрдам олиш имкониятингиз бўлиши лозим.

Ҳеч кимнинг ўзбошимчалик билан (яъни, қонуний

асосларсиз) Сизни қамоққа олиш, бандиликда сақлаш ёки мамлакатдан ҳайдаб чиқариш ҳуқуқи йўқ.

Агар Сиз судланишингиз керак бўлса, суд очиқ ва судьялар мустақил бўлишлари лозим.

Қонун бўйича айбингиз исботланмагунча Сиз қонун олдида айбсизсиз. Агар жиноят қилганликда айбланаётган бўлсангиз, Сиз доим ҳимоя ҳуқуқига эгасиз.

Сиз эркин, ўз хоҳишингизга кўра, ўз давлатингиз ичида кўчиб юриш ва турар жой танлаш ҳуқуқига эгасиз.

Сиз терингизнинг ранги, миллатингиз ёки диний эътиқодингиздан қатъий назар, қонунда белгиланган ёшга етганингиздан сўнг никоҳдан ўтиш ва оила қуриш ҳуқуқига эгасиз. Аёллар ва эркеклар никоҳда экандликларида ҳам, ажрашгандан сўнг ҳам тенг ҳуқуқларга эга.

Никоҳ ихтиёрий бўлиши лозим.

Мамлакатингиз ҳукумати ва жамияти Сизнинг оилангизни ҳимоя қилиши лозим.

Сиз алоҳида ёки бошқалар билан биргаликда ўз динингиз бўйича эркин яшаш, шунингдек, ўз диний қарашларингизни ўзгартириш ҳуқуқига эгасиз.

СИЕСИЙ ҲУҚУҚЛАР

Сиз бирор бир давлатнинг қонунларига мувофиқ шу мамлакат фуқароси бўлиш ҳуқуқига эгасиз. Агар Сиз бошқа давлат фуқароси бўлишни хоҳласангиз, ҳеч ким ўзбошимчалик билан бунга қаршилиқ қилиш ҳуқуқига эга эмас.

Сиз хоҳлаганингизни ўйлаш ҳуқуқига эгасиз. Ҳеч ким Сизни ўз нуқтан-назарингиз ва сиёсий қарашларингизни эркин баён қилишингизни ва бошқалар билан фикр алмашишингизни таъқиқлаш ҳуқуқига эга эмас.

Сиз маълумот олиш ва тарқатиш ҳуқуқига эгасиз.

Сиз тинч йиғилишлар ташкил қилиш ва уларда иштирок этиш ҳуқуқига эгасиз. Ҳеч ким Сизни бирор бир гуруҳга киришга мажбур қилиш ҳуқуқига эга эмас.

Сиз фуқаро сифатида ҳукуматда ишлаб туриб ёки Сизга яқин ғояларни илгари сураётган сиёсатчиларни сайлаш орқали ўз мамлакатингиз сиёсий ҳаётида иштирок этиш ҳуқуқига эгасиз. Парламент (Ўзбекистон Республикасида — Олий Мажлис) вақти-вақти билан яширин овоз бериш орқали сайланади. Ҳар бир фуқаро овоз бериш ҳуқуқига эга ва Сизнинг овозингиз бошқаларники билан тенг.

Агар Сизни диний қарашларингизга кўра таъқиб қи-

ишаётган бўлса, Сиз Бошқа давлатга кетиш ва паноҳ ўраш ҳуқуқига эгасиз.

Агар Сиз жиноят содир қилган бўлсангиз ёки ўзингиз-Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясида баён этилган нормаларга риоя қилмаётган бўлсангиз, бу ҳуқуқлардан маҳрум бўлишингиз мумкин.

ИҚТИСОДИЙ, ИЖТИМОИЙ ВА МАДАНИЙ ҲУҚУҚЛАР

Сиз мулк ҳуқуқига эгасиз ва ҳеч ким уни Сиздан ўз-бошимчалик билан тортиб олиш ҳуқуқига эга эмас.

Сиз яшаётган жамият Сизнинг ривожланишингизга ва давлат ўз моддий имкониятларига кўра яратиб берган маданият бойликлари, бандлик ва ижтимоий ҳимоядан фойдаланишингизга ёрдам бериши лозим. Сиз ўз давлатингизда бошқалар билан бир қаторда шу имкониятлардан фойдаланиш ҳуқуқига эгасиз.

Сиз меҳнат қилиш, машғулот турларини эркин танлаш, Сизнинг оилангиз овқатланиши ва яшашини таъминловчи адолатли мукофот олиш ҳуқуқига эгасиз. Агар аёл ва эркак бир хил ишни бажараётган бўлсалар, улар бир хил ҳақ олишлари лозим. Барча меҳнаткашлар ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун бирлашиш ҳуқуқига эга.

Сизнинг иш кунингиз ҳаддан ташқари узун бўлмаслиги лозим, чунки ҳар бир инсон дам олиш ҳуқуқига, шунингдек, ҳақ тўланадиган дам олиш кунлари ва доимий таътил ҳуқуқларига эга.

Сиз ўзингиз ва оилангиз касал бўлмасликлари, тўқ бўлишлари ва керакли кийим-кечакка эга бўлишлари учун барча керакли нарсаларни олиш ҳуқуқига эгасиз. Агар Сиз касаллик, ишсизлик, қарилик, умр йўлдоши-и йўқотганлик, ёки бошқа шунга ўхшаш сабабларга кўра ўзингизни боқа олмасангиз, сизда ёрдам олиш имконияти бўлиши лозим.

Ҳомиладор аёллар ва болаларга алоҳида ёрдам берилиши лозим. Барча болалар қонуний никоҳда ёки ундан ташқарида туғилганларидан қатъи назар баббаравар ижтимоий ёрдам олиш ҳуқуқига эга.

Сиз таълим олиш ҳуқуқига эгасиз. Бошланғич таълим бепул бўлиши лозим. Сиз касб танлаш ёки ўқишни давом эттириш ҳуқуқига эгасиз. Мактаб сизнинг ҳамма қобилиятларингизнинг униб-ривожланишини таъминлаши, шунингдек, сизни ирқи, дини, миллатидан қатъи назар барча билан тотувликда яшашга ўргатиши лозим

Сиз жамиятнинг илмий ва маданий ҳаётида ишти-
рок этиш ҳуқуқига эгасиз. Сизнинг илмий ишларингиз
ёки санъат асарларингизга бўлган муаллифлик ҳуқу-
қингиз кафолатланган бўлиши керак. Сиз ўз қўшган
ҳиссангиз учун одил мукофот олишингиз лозим.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ШАРТЛАРИ

Сизнинг жамият олдида мажбуриятларингиз ҳам
бор. Инсон ҳуқуқлари қонун билан кафолатланган бў-
лиши лозим. Сизнинг ҳуқуқ ва эркинликларингиз қонун
томонидан чекланиши ҳам мумкин.

Дунёнинг ҳеч қаерида, ҳеч қандай жамият ва ҳеч
бир инсон ушбу ҳуқуқларга қарши ҳаракат қилиш ҳуқу-
қига эга эмас.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ТУҒРИСИДАГИ МЕЪЁРЛАР ҚАЕРДА ЎЗ АКСИНИ ТОПГАН?

Ўзбекистон Республикасида кучга эга бўлган инсон
ҳуқуқлари туғрисидаги меъёрлар қуйидагилардир:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси;
2. Ўзбекистон Республикаси учун мажбурий бўлган
инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳужжатлар;
3. Ўзбекистон Республикаси қонунлари.

Бу рўйхат ҳуқуқ нормаларининг ўзаро боғлиқлиги ва
бир-бирига бўйсунилиши ҳам кўрсатади. Масалан, агар
инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳужжатнинг бирор
нормаси Конституцияга зид бўлса, Конституция норма-
си қўлланилади. Ўз навбатида, халқаро ҳужжат қонун-
га зид бўлса, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳужжат
нормаси қўлланилади.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИНГ БУЗИЛИШИ

Агар Сиз инсоний ҳуқуқларингиз бузилган деб ҳи-
собласангиз, Сизда ўзингизни ҳимоя қилиш имконияти
бор.

Сиз бирор муассасанинг ўзингизга номаъқул бўлган
фармойиши устидан юқорироқ муассасага мурожаат қи-
лишингиз мумкин. Сиз ўз аризангизда инсон ҳуқуқлари
бўйича истаган ҳужжатда мавжуд бўлган инсон
ҳуқуқлари нормаларига асосланишингиз мумкин: агар

зоқори муассасанинг қарори ҳам сизни қаноатлантирма-са, сиз судга шикоят билан мурожаат қилишингиз мумкин.

Сизда инсоний ҳуқуқларингизни ҳимоя қилишнинг муқобил усули бор. Сиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилига ёки Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий Марказига мурожаат қилишингиз мумкин. Марказ ходимлари Сизнинг қандай ҳуқуқларингиз бузилганлиги, қай тарзда бузилганлигини аниқлайдилар ва ҳуқуқий йўл билан муаммонгизни ҳал қилишга уришиб кўрадилар.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Конституция ва Инсон Ҳуқуқлари тўғрисидаги Халқаро Миллий маркази — ҳуқуқни ҳимоя қилиш фаолиятини Билл асосида мувофиқлаштирувчи давлат ташкилотидир.

Марказнинг асосий мақсади — устувор вазифаларни ҳар томонлама ҳал этиш йўли билан Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Миллий фаолият дастурини — ҳуқуқ ва эркинликларни ҳимоя этишнинг кўп жиҳатли тизимини ишлаб чиқиш ва ҳаётга тадбиқ этиш, жумладан:

1) инсон ҳуқуқлари соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш;

2) ҳуқуқий ёрам кўрсатиш ва инсон ҳуқуқларини суд йўли билан ҳимоя қилиш;

3) инсон ҳуқуқларини суддан ташқари ҳимоя қилиш тизимини яратиш;

4) турли тоифадаги шахслар ҳуқуқини ҳимоя қилиш стратегиясини ишлаб чиқиш:

аҳолининг ижтимоий кам таъминланган қатламларини;

экологик офат минтақаларида яшовчи аҳолини;

диндорлар, турли дин вакилларини;

озодликдан маҳрум этилган шахсларни;

ҳарбий хизматчиларни.

5) ноҳукумат ҳуқуқни ҳимоя этиш ташкилотлари фаолиятларининг самарали шаклларини ривожлантириш;

6) инсон ҳуқуқларига риоя қилиш кафолати сифатида ахборот олиш эркинлигини таъминлаш;

7) инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълимнинг кўп мақсадли тизимини — алоҳида ихтисослашган курслардан

Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади»

*Ўзбекистон Республикаси
Конституциясининг 13-моддаси*

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ — МУҚАДДАС НЕЪМАТ

хотима ўрнида

Ўзбекистон 3 минг йиллик тарихга эга Мовороуннаҳр ва Туркистон цивилизацияси ва маданиятига тааллуқлидир. Ҳозирги жаҳон маданиятида Самарқанд, Бухоро, Хива мамлакатимизнинг ёрқин рамзлари ҳисобланади. Инсон ҳурлигининг муқаддаслиги маънавиятимизга хос чуқур тушунчадир. Халқимизнинг буюк фарзандлари, улуғ донишмандлар Беруний, Абу Али ибн Сино, Улуғбек ва Навоий бу ҳақда ўзларининг бебаҳо мушоҳадаларини бизга мерос қолдирганлар.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг 1992 йил қабул қилинган мамлакатимиз Конституциясида инсон ҳуқуқлари устуворлиги белгилаб қўйилди. Мамлакатимиз Асосий Қонунида барча фуқароларнинг қонун олдидаги тенглиги, қонуннинг устуворлиги кафолатланган.

Давлатимиз мустабид тузум ҳукмронлигидан инсоннинг давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари билан муносабатларини ҳуқуқий негизга қўйишдек туб ўзгаришлар йўлида жуда улкан қадам қўйди.

Инсон ҳуқуқларини амалга оширишнинг кафолатларини яратишнинг асосий ғояси сифатида ҳокимиятнинг мустақил ва ҳеч кимга тобе бўлмаган тармоғи ҳисобланган суд эътироф этилди.

Республикада Конституциявий суд ташкил этилди. Судлар ваколоти анча кенгайтирилди.

«Мустақиллик — аввало, ҳуқуқдир», деб таъкидлади Президент Ислом Каримов.

Ҳуқуқ — демократик жамиятда фуқаро эркинликларининг меъёридир. Ҳуқуқий давлат Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва таъминлаш давлат ҳоки-

гортиб оммавий маълумот танишув дастурларигача ташкил этиш;

8) Ўзбекистон Республикасида Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари тизимини ривожлантириш асосида дунё ҳамжамиятига кириш йўлларини шакллантиришдан иборат.

МАРКАЗ ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ ЙУНАЛИШЛАРИ:

1. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий фаолият дастурини ишлаб чиқиш орқали давлат ва жамоат ташкилотларининг илмий-тадқиқот, таълим ва маърифий фаолиятларини мувофиқлаштириш;

2) Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари миллий концепцияси асосида ҳуқуқий давлат миллий мафкурасини шакллантириш;

3) Бирлашган Миллатлар Ташкилоти эълон қилган инсон ҳуқуқлари соҳасидаги барча норматив актларни босқичма-босқич қабул қилиш орқали Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ҳамжамиятига киришининг самарали механизмини яратиш ҳисобланади.

Марказ фаолияти дастурининг асоси — Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясида баён этилган ҳуқуқий маданиятни ривожлантиришнинг умумбашарий тамойилларидир.

Ҳуқуқий давлат мафкурасини ривожлантиришни илмий режалаштириш Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Миллий концепциясини яратишни кўзда тутди. Бу концепцияда Шарқнинг кўп асрли ҳуқуқий маданияти тажрибаси, бизнинг буюк аجدодларимиз турмуш тарзи анъаналари акс этиши лозим. Марказнинг Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Миллий концепциясини яратиш фаолияти инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий фаолият дастурининг муҳим назарий қисми, мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида туб ўзгаришлар босқичининг бошланиши ҳисобланади.

миятини ташкил этиш тизимида (ҳокимият ваколатларининг тақсимланиши, мустақил суд, конституциявий юстиция), ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг юридик асосларини яратишда, аҳолининг ижтимоий-ҳуқуқий фаоллигини оширишда мужассамлашмоқда.

Мустақиллик шахснинг демократик ривожланиш қончаларига риоя этиш зарурлигини биринчи ўринга қўйди: биринчидан, шахснинг масъулияти — инсон ўз қилмишлари ва хатти-ҳаракатлари учун жавоб бериши керак; иккинчидан, объектив ва оқилона ҳақиқатга интилиш; учинчидан, маърифийлик — юксак профессионализм белгиси. Инсон ҳуқуқлари даражаси жамият маърифийлиги ва демократиялашганлигининг биринчи даражали кўрсаткичидир.

Мустақиллик йилларида юздан ортиқ қонунларни ўз ичига олган инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунлар тизими шаклланди. Конституция ҳамда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясида ва бошқа халқаро битимларда, мустаҳкамлаб қўйилган халқаро талаб ва андозалар инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Ўзбекистон қонунларининг ўзаги ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқларига оид юздан ортиқ қонунлар қабул қилинган. Шу тариқа республикамизнинг инсон ҳуқуқлари ҳақидаги ўз қонунчилик мажмуаси шаклланди. Айни пайтда Ўзбекистон инсон ҳуқуқларига оид 37 та халқаро шартнома ва конвенцияларга аъзо ҳисобланади. Масалан, «Инсон ҳуқуқларининг умумжаҳон Декларацияси» (10.12.48 йил. БМТ. Нью-Йорк), «Болалар ҳуқуқлари ҳақидаги конвенция» (20.11.89 йил. БМТ. Нью-Йорк), «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар бўйича халқаро пакт» (16.12.66 йил. БМТ Нью-Йорк) ва ҳоказолар шулар жумласидандир.

Давлатимизда инсон ҳуқуқлари бўйича миллий муассасалар тизими барпо этилди. Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили, Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ, «Ижтимоий фикр» жамоатчилик маркази фаолият кўрсатмоқда.

Инсон ҳуқуқларини ўқитиш бўйича таълим базаси ишлаб чиқилганлиги ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди. Янги ўқув йилидан «Инсон ҳуқуқлари» ўқув фанини ўқитиш жорий этилди. «Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро андозалар», «Инсон ҳуқуқлари», «Инсон ҳуқуқлари ва ички ишлар органларининг фаолияти» ўқув дас-

турлари тайёрланди. Олий ўқув юртлари учун «Инсон ҳуқуқлари» дарслиги нашр этилди. ЮНЕСКОнинг «Инсон ҳуқуқлари: саволлар ва жавоблар» ўқув қўлланмаси таржима қилинди, мазкур курсни ўқитиш бўйича ўқув-методик қўлланма тайёрланди. Мамлакатнинг барча олий ўқув юртларида Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ўрганиш марказлари (улар ягона тизимдан иборат бўлади) тузилмоқда. Инсон ҳуқуқлари Миллий маркази уларнинг ахборот — услубий негизи ҳисобланади. Ички ишлар вазирлиги академиясида «Инсон ҳуқуқлари назарияси ва амалиёти» кафедраси ташкил этилди. Тошкент давлат юридик институтида Инсон ҳуқуқлари ва гуманитар ҳуқуқларни ўрганиш маркази ишлаб турибди.

Мустақил Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари соҳасида жамоатчилик ахбороти бўйича умумжаҳон тадбирларини ўтказиш юзасидан улкан демократик ташаббусларнинг фаол иштирокчиси бўлиб, БМТнинг инсон ҳуқуқлари соҳасида таълимнинг ўн йиллигини таъсис этишга доир ҳаракатлари режасини амалга оширишга ўз ҳиссасини қўшмоқда. Бу соҳадаги ҳаракатларни мувофиқлаштириш Инсон ҳуқуқлари Миллий маркази зиммасига юкланган бўлиб, у халқаро, миллий ва ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотлар куч-ғайратларини бирлаштиради ва мувофиқлаштиради. Марказимиз БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамда Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Марказий Осие билан алоқалар Бюроси, Конрад Аденауэр жамғармаси ваколатхонаси ва жаҳондаги етакчи мамлакатларнинг элчихоналари билан биргаликда суд ҳокимияти, адлия, прокуратура ва милиция ходимлари учун мамлакатнинг турли вилоятларида махсус ўқув семинарлари ўтказмоқда. Бундай семинарлар деярли барча вилоятларда бўлиб ўтди. Уларда М. Лесаж (Франция), Макбрайд (Англия), Д. Готтерер (БМТ эксперти), М. Майя ва В. Аранау (АҚШ), Нур Фароғат (Миср) каби ва бошқа жаҳоннинг етакчи олимлари иштирок этди.

Инсон ҳуқуқлари Миллий маркази Болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги Қонвенциянинг асосий қоидалари қандай бажарилаётгани тўғрисида Миллий маъруза тайёрлаганлиги ҳам катта воқеа бўлди. Уни тайёрлашда мамлакатнинг 20 дан ортиқ давлат ва ноҳукумат ташкилотлари иштирок этди.

Ўзбекистон ҳукумати билан БМТ дастури ўртасида «Ўзбекистонда демократиялаш, инсон ҳуқуқлари ва бошқарув, тизимини такомиллаштириш» дастурини бир-галикда амалга ошириш тўғрисидаги битим имзоланди.

Инсон ҳуқуқлари — ўзбек халқининг руҳиятига хос қадрият эканлигини алоҳида таъкидлаш керак.

Барча халқлар учун «Умумий хонадон» асосларини яратиш, янги полиэтник бирликнинг вужудга келиши мустақилликнинг муҳим якуни бўлди. «Ўзбек маданиятининг умумбашарий моҳияти, маънавий қадриятлар ва миллий ўзлигини англашнинг қайта тикланиши бу бирликнинг ўзагини ташкил этди» — мамлакатимиз Президентининг бу сўзларида барқарорлигимиз ва миллий тотувлигимиз манбалари тўғрисидаги кўп сонли саволларга жавоб мавжуд. Ғарб социологи Р. Дарендорф «Жамиятнинг икки хил ҳақиқий қиёфаси мавжуд: биринчиси — барқарорлик, уйғунлик ва яқдиллик қиёфаси, бошқаси — ўзгаришлар, можаролар ва кескинлик қиёфаси», деган эди. Бизнинг жамиятимиз қиёфасини барқарорлик, миллий тотувлик ҳамда мунтазам ривожланишнинг манбаи бўлган, ижтимоий ҳаётни уйғунлаштирадиган ўзбек халқи руҳиятининг қайта тикланиши белгилаб беради. Юртбошимиз айтганидек, «Диний муҳолифат, урушқоқ миллатчилик ва диний жангарилик»ни ўзбек халқи қўллаб-қувватламади. Ўзбек халқининг руҳи «шу қадар ёрқин ва ўзига хоски, у интеграциядан қўрқмайдигина эмас, аксинча, жаҳон ҳамжамиятининг таркибий қисми бўлишга интилади». Дунёни миллий англашнинг ажралмас қисми бўлган инсон ҳуқуқлари халқ руҳияти тараққиётининг, халқнинг умумжаҳон ҳуқуқий маданияти билан алоқасининг кўрсаткичидир.

Мустақиллик туфайли инсон ҳуқуқларини ривожлантириш ижтимоий заруратга айланди, бу эса аҳолининг тобора ўсиб бораётган ижтимоий фаоллигида намоён бўлмоқда.

Республикамизда ҳукуматга қарашли бўлмаган 200 дан ортиқ ташкилот фаол ишламоқда, халқнинг ўзини ўзи бошқариш анъанаси-маҳаллалар тикланмоқда.

1997 йил — Ўзбекистонда Инсон манфаатлари йили деб, эълон қилиниши бежиз эмас эди.

Бу қисқа муддатли компания эмас, балки ХХI аср бўсағасида Ўзбекистон тараққиётини белгилаб берувчи узоқ муддатга мўлжалланган устувор сиёсатдир.

Инсон манфаатлари ва ҳуқуқлари узвий боғлиқ бў-

либ, жамиятимиз барча соҳаларини демократиялаш ва туб ислоҳ қилиш жараёнининг ягона механизмида намоён бўлмоқда.

Биз давлатимиз раҳбари олдимизга қўйган вазифалардан келиб чиққан ҳолда, республикада ҳуқуқий маданиятни ривожлантиришга нималар тўсқинлик қилмоқда, деган долзарб саволга очиқ-равшан жавоб беришимиз зарур.

Эскича тафаккур андозалари эркин онгни ривожлантириш, ҳаётнинг янги воқеликларини англаб етиш, ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини англаш йўлидаги жиддий тўсиқлардан биридир. Тафаккур андозаларини шартли рефлекс — «Одатдаги овқатланиш рефлекси билан» қиёслаш мумкин. Шундай ривоят бор: бир куни буюк физиолог, шартли рефлекслар тўғрисидаги таълимотнинг муаллифи И. П. Павлов хаёлига ҳар қандай жонли мавжудотнинг асосий рефлекси эркинлик рефлексидан иборат бўлиши керак, деган фикр қелибди. Шу фикр таъсирида у севимли сайроқи қуш қафаси эшигини очиб: «Учавер! Энди сен озодсан!», — деб хитоб қилибди. Қуш қафасдан учиб чиқиб, хонани бир айланиб, яна қафасга кирибди. Павловнинг ҳафсаласи пир бўлибди. Кашфиёт барбод бўлибди. «Сен қуш эмассан, сен — чўчқасан», — дебди у алам қилганидан. Андоза давомийлиги кучи ана шундай. Эркинликка кўникиш қийин. Бир неча ўнлаб йиллар давомида бир қомус асосида яшаган жамиятдаги қадриятларни алмаштириш жуда қийин, зиддиятли ва оғир кечадиган жараёндир. Текинига тайёрлик, текисчилик, давлатга қарамликни, боқимандаликни қўмсаш ҳали кучли.

Жамиятимиз ҳаётида хотин-қизларнинг тутган ўрни ҳали тўла англаб етилгани йўқ. Ёшларнинг имкониятларига ишончсизлик мавжуд. Порахўрлик ва жиноятчилик, маҳаллийчилик ва уруғчилик муносабатлари каби ижтимоий ҳодисалар инсон ҳуқуқларига ишончни қарор топтириш йўлидаги жиддий тўсиқлардир. Афсуски, турли даражадаги амалдорларнинг анчагина қисми одамларнинг амалга оширилаётган ислоҳотларга ишончига путур етказмоқда.

Инсон ҳуқуқларига ва ислоҳотчи давлатга ишончни мустаҳкамлаш учун ҳали кўп нарса қилиниши керак.

Бу ишончни мустаҳкамлашнинг бир неча йўли бор: давлатнинг барча қарорлари фақат мамлакат Конституцияси ва қонунларига асосланиши керак;

давлат қарорларини ишлаб чиқиш ва қабул қилишнинг демократик тартиби уларга ишончининг шarti бўлиб хизмат қилиши лозим;

кучли тўртинчи ҳақимиятни қарор топтириш лозим; фуқаролар жамиятининг муҳим таркибий қисми бўлган ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотлар тизimini ривожлантириш даркор;

жамоатчилик фикрини таҳлил этиш, психологиянинг, шунингдек одамлар ижтимоий хулқининг ўзгаришидаги барча ҳолатларни ҳисобга олиш керак.

Аҳолида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилиш борасида янги қадриятлар ва кўникмаларни шакллантириш, пировард натижада эса инсон ҳуқуқларига ҳурмат-эҳтиромни ва уларга риоя этишни умуммиллат даражасида ривожлантиришга қаратилган маданиятни юзага келтириш фоят муҳимдир. «Инсоннинг ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятларидан яхши хабардор бўлиши шахс ҳуқуқларининг конституциявий кафолатларини рўёбга чиқаришнинг энг асосий шarti бўлиб қолиши керак»¹.

Дарҳақиқат, «Конституция ва инсон ҳуқуқлари» каби кўп қиррали ва кенг кўламли муаммонинг айрим жиҳатларига кичик бир шарҳ тариқасида битилган ушбу рисола-ўқув қўлланмасида мухтарам ўқувчиларимизга «Инсон ҳуқуқлари» номли ҳаётий зарур илмдан муайян тасаввур берган бўлсак; олдимизга қўйган вазифани баҳоли қудрат бажардик, деб ҳисоблаймиз.

¹ И. А. Каримов. Янгича фикрлаш ва ишлаш — давр талаби. Т., Ўзбекистон, 1997, 119—120-бетлар.

ИЛОВАЛАР

* Иловалар А. Х. Саидов томонидан тузилган.

9.	Янги Европа учун Париж Харгияси	21.11.90. Женева	Парижда 27.11.93 да имзоланган
10.	Тинчлик учун ҳамкорлик: андозавий ҳужжат	10.01.94. Брюссель	Брюсселда 13.07.94 да имзоланган
11.	Болаларнинг яшаб қолиши, ҳимояланиши ва ривожланиши тўғрисида Умумжаҳон Декларацияси	30.09.90. БМТ Нью-Йорк	19.14.94 да имзоланган
12.	Иш давомийлигини ҳафтасига қирқ соатгача камайтириш тўғрисида 47 Конвенция	21.06.35. Женева	06.05.95 № 83 — 1
13.	Йиллик ҳақ тўланадиган таътиллар тўғрисида 52-Конвенция	24.06.36. Женева	06.05.95. № 84-1
14.	Оналикни ҳимоялаш тўғрисида 103 Конвенция	1919, Женева 28.03.52.	06.05.95. № 82-1
15.	Бандлик соҳасидаги сиёсат тўғрисида 122 Конвенция	09.07.64. Женева	06.05.95. № 86-1
16.	Аёлларга нисбатан камситишнинг ҳар қандай шакллариغا барҳам бериш тўғрисида Конвенция	18.12.79. Нью-Йорк	06.05.95. № 87-1
17.	Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида Халқаро пакт	16.12.66. БМТ	31.08.94. № 126-1
18.	Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида Халқаро пакт	16.12.66. БМТ	31.08.95. № 127-1
19.	Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида Халқаро пактга қўшимча протокол	16.12.66. БМТ	31.08.95. № 128-1
20.	Ирқий камситишнинг ҳар қандай шакллариغا барҳам бериш тўғрисида Халқаро Конвенция	21.12.65. БМТ	31.08.95. № 129-1
21.	Қийнаш муомала ва жазонинг бошқа оғир, ноинсоний ёки қадр- қимматни ерга урувчи турларига қарши Конвенция	10.12.84.	31.08.95. № 130-1

**ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ СОҲАСИДА ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ҚУШИЛГАН ХАЛҚАРО КҮПТОМОНЛАМА
ШАРТНОМАЛАР***

№	Ҳужжатнинг номланиши	Имзолаш жойи ва вақти	Қўшилганлик тўғрисида маълумотлар ва вақти (Олий Мажлис қарори)
1.	Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси	10.12.48. БМТ	30.09.91. № 366 — XII
2.	Бола ҳуқуқлари Конвенцияси, 43 модданинг 2 пунктида ўзгартиришлар билан	20.11.89. БМТ	09.12.92. № 757 — XII
3.	Ҳаракатдаги қўшинларда ярадорлар ва касалларнинг тақдирини яхшилаш тўғрисида Конвенция	12.08.49. Женева	03.09.93. № 946 — XII
4.	Ҳарбий асирлар билан муомала қилиш тўғрисида Конвенция	12.08.49. Женева	03.09.93. № 946 — XII
5.	Денгиздаги ҳарбий кучлар таркибида ярадорлар, касаллар ва ҳалокатга учраганларнинг тақдирини яхшилаш тўғрисида Конвенция	12.08.49. Женева	03.09.93. № 946 — XII
6.	Уруш пайтида фуқаро аҳолини ҳимоя қилиш тўғрисида Конвенция	12.08.49. Женева	03.09.93. № 946 — XII
7.	Халқаро ҳарбий зиддиятлар қурбонларига оид 1949 йил 12 август Женева Конвенцияларига қўшимча протокол (1 Протокол)	26.09.77. Женева	03.09.93. № 946 — XII
8.	Халқаро характерга эга бўлмаган ҳарбий зиддиятлар қурбонларига оид 1949 йил 12 август Женева Конвенцияларига қўшимча протокол (2 Протокол)	27.09.77. Женева	03.09.93. № 946 — XII

* Ушбу шартномалар алоҳида тўплам сифатида «Адолат» нашриётида чоп этилди. Қаранг: Республика Ўзбекистан ва международные договоры в области прав человека. Сборник международных договоров по правам человека, к которым присоединилась Республика Узбекистан. /отв. ред. А. Х. Саидов. — Т.: Адолат, 1998.

22.	Мажбурий ёки зарурий меҳнат тўғрисида Конвенция	28.06.30. Женева	30.08.95. № 492-1
23.	Коллектив музокараларни ташкиллаштириш ва олиб боришда ҳуқуқ тамойилларини қўллаш тўғрисида Конвенция	01.07.49. Женева	30.08.97. № 496-1
24.	Бир хил меҳнат учун эркаклар ва аёлларга тенг ҳақ тўлаш тўғрисида Конвенция	29.06.51. Женева	30.08.97. № 493-1
25.	Корхоналарда меҳнаткашлар вакиллари ҳуқуқларини ҳимоялаш ва уларга берилган имкониятлар тўғрисида Конвенция	23.06.71. Женева	30.08.97 № 494-1
26.	Коллектив музокараларга кўмаклашиш тўғрисида Конвенция	19.06.81. Женева	30.08.97. № 495-1
27.	Меҳнат қилиш ва бандлик соҳасида камситиш тўғрисида Конвенция	04.06.58. Женева	30.08.97. № 499-1
28.	Мажбурий меҳнатга барҳам бериш тўғрисида Конвенция	25.06.57. Женева	30.08.97. № 498-1
29.	Аёлларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисида Конвенция	31.03.53. Нью-Йорк	30.08.97. № 501-1
30.	Техник ва мутахассислик таълими тўғрисида Конвенция	10.11.89. Париж	30.08.97. № 502-1
31.	Таълим соҳасидаги камситишга қарши Конвенция	15.12.60. Париж	30.08.97. № 497-1
32.	Халқларнинг тинчлик ҳуқуқи тўғрисида Декларация	БМТ Бош Ассамблея-сининг 12.11.84 кунги, № 39/11-сон резолуцияси	30.08.97. № 503-1
33.	Ривожланиш ҳуқуқи тўғрисида Декларация	БМТ Бош Ассамблея-сининг 04.12.86 кунги, № 41/128-сон резолуцияси	30.08.97. № 504-1

34.	Дин ёки қарашлар асосида чиқишмаслик ва камситишнинг барча шакларига барҳам бериш тўғрисида Декларация	БМТ Бош Ассамблеясининг 25.11.81. кунги, № 36/55-сон резолюцияси ЮНЕСКО Бош конференциясида 04.11.66.	30.08.97. № 505-1
35.	Халқаро маданий ҳамкорлик тамойиллари Декларацияси	Рез. № 34/169 ГА БМТ 17.12.79 дан	30.08.97. № 506-1
36.	Ҳуқуқ-тартибот бўйича масъул мансабдор шахслар Кодекси	БМТнинг жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарлар билан муомала бўйича VII Конгрессида қабул қилинган ва БМТ Бош Ассамблеясининг 29.11.85. кунги № 40/32-сонли ва 13.12.85. кунги № 40/146 сонли резолюциялари билан тасдиқланган	30.08.97. № 507-1
37.	Суд идоралари мустақиллигининг асосий тамойиллари		30.08.97. № 508-1

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИГА
ОИД ҚОНУНЛАРИ РҲИХАТИ***

ШАХСИЙ ҲУҚУҚЛАР

№	Қонунлар номи	Қабул қилинган кун рўйхатдан ўтказилган номери
1.	Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси	8 декабр 1992 й. № 723—XII
2.	Виждон эркинлиги ва диний таълим тўғрисида	14 июн 1991 й. № 289—XII
3.	Таълим тўғрисида	2 июл 1992 й. № 636—XII
4.	Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида	3 июл 1992 й. № 644—XII
5.	Муқобил хизмат тўғрисида	3 июл 1992 й. № 646—XII
6.	Прокуратура тўғрисида	9 декабр 1992 й. № 746—XII
7.	Озодликдан маҳрум этиш жойларидан бўшатиш шартлари ва устидан ички ишлар идораларининг маъмурий назорати тўғрисида	9 декабр 1992 й. № 750—XII
8.	Судлар тўғрисида	2 сентябр 1993 й. № 925—XII
9.	Фуқароларнинг муҳофизатлари тўғрисида	6 май 1994 й. № 1064—XII
10.	Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодекси	22 сентябр 1994 й. № 2012—XII
11.	Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал Кодекси	22 сентябр 1994 й. № 2013—XII
1	Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисида Кодекси	22 сентябр 1994 й. № 2015—XII

* Ушбу қонунлар қуйидаги тўпламларга чоп этилган: Права человека: Единство общечеловеческого и национально-го: Сборник международных договоров и Законов Республики Узбекистан. /Составитель и автор вступительной статьи А. Х. Саидов. — Ташкент: Шарк, 1995. — Т-1, 480 с.; Т-2, 400 с.; Конституционное право Республики Узбекистан; Сборник нормативных актов. Составитель и автор вступительной статьи А. Х. Саидов. — Ташкент: Шарк, 1995. — Т-1, 384 с.; Т-2, 384 с.; Международные конвенции по защите прав человека и борьбе с преступностью: Сборник международных договоров. /Составитель Ю. С. Пулатов. — Ташкент: Шарк, 1995. — 448 с.; Международные конвенции Организации Объединенных Наций по таможенному делу: /Сборник международных договоров. /Составитель Ю. С. Пулатов. — Ташкент: Шарк, 1995. — 606 с.

№	Қонунлар номи	Қабул қилинган куни рўйхатдан ўтказилган номери
13.	Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида	30 август 1995 й. № 108—1
14.	Давлат тили тўғрисида	21 декабр 1995 й. № 168—1
15.	Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик Кодекси.	21 декабр 1995 й. № 163—1

СИЁСИЙ ҲУҚУҚЛАР

1.	Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси	8 декабр 1992 й. № 723 — XII
2.	жамоат бирлашмалари тўғрисида	15 феврал 1991 й. № 223 — XII
3.	Оммавий ахборот воситалари тўғрисида	14 июн 1997 й. № 284—XII
4.	Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида	31 август 1991 й. № 336 — XII
5.	Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида	18 ноябр 1991 й. № 407 — XII
6.	Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида	18 ноябр 1991 й. № 417 — XII
7.	Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида	20 ноябр 1991 й. № 429 — XII
8.	Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида	2 июл 1992 й. № 632 — XII
9.	Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида	2 июл 1992 й. № 639 — XII
10.	Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида	30 август 1995 й. № 103 — I
11.	Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида	2 сентябр 1993 й. № 913—XXII
12.	Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида	2 сентябр 1993 й. № 915 — XII
13.	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида	28 декабр 1993 й. № 990 — XII
14.	Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида	5—6 май 1994 й. № 1050 — XII

№	Қонулар номи	Қабул қилинган куни рўйхатдан ўтказилган номери
15.	Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида	5—6 май 1994 й. № 1051 — XII
16.	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тўғрисида	22 сентябр 1994 й. № 2011 — XII
17.	Ўзбекистон Республикасида депутатларнинг мақоми тўғрисида	5—6 май 1995 й. № 66 — I
18.	Ўзбекистон Республикасида депутатни чақириб олиш тартиби тўғрисида.	26 апрел 1996 й. № 229 — I

ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ ҲУҚУҚЛАР

1.	Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси	8 декабр 1992 й. № 723 — XII
2.	Ер тўғрисида	20 июн 1990 й. № 97 — XII
3.	Савдодаги суистеъмолликлар ва чайқовчилик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида	31 октябр 1990 й. № 139 — XII
4.	Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида	31 октябр 1990 й. № 152 — XII
5.	Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисида	15 феврал 1991. й. № 207 — XII
6.	Ўзбекистон Республикасидаги корхоналар тўғрисида	15 феврал 1991. й. № 229 — XII
7.	Банклар ва банк фаолияти тўғрисида	15 феврал 1991. й. № 205 — XII
8.	Корхоналар, бирлашмалар ва ташкilotлардан олинadиган солиқлар тўғрисида	15 феврал 1991. й. № 225 — II
9.	Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан, ажнабий фуқаролардан ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан олинadиган даромад солиғи тўғрисида.	15 феврал 191. й. № 227 — II
10.	Ўзбекистон Республикасида чет эл инвестициялари тўғрисида	14 июн 1991 й. № 287 — XII
11.	Ўзбекистон Республикасида кооперация тўғрисида	14 июн 1991 й. № 295 — XII
12.	Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида	14 июн 1991 й. № 285 — XII
13.	Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида	19 ноябр 1991 й. № 285 — XII

- | | | |
|-----|--|----------------------------------|
| 14. | Ижара тўғрисида | 19 ноябр 1991 й.
№ 425 — XII |
| 15. | Ҳакамлик суди ва хўжалик низоларини ҳал этиш тартиби тўғрисида | 20 ноябр 1991 й.
№ 443 — XII |
| 16. | Алоқа тўғрисида | 13 январ 1992 й.
№ 512 — XII |
| 17. | Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида | 14 январ 1992 й.
№ 513 — XII |
| 18. | Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида | 13 январ 1992 й.
№ 510 — XII |
| 19. | Давлат санитария назорати тўғрисида | 3 июл 1992 й.
№ 657 — XII |
| 20. | Хўжалик жамиятлари ва ширкатлари тўғрисида | 9 декабр 1992 й.
№ 732 — XII |
| 21. | Аудиторлик фаолияти тўғрисида | 9 декабр 1992 й.
№ 734 — XII |
| 22. | Гаров тўғрисида | 9 декабр 1992 й.
№ 736 — XII |
| 23. | Давлат божи тўғрисида | 9 декабр 1992 й.
№ 740 — XII |
| 24. | Монополистик фаолиятни чеклаш тўғрисида | 2 июл 1992 й.
№ 623 — XII |
| 25. | Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида | 2 июл 1992 й.
№ 625 — XII |
| 26. | Дехқон хўжалиги тўғрисида | 3 июл 1992 й.
№ 654 — XII |
| 27. | Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида | 9 декабр 1992 й.
№ 754 — XII |
| 28. | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида | 6 май 1993 й.
№ 818 — XII |
| 29. | Сугурта тўғрисида | 6 май 1993 й.
№ 833 — XII |
| 30. | Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида | 6 май 1993 й.
№ 837 — XII |
| 31. | Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида | 6 май 1993 й.
№ 839 — XII |
| 32. | Валютани тартибга солиш тўғрисида | 7 май 1993 й.
№ 841 — XII |
| 33. | Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар тўғрисида | 7 май 1993 й.
№ 843 — XII |
| 34. | Давлат уй-жой фондиди хусусийлаштириш тўғрисида | 7 май 1993 й.
№ 846 — XII |
| 35. | Маҳсулот белгилари ва хизмат кўрсатиш белгилари тўғрисида | 7 май 1993 й.
№ 860 — XII |
| 36. | Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво Кодекси | 7 май 1993 й.
№ 863 — XII |
| 37. | Жамиятни ахборотлаштириш тўғрисида | 7 май 1993 й.
№ 868 — XII |
| 38. | Алоҳида муҳофаза этиладиган табиат ҳудудлари | 7 май 1993 й.
№ 871 — XII |
| 39. | Қимматли қозғалар ва фонд биржаси тўғрисида | 2 сентябр 1993 й.
№ 918 — XII |

- | | | |
|-----|---|------------------------------------|
| 40. | Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал Кодекси | 3 сентябр 1993 й.
№ 928 — XII |
| 41. | Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида | 3 сентябр 1993
№ 938 — XII |
| 42. | Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқлар тўғрисида | 28 декабр 1993 й.
№ 994 — XII |
| 43. | Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслардан рўйхатга олганлик учун ундириладиган йиғим ва бундай шахсларни рўйхатга олиш тартиби тўғрисида | 28 декабр 1993 й.
№ 996 — XII |
| 44. | Чет эл инвестициялари ва чел эллик инвесторлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида | 5—6 май 1994 й.
№ 1052 — XII |
| 45. | Банкротлик тўғрисида | 5—6 май 1994 й.
№ 1054 — XII |
| 46. | Қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган операциялардан олинадиган солиқ тўғрисида | 5—6 май 1994 й.
№ 1056 — XII |
| 47. | Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида | 5—6 май 1994 й.
№ 1059 — XII |
| 48. | Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида | 5—6 май 1994 й.
№ 1062 — XII |
| 49. | Ер ости бойликлари тўғрисида | 23 сентябр 1992 й.
№ 2018 — XII |
| 50. | Концессиялар тўғрисида | 30 август 1995 й.
№ 110 — I |
| 51. | Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида | 21 декабр 1995 й.
№ 159 — I |
| 52. | Ўзбекистон Республикасининг меҳнат Кодекси | 21 декабр 1995 й.
№ 161 — I |
| 53. | Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик Кодекси — биринчи қисми | 21 декабр 1995 й.
№ 163 — I |
| 54. | Банклар ва банк фаолияти тўғрисида | 25 апрел 1996 й.
№ 216 — I |
| 55. | Қимматли қоғозлар бозорининг фаолият кўрсатиш механизми тўғрисида | 25 апрел 1996 й.
№ 218 — I |
| 56. | Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида | 25 апрел 1996 й.
№ 220 — I |
| 57. | Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида | 26 апрел 1996 й.
№ 221 — I |
| 58. | Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида | 26 апрел 1996 й.
№ 223 — I |

1. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ

(8 декабрь 1992 йил.)

Кўчирма

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ИНСОН ВА ФУҚАРОЛАРНИНГ
АСОСИЙ ҲУҚУҚЛАРИ,
ЭРКИНЛИКЛАРИ ВА БУРЧЛАРИ

УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

18-модда. Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

Имтиёзлар фақат қонун билан белгиланиб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт.

19-модда. Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқдирлар. Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас.

20-модда. Фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари шарт.

VI боб. ФУҚАРОЛИК

21-модда. Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ягона фуқаролик ўрнатилади.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги, унга қандай асосларда эга бўлганликдан қатъи назар, ҳамма учун тенгдир.

Қорақалпоғистон Республикасининг фуқароси айни вақтда Ўзбекистон Республикасининг фуқароси ҳисобланади.

Фуқароликка эга бўлиш ва уни йўқотиш асослари ҳамда тартиби қонун билан белгиланади.

22-модда. Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз фуқароларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларга ҳомийлик кўрсатишни кафолатлайди.

23-модда. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ таъминланади. Улар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва халқаро шартномалари билан белгиланган бурчларни адо этадилар.

VII боб. ШАХСИЙ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАР

24-модда. Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир.

25-модда. Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга.

Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас.

26-модда. Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади.

Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас.

Ҳеч кимда унинг розилигисиз тиббий ёки илмий тажрибалар ўтказилиши мумкин эмас.

27-модда. Ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашишдан ҳимоялашиш ва турар жойи дахлсизлиги ҳуқуқига эга.

Ҳеч ким қонун назарда тутган ҳоллардан ва тартибдан ташқари бировнинг турар жойига кириши, тинтув ўтказиши ёки уни кўздан кечириши, ёзишмалар ва телефонда сўзлашувлар сирини ошкор қилиши мумкин эмас.

28-модда. Ўзбекистон Республикаси фуқароси Республика ҳудудида бир жойдан иккинчи жойга кўчиш, Ўзбекистон Республикасига келиш ва ундан чиқиб, кетиш ҳуқуқига эга. Қонунда белгиланган чеклашлар бундан мустаснодир.

29-модда. Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга. Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга, амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустаснодир.

Фикр юритиш ва уни ифодалаш эркинлиги фақат давлат сири ва бошқа сирларга тааллуқли бўлган тақдирдагина қонун билан чекланиши мумкин.

30-модда. Ўзбекистон Республикасининг барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслари фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши лозим.

31-модда. Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди.

VIII боб. СИЁСИЙ ҲУҚУҚЛАР

32-модда. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини-ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади.

33-модда. Фуқаролар ўз ижтимоий фаолликларини Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ митинглар, йиғилишлар ва намойишлар шаклида амалга ошириш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳокимият органлари фақат хавфсизлик нуқтаи назаридангина бундай тадбирлар ўтказилишини тўхтатиш ёки тақиқлаш ҳуқуқига эга.

34-модда. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари касба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар.

Сиёсий партияларда, жамоат бирлашмаларида, оммавий ҳаракатларда, шунингдек ҳокимиятнинг вакиллик

органларида озчиликни ташкил этувчи муҳолифатчи шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қадр-қиммати ҳеч ким камситиши мумкин эмас.

35-модда. Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан муурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқирилиши шарт.

IX боб. ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ ҲУҚУҚЛАР

36-модда. Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли. Банка қўйилган омонатлар сир тутилиши ва мерос ҳуқуқи қонун билан кафолатланади.

37-модда. Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир.

Суд ҳукми билан тайинланган жазони ўташ тартибидан ёки қонунда кўрсатилган бошқа ҳоллардан ташқари мажбурий меҳнат таъқиқланади.

38-модда. Елланиб ишлаётган барча фуқаролар дам олиш ҳуқуқига эгадирлар. Иш вақти ва ҳақ тўланадиган меҳнат таътилининг муддати қонун билан белгиланади.

39-модда. Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга.

Пенсиялар, нафақалар, ижтимоий ёрдам бошқа турларининг миқдори расман белгилаб қўйилган тирикчилик учун зарур энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмас.

40-модда. Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

41-модда. Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга.

Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади.

Мактаб ишлари давлат назоратидадир.

42-модда. Ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади.

Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади.

X боб. ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ

43-модда. Давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустақкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди.

44-модда. Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.

45-модда. Вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлик ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир.

46-модда. Хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидирлар.

XI боб. ФУҚАРОЛАРНИНГ БУРЧЛАРИ

47-модда. Барча фуқаролар Конституцияда белгилаб қўйилган бурчларини бажарадилар.

48-модда. Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар.

49-модда. Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий маънавий ва маданий меросини авайлаб асрашга мажбурдирлар.

Маданият ёдгорликлари давлат муҳофазасидадир.

50-модда. Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар.

51-модда. Фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашга мажбурдирлар.

52-модда. Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш — Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир. Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ
МАЖЛИСИНИНГ 1997 ЙИЛ 29 АВГУСТ
466-1-СОН ҚАРОРИ БИЛАН ТАСДИҚЛАНГАН**

**Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш
Миллий дастури**

Ўзбекистон демократик ҳуқуқий давлатни қуриш ва соддатли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўли дан дадил бориб, жаҳон ҳамжамиятида мустақкам ўрин эгалламоқда. Барқарорлик ва тартиб, миллатлараро то-тувлик ва фуқаролар аҳиллиги туфайли ёш давлатимиз ишонч ва ҳурматга сазовор бўлмоқда.

Мамлакатимизда иқтисодиёт, сиёсат, давлат қурили-ши, ҳуқуқий тизим ва жамиятни маънавий ўзгартириш соҳасида кенг кўламли ислоҳотлар ўтказилмоқда. Ўт-казилаётган ислоҳотларнинг қонуний замини яратилди. Ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг ҳуқуқий асослари изчиллик билан мустақкамланмоқда ва такомиллаштирилмоқда.

Ватанимизнинг ривожланиши ва ислоҳотларнинг му-ваффақияти кўп жиҳатдан халқнинг ҳуқуқий онги ҳам-да ҳуқуқий маданияти даражасига боғлиқдир. Шахс-нинг сиёсий фаоллиги, унинг чинакам фуқаровий муно-сабати, демократик ислоҳотларга интилувчанлиги бел-гиланган мақсадларга тезроқ эришишнинг муҳим оми-лидир.

Юксак ҳуқуқий маданият — демократик жамият пой-девори ҳамда ҳуқуқий тизим етукликнинг ифодасидир. У жамиятдаги турли хил ҳаётий жараёнларга фаол таъ-сир кўрсатувчи, фуқароларнинг, барча ижтимоий гуруҳ-ларнинг жипслашувига кўмаклашувчи, жамиятнинг ях-литлиги ҳамда батартиблигини таъминловчи ва мустақ-камловчи омилдир. Қонунни ҳурмат қилиш ҳуқуқий жа-миятнинг, сиёсий ва ҳуқуқий тизимлар самарали фао-лият кўрсатишининг асосий талабларидан бири ҳисоб-ланади.

Ҳуқуқий маданият — умумий маданиятнинг ажрал-мас таркибий қисми. Инсонлар онгида шундай ишонч қарор топиши керакки, ҳуқуқий билимларга эга бўлган ва уларни амалиётда татбиқ эта оладиган кишигина ма-даниятли ва билимли деб ҳисобланиши мумкин.

Жамият ва давлат тараққиётининг ҳозирги ҳолати ҳуқуқий муносабатлар барча иштирокчиларининг ҳуқуқий маданиятини, ҳуқуқий саводхонлигини ҳар томонлама оширишни талаб қилмоқда. Ҳуқуқий маданият ҳуқуқий билим, ҳуқуқий эътиқод ва изчил амалий фаолият мажмуи сифатида жамият ва давлат олдида турган вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилишини таъминлайди.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳаётни демократлаштириш учун шарт-шароитлар яратиш ва ҳуқуқий давлат асосларини шакллантириш заруриятидан келиб чиққан ҳолда ушбу Миллий дастур қабул қилинмоқда.

Умумий қоидалар

Миллий дастурнинг мақсади аҳолининг барча қатламлари ҳуқуқий саводхонликка эришишлари, юксак даражадаги ҳуқуқий онгга эга бўлишлари ҳамда ҳуқуқий билимларини кундалик ҳаётда қўллай олишлари учун ҳуқуқий маданиятни шакллантиришнинг кенг қамровли мунтазам тизимини яратишдир.

Кўрсатилган мақсадга эришишда асосий вазифалар қуйидагилардан иборат:

ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқий тарбия тизимини тақомиллаштириш;

барча давлат органлари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг қонунга ҳамда ҳуқуққа ҳурмат билан муносабатда бўлишига эришиш;

аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш;

фуқароларнинг ижтимоий-ҳуқуқий фаоллигини таъминлаш.

Ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ва юксалтириш соҳасидаги давлат сиёсати қуйидаги принципларга асосланади: инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг устуворлиги; Конституция ва қонуннинг устунлиги; демократияга асосланганлик; ижтимоий адолат; илмийлик; узлуксизлик; ҳуқуқий тарбиядаги ворислик ҳамда умумийлик; ҳуқуқий ахборотнинг ҳамма учун очиқлиги; ҳуқуқий тарбия ва ҳуқуқий маорифнинг бирлиги ҳамда уларга табақалаштирилган ёндашув.

Юксак ҳуқуқий маданиятни шакллантириш бўйича давлат сиёсатининг устувор йўналишлари қуйидагилардан иборат:

фуқаро, жамият ва давлатнинг ўзаро муносабатларида аҳолининг ҳуқуқий маданияти ҳамда ижтимоий фаоллиги юксалишини таъминлаш;

аҳолининг ҳуқуқий маданиятини шакллантиришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш;

аҳолини ҳуқуқий ахборот билан таъминлаш, илмий-оммабоп юридик адабиётлар нашр қилиниши ва тарқатилишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш;

ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқий тарбия воситалари ва усулларини такомиллаштириш;

юридик таълим, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг замонавий тизимини ривожлантириш;

ҳуқуқий маданиятнинг илмий асосларини тадқиқ этишни рағбатлантириш, ижтимоий-ҳуқуқий тадқиқотларни ташкил этиш;

миллий анъаналар ҳамда жаҳон тажрибасидан фойдаланиш асосида аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини шакллантириш.

Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш бўйича давлат сиёсатини муваффақиятли амалга ошириш, бир томонидан, жамиятнинг ҳар бир аъзоси ҳуқуқий билимларнинг муайян даражасини ўзлаштириб олиши учун зарур бўлган шарт-шароит яратишни, иккинчи томондан — турли ижтимоий гуруҳларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ҳуқуқий маорифни табақалаштиришни назарда тутади.

Фуқаро, жамият ва давлатнинг ўзаро муносабатларида аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий фаоллигини юксалтириш

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси шахс ва давлат ўзаро масъуллигининг ҳуқуқий асосларини мустақкамлаб қўйган. «Инсон — давлат» муносабатларида устуворлик инсонга тегишли. Давлат ҳокимияти органларининг фаолияти инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилишга қаратилиши лозим.

Инсон ҳуқуқлари — инсонпарвар демократик ҳуқуқий онгнинг ўзагидир. Ҳуқуқий онг даражаси — бу одам-

ларнинг ҳуқуқлардан шунчаки хабардорлиги, қонунларни билишигина эмас. Бу, энг аввало, қонунларга риоя этиш ва уларни бажаришга тайёрлик, қонунга итоаткорлик, ҳуқуқни ва одил судловни ҳурмат қилишдир.

Мукаммал қонун ҳужжатлари ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг муҳим шarti, ҳуқуқий давлат қарор топишининг зарурий белгиси ҳисобланади. Мамлакатимиз қонун ҳужжатларини инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро нормалар ва стандартларга изчиллик билан мувофиқлаштириб бориш зарур. Қонунлар ҳаётий, амалиёт билан узвий боғлиқ бўлиши ва унда келиб чиқиши лозим. Бунда қонунлар тўғридан-тўғри амал қилиш кучига эга бўлиши керак. Ижро этувчи органлар қонун ости ҳужжатларини қонунларга қўшимча киритиш сифатида эмас, балки уларнинг ижросини таъминлаш учунгина қабул қилишлари мумкин.

Демократик ислохотларни монанд ҳуқуқий таъминлашнинг энг муҳим шarti қонунчиликнинг изчил бўлишидир. Қонунлар ўзаро қатъий мувофиқлашиши, Конституцияга асосланиши, миллий ҳуқуқий тизимнинг ривожланишига кўмаклашиши лозим.

Қонунчилик тизимини такомиллаштириш билан бир қаторда қонунларнинг ҳаётга аниқ ва изчил татбиқ этилишига, уларга қатъий ҳамда оғишмай риоя қилинишига эришиш зарур. Ҳеч бир давлат органи, мансабдор шахс ва инсон қонунга бўйсунитиш мажбуриятидан озод қилиниши мумкин эмас.

Давлат томонидан ҳамда жамоатчилик тузилмалари фаолиятини кучайтириш орқали қонунларни рўёбга чиқаришнинг таъсирчан механизмини яратиш муҳим аҳамият касб этади. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши устидан бошқарув ҳамда назоратнинг янги самарали воситаларини шакллантириш зарур.

Қонунчиликда ички уйғунликнинг мавжудлиги, турли ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасида зиддиятнинг йўқлиги, қонунларга оғишмай риоя этилишини таъминловчи таъсирчан механизмлар яратилганлиги фуқароларни қонунларга итоаткорлик руҳида тарбиялаш, ҳар кимда қонунга ҳурмат туйғусини шакллантириш учун зарурдир.

Инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларни самарали ҳимоя қилишни, биринчи навбатда, суд орқали ҳимоя қилишни таъминлаш Ўзбекистонда амалга ошири-

лаётган ҳуқуқий ислоҳотнинг энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади, Ҳар бир кишининг қонунийлик ва адолат тантана қилишига бўлган қатъий ишончи шунга асосланиши керакки, қонунни бузган шахс жазосиз қолмайди ва ҳар ким бузилган ҳуқуқи тикланишини ҳамда унга етказилган моддий ва маънавий зарарнинг қопланишини талаб қилишга ҳақлидир.

Аҳоли ҳуқуқий маданият даражасининг оширилиши қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳоқимияти ходимларининг билимдонлигига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий маданият даражаси жамоат бирлашмалари, жамғармалар, иттифоқлар, уюшмалар, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг кенг тармоғи мавжудлиги ҳамда бу демократик тузилмаларнинг муайян шахс ва жамиятнинг ҳуқуқларини таъминлашдаги ижтимоий фаоллиги билан белгиланади.

Фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда касаба уюшмалари, ёшлар ва хотин-қизлар ташкилотлари муҳим ўрин тутати. Улар ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқий тарбиянинг турли шаклларида янада самарали фойдаланишлари, фуқароларнинг ижтимоий-ҳуқуқий фаоллигини кучайтиришга катта ҳисса қўшишлари лозим.

Жамоат бирлашмалари аҳолининг турли ижтимоий гуруҳларига тегишлича ҳуқуқий ёрдам кўрсатишга, жамоатчилик юридик маслаҳатхоналари ташкил этишга, инсон ҳуқуқлари, ижтимоий маслаҳатхоналари ташкил этишга, инсон ҳуқуқлари, ижтимоий масалалар, пенсия таъминоти, никоҳ-оила муносабатлари бўйича қонунлар тўпламларини нашр этишга, юридик маълумотномалар, шунингдек турли касбдаги ходимларга мўлжалланган илмий-оммабоп ҳуқуқий адабиётлар чиқаришга алоҳида эътибор беришлари керак.

Ҳуқуқий тарбиянинг умумийлиги ва ҳуқуқий ахборотнинг ҳамма учун очиқлиги принципини рўёбга чиқаришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шу жумладан маҳаллаларнинг роли беқиёсдир. Улар аҳолининг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш ва ҳуқуқий онгини оширишга бевосита ҳамда муттасил таъсир кўрсатишлари даркор.

Жамият ва давлат фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини юксалтиришга, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга ёрдам берадиган инсон

ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар, турли жамоатчилик ҳаракатлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ташкилотларнинг фаолият йўришига қўмаклашади.

Халқни ҳуқуқий маърифатли қилишда профессионал юристлар ва уларнинг бирлашмалари муносиб ўрин эгаллашлари лозим. Демократик жамият юқори малакали юристларга эҳтиёж сезади. Уларнинг касбий фазилатлари ва билимларидан фойдаланиш жамиятнинг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгига улкан ижобий-таъсир кўрсатишга қодир. Ўзбекистон юристлар уюшмасининг ташкил этилиши ва унинг таркибига кирадиган юристларнинг турли касбий бирлашмалари (судьялар, адвокатлар, ҳуқуқшунос олимлар иттифоқлари ва бошқалар) тузилиши ушбу Дастур вазифаларини рўёбга чиқаришда, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишда, шунингдек, юристларнинг касбга доир манфаатларини таъминлашда муҳим ўрин тутган бўлур эди. Аҳолини ҳуқуқий маърифатли қилиш ишига профессионал юристларнинг кучларини жалб қилиш юристлар уюшмасининг энг муҳим вазифаларидан биридир.

Ҳуқуқий тарбияни қўллаб-қувватлаш бўйича ҳукуматга қарашли бўлмаган жамғарманинг тузилиши жамиятнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш ишига катта ҳисса қўшиши мумкин.

Оммавий ахборот воситалари ҳуқуқий билимлар ва ҳуқуқий маданиятни оммага изчил тарқатишлари лозим. Оммавий ахборот воситалари ижтимоий-фикр ва ҳуқуқий маданиятни шакллантирувчи демократик институтлар бўлгани учун ҳам уларнинг бу борадаги фаолиятини кучайтириш зарурияти борган сари кўпроқ сезилмоқда.

Фуқароларнинг ҳуқуқий таълими ва ҳуқуқий тарбиясини такомиллаштириш

Жамият ва давлат ижтимоий фаол ва қонунга итоаткор фуқароларни тарбиялашдан манфаатдордир. Давлат жамият маданий ҳаётининг таркибий қисми бўлмиш ҳуқуқий маданият тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилади.

Ҳуқуқий таълимнинг мақсади ҳар бир кишига амалий фаолиятда зарур бўладиган ҳуқуқий билимларни белгиланган давлат стандартларидан кам бўлмаган ҳажмда олиш имкониятини беришдан иборатдир.

Тарбиявий ва ўқув ишлари шахснинг ҳуқуқий онг даражасини инсон, жамият, давлат манфаатларига жавоб берадиган энг умумий юридик принциплар ва нормаларни англаб етишга қадар оширишга йўналтирилиши лозим.

Ҳуқуқий таълим узлуксиз бўлиб, ёшлиқдан бошлаб бериб борилиши лозим. Болалар мактабгача тарбия муассасаларидаёқ хулқ-атвор қоидаларидан хабардор бўлиши, маънавий ва баъзи ҳуқуқий нормалар тўғрисида бошланғич тушунчалар олиши, келгусида ўқув давомида бу билимлар кенгайтирилиши ва чуқурлаштирилиши, аниқ ифодаланган ҳуқуқий хусусият касб этиши зарур.

Ҳуқуқий ахборотдан барчанинг эркин фойдалана олишини таъминлаш, ҳар кимга ўзининг ҳуқуқий билимларини ошириш учун реал шароит яратиш фуқароларга ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини тегишли тарзда амалга ошириш, бурчларини бажариш, жамиятнинг сиёсий ҳаётида онгли ва фаол иштирок этиш имконини беради.

Ҳуқуқий тарбиянинг ўтмишдан қолган фақат бир томонлама ахборот бериш — маърифатчиликка йўналтирилганлигини бартараф этиб, уни қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилиш вазифалари билан узвийроқ боғлаш зарур.

Шуни муттасил назарда тутиш керакки, ҳуқуқий тарбия инсонларни ҳуқуқ, қонунийлик руҳида тарбиялаш, ҳуқуқий маърифат, қонунга ҳамда ҳуқуққа нисбатан ижобий муносабатни шакллантириш билан чекланиб қолмай, балки шахснинг ижтимоий-ҳуқуқий фаоллигида, унинг ҳуқуқий маданиятида ўзининг тугал ифодасини топади.

Аҳолининг ҳуқуқий тарбияси ва таълимини тақомиллаштиришга таълим ва тарбиянинг ҳали фойдаланилмаган механизмларини яратиш, улардан самарали фойдаланиш, тарбия ва таълимнинг янги шакллари ва воситаларини жорий этиш, моддий-техника негизини кучайтириш йўли билан эришилади.

Ҳуқуқий тарбия ва таълимни кучайтиришнинг асосий чоралари қуйидагилардан иборат:

давлат ҳуқуқий тарбия ва таълимнинг асосий ташкилотчиси сифатида таълим ва тарбиянинг усуллари ва воситаларини, бу фаолият билан бевосита шуғулланаётган муассасалар тузилмасини мунтазам равишда та-

жомиллаштириб боради, ҳуқуқий тарбия ва ҳуқуқий таълимнинг муқобил тизимларини шакллантиришга ёрдам беради;

аҳоли ҳуқуқий маданиятини ошириш борасида давлат тузилмалари ва жамоат бирлашмаларининг кенг ҳамкорлигини таъминлаш; ушбу фаолиятни мувофиқлаштириш, кечиктириб бўлмайдиган ва истиқболдаги вазифаларни аниқлаш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва юристлар жамоат бирлашмалари фаолиятининг энг муҳим йўналишларидан бўлиб қолишига эришиш;

ҳуқуқий тарбия ва таълимнинг таълим-тарбия муассасалари томонидангина эмас, балки ҳуқуқий муҳофаза қилувчи органлар, давлат органларининг ва корхоналарнинг (муассасалар, ташкилотларнинг), шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг юридик хизматлари ходимлари иштирокида ҳам амалга оширилиши;

ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқий тарбиянинг уларни мактабгача тарбия муассасаларида, умумтаълим мактабларида олиб борилишини назарда тутувчи норматив ва ўқув-услубий мезонларни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ҳамда янги ўқув фанларини жорий қилиш;

ҳуқуқий фанлар асосларини чуқур ўргатадиган ўқув юртлари ва уларда тайёрланадиган юридик кадрларнинг сонини иқтисодий, ижтимоий, демографик вазият ва жамиятнинг тегишли мутахассисларга бўлган эҳтиёжини белгиловчи бошқа омиллар эътиборга олинган ҳолда аниқлаш;

дарсликлар, ўқув қўлланмалари ва бошқа адабиётлар тайёрлаш ва нашр этишни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтириш;

таълим тарбия муассасаларига дахлдор бўлмаган шахсларнинг (ишчилар, хизматчилар, уй бекалари, пенсионерлар, ҳарбий хизматчилар ва бошқаларнинг) ҳуқуқий тарбияси ва ҳуқуқий таълими тизимини такомиллаштириш. Бу ишга давлат юридик ўқув юртлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, илмий-тадқиқот институтлари, ҳуқуқшунос олимлар ва бошқаларни жалб қилиш;

юридик ўқув юртларининг моддий-техника негизини мустаҳкамлаш.

Мамлакатда фуқаролик жамиятини шакллантириш, сиёсий — ҳуқуқий тизимни такомиллаштириш шароитлари ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг янги воситалари ва усулларини жорий этиш лозим.

Ҳуқуқий маданиятни шакллантиришнинг восита ва усулларини такомиллаштириш мақсадида:

фуқаролар билан олиб бориладиган ҳуқуқий ишлар савиясини ошириш ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ва ўқув юртларининг кадрлар билан етарли таъминланишига эришиш;

мансабдор шахсларнинг ҳуқуқий билими ва ҳуқуқий маданияти даражасига нисбатан алоҳида талаблар ишлаб чиқиш керак. Чунки улар қонунларни қатъий ижро этишга, ҳуқуқнинг сўзсиз амал қилишини таъминлашга, ҳуқуқий сиёсатни шакллантириш ва амалга оширишга даъват этилганлар.

Ҳуқуқий билимларни давлат идораларигина эмас, балки жамоат бирлашмалари томонидан ҳам оммалаштириш жамиятда ҳуқуқий маданиятни оширишнинг янги шакллари жумласига киради. Юридик ўқув юртлари ҳамда ҳуқуқ соҳасида илмий муассасалари бўлмаган шаҳарларда ва қишлоқ жойларда ҳуқуқий таълимни ташкил этишга алоҳида эътибор бериш лозим.

Ҳуқуқий билимларни оммавий ахборот воситалари орқали тарғиб қилиш тизимини такомиллаштириш, барчага мўлжалланган юридик адабиётларни нашр этиш ҳуқуқий маданиятни оширишга кўмаклашади.

Давлат органлари ходимлари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш

Қонун ҳужжатларини қўлланиш амалиёти шуни яққол кўрсатадики, талайгина ҳуқуқбузарликлар, шу жумладан мансабдор шахслар томонидан фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари камситилиши ҳоллари ҳуқуқий билимнинг етарли эмаслиги, ҳуқуқий маданият даражаси пастлиги оқибатидир. Айнан шу сабабли, ҳуқуқлари бузилган фуқаролар ўз ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг қонун ҳужжатларида назарда тутилган механизмидан, шу жумладан мансабдор шахсларнинг қонунга хилоф хатти-ҳаракатлари ва қарорлари устидан судга шикоят қилиш имкониятидан камдан-кам фойдаланадилар.

Ҳуқуқни писанд қилмасликка барҳам бериш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш ҳуқуқий ахборот-

дан фойдалана олиш имкониятини амалда таъминлашни талаб қилади. Бу жиҳатдан қонунларни ва, айниқса, идоравий норматив ҳужжатларни ўз вақтида нашр этиш зарур. Адлия вазирлиги томонидан чиқарилаётган «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатлари Ахборотномаси»нинг тиражини кўпайтириш ва унга эркин обуна бўлишини таъминлаш лозим. Ҳуқуқнинг айрим тармоқлари бўйича, шунингдек аҳолининг муайян гуруҳларига мўлжалланган норматив ҳужжатларнинг мавзуйий тўпламларини нашр этиш ҳуқуқий ахборотдан фойдалана олишни таъминлашга катта ҳисса қўшган бўлур эди.

Замонавий ахборот таъминоти компьютер технологияларидан кенг фойдаланишни тақозо қилади. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг илмий асосланган ягона маълумотнома тизимини ишлаб чиқиш ва ундан муштарийларнинг бемалол фойдалана олишини таъминлаш зарур.

Кенг ўқувчилар доирасига ҳам, аҳолининг айрим гуруҳларига, шу жумладан мансабдор шахсларга ҳам мўлжалланган оммабоп маълумотнома адабиётларни нашр этишни анча кўпайтириш аҳолини ахборотлар билан таъминлашни яхшилаш ва ҳуқуқий маданиятини оширишнинг муҳим йўналишига айланмоғи лозим. Амалдаги қонун ҳужжатларини қўлланиш масалаларини тушунтириб берадиган ва давлат органлари ходимларига, шунингдек давлатга қарашли бўлмаган ташкилотларнинг раҳбарларига мўлжалланган шарҳлар ва амалий қўлланмаларни нашр этишга алоҳида эътибор қаратиш керак.

Аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини таъминлашда оммавий ахборот воситалари катта аҳамиятга эга. Уларнинг ҳуқуқий мавзуларга эътиборини кучайтириш, аҳоли ўртасида кўпроқ кўтарилаётган юридик масалаларни даврий нашрлар саҳифаларида, телевидение ва радио эшиттиришларида тушунтириб бериш борасида ҳиссасини кескин ошириш зарур.

Давлат хизматчиларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимида, улар фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб, ҳуқуқий билим асосларини албатта ўқитиш мақсадга мувофиқдир.

Турли тоифадаги ходимлар малакасини ошириш табақалаштирилган бўлмоғи лозим. Авваламбор, инсоннинг касбий тайёргарлигини оширишга интилиш керак.

Турли касбдагилар ўз фаолиятларида оқилона қўллай оладиган тарзда ҳуқуқий билимга эга бўлинлар. Давлат органлари ва уларнинг таркибий бўлинмалари раҳбарларига қўйиладиган талаблар ва малака тавсифномалари, даставвал инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига оид ҳуқуқий билимларнинг зарур даражасини назарда тутиши керак.

Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ўқув юртлари ва маҳаллаларда фуқаролар билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ходимлари адвокатлар ва ҳуқуқшунос олимларнинг учрашувларини ташкил этиш аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга кўмаклашади.

Юридик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш

Изчил, узлуксиз, ўзаро боғлиқ, замонавий талабларга жавоб берадиган юридик таълим тизимини яратиш жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг йўналишларидан биридир.

Таълимнинг барча босқичларини қамраб оладиган ўқув комплексларини ташкил этиш кадрларни тайёрлаш ва уларни қайта тайёрлашни такомиллаштиришнинг муҳим воситасидир.

Ҳозирда ва истиқболда қанча ва қандай ихтисосликлар бўйича ҳуқуқшунос мутахассислар керак деган масалани ҳал этмасдан туриб, юридик таълимнинг ислоҳотини тасаввур қилиб бўлмайди. Шу муносабат билан олий ва ўрта махсус юридик маълумотли мутахассислар эгаллаши лозим бўлган лавозимлар рўйхатини белгилаш биринчи даражали аҳамиятга эга. Бундай рўйхатни ишлаб чиқиш чоғида тегишли малакадаги юридик кадрларни тайёрлашга қаратилган тадбирлар тизимини ва уларни амалга оширишнинг мақбул муддатларини белгилаб қўйиш муҳим.

Илмий асосланган ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва юридик таълимнинг ихтисослашувини изчил амалга ошириш юридик кадрларни тайёрлаш тизимини ислоҳ қилишнинг зарур шартидир.

Юридик кадрлар тайёрлашни ихтисослаштириш, бир томондан, тегишли ўқув фанларини чуқур ўрганишни, иккинчи томондан, ҳуқуқшунослик истисослиги бўйича кадрлар тайёрлашни амалга ошираётган барча ўқув

юртлари учун мажбурий бўлган таянч юридик фанлар рўйхатини белгилаб қўйишни назарда тутати. Ўқув режаларида ана шу мажбурий фанлар туркуми бўлмаса ёки қисқартирилган бўлса, тегишли ўқув юрти юридик кадрлар тайёрлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниши керак.

Аҳолига ҳуқуқий таълим бериш ва ҳуқуқий тарбия ишларини ташкил этиш, сифатини ошириш, бўлғуси юристларда зарур кўникмаларни шакллантириш мақсадида юридик олий ўқув юртларининг ўқув режаларида ҳуқуқий маърифатнинг илмий асослари ва услубиётлари курси бўйича машғулотлар ўтказишни назарда тутиш шарт.

Юридик ўқув юртларига абитуриентлар қабул қилиш тизимини такомиллаштириш малакали юридик кадрлар тайёрлашни таъминлашнинг таркибий қисмига айланмоғи лозим. Юридик ўқув юртларига абитуриентлар танлаб олишда уларнинг таҳлил этиш, мантиқий фикрлаш, ностандарт вазиятларни танқидий баҳолай олиш, хулоса чиқариш, ўз нуқтаи назарини асослай олиш қобилиятларини, уларнинг оғзаки ва ёзма нутқ маҳоратини аниқлаш зарур, шу мақсадда тест синовидан ўтказиш билан бир қаторда уларнинг тегишли қобилиятларини аниқлашга имкон берадиган ижодий имтиҳон топширишларини назарда тутиш керак бўлади.

Юридик таълимни такомиллаштириш ўқув жараёнини ислоҳ қилишни, ўқитишнинг илғор воситалари ва усулларида кенг фойдаланишни, таълимнинг амалиёт билан узвийлигини кучайтиришни талаб қилади. Зеро, юрист нафақат муайян билимлар мажмуига эга бўлиши, балки бу билимларни амалиётда қўллай олиши зарур.

Ўқув жараёнида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашнинг ҳуқуқий механизмига, Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат қарор топиши ва фуқаролар жамияти шаклланиши масалаларига, иқтисодий ислохотларнинг ҳуқуқий асосларига жиддий эътибор қаратилиши керак.

Юридик ўқув юртини тамомлаш ва давлат имтиҳонларини топширишга битирувчининг тегишли таълим курсидан ўтганлиги ва муайян билим олганлигининг тасдиғи сифатида қарамоқ керак. Битирувчиларга ихтисослик бўйича ишлаш имконияти эса улар стажировкадан ўтганидан ва олинган билимларни иш жараёнида

қўллай олишидан далолат берувчи малака имтиҳонини топширганидан кейингина берилади.

Илмий ва педагог кадрлар тайёрлаш сифатини яхшилаш юридик таълимнинг замонавий бирламчи жиҳати, энг муҳим шарт ҳисобланади. Илмий ва педагог кадрлар тайёрлашдаги номутаносиблик шунга олиб келдики, республикада ҳуқуқнинг қатор соҳалари (молия, меҳнат, халқаро ҳуқуқ, ижтимоий таъминот ҳуқуқи ва бошқалар) бўйича илмий ва педагог ходимлар етишмаслиги жиддий сезилмоқда.

Тегишли мутахассислар тақчиллиги юридик кадрлар тайёрлашни, бинобарин, бир қатор амалий вазифаларни, шу жумладан бозор ислоҳотларини ҳуқуқий таъминлаш билан боғлиқ вазифаларни ҳал этишни анчагина қийинлаштиради. Мутахассислар тақчиллиги сезилаётган ҳуқуқ соҳалари бўйича илмий ва педагог кадрлар тайёрлашнинг устувор йўналишларини белгилаб олиш зарур.

Ҳуқуқшуносларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш узлуксиз юридик таълим тизимининг мажбурий босқичига айланиши керак. Юридик таълим ва илмий ташкилотларнинг амалиёт билан уйғунлигини кучайтириш мақсадида илмий ва педагог ходимлар ўз мутахассисликлари бўйича албатта судларда, прокуратура, ички ишлар органларида, бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда, шунингдек корхоналарда, адвокатлар бюrolари, ҳайъатлари ва фирмаларида стажировкадан ўтишини назарда тутиш керак.

Ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг илмий асосларини тадқиқ этиш

Ҳуқуқий маданиятнинг моҳияти, мазмуни, таркибий гузилиши ва намоён бўлишининг фалсафий, ижтимоий, иқтисодий, психологик ва юридик муаммоларини тадқиқ этиш, уни шакллантириш ва янада юксалтириш усулларини аниқлашга илмий изланишларнинг устувор йўналиши деб қаралмоғи лозим.

Шахс умумий ва ҳуқуқий маданиятининг ўзаро боғлиқлиги; ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий феъл-атвор; ижтимоий онгни шакллантиришда ҳуқуқнинг ўрни; ҳуқуқий тарбия ва аҳолининг ижтимоий фаоллиги; ҳуқуқий онгга таъсир этиш шакллари ва усуллари; ҳуқуқий

онгдаги ижтимоий бузилиш ва салбий ўзгаришлар; аҳолининг турли қатлам ва ижтимоий гуруҳларининг ҳуқуқий маданияти каби долзарб муаммолар бўйича илмий тадқиқотлар ўтказилиши аниқса долзарбдир.

Ҳуқуқий маданият муаммоларини тадқиқ этишнинг социологик негизини ривожлантириш, умуман жамиятдаги ҳуқуқий маданият ва аҳолининг турли қатламлари ҳуқуқий маданияти ҳолатининг ҳақиқий манзарасини аниқлаш учун сўровлар ўтказиш ва ҳуқуқ, унинг ижтимоий қадри ҳамда тартибга солувчанлик вазифаси тўғрисида жамоатчилик фикрини аниқлашнинг бошқа усуллари қўлланиш зарур.

Ҳуқуқий маданиятни шакллантиришнинг педагогик муаммоларини тадқиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоғи лозим. Хайқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари манфаатдор ташкилотларнинг иштирокида ёшларни ҳуқуқий тарбиялашнинг илмий асосланган услубиётини ишлаб чиқишлари керак.

Ўзбекистон Республикасининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб, хорижий давлатлардаги ҳуқуқий маданиятни оширишга доир илмий тадқиқотларнинг натижаларини нашр этиш ва улардан фойдаланишни кенгайтириш, бу соҳада илмий ахборот айирбошлашни йўлга қўйиш муҳимдир.

Илмий-амалий конференциялар, семинарлар ўтказиш, илмий, илмий-оммабоп адабиётлар ва маълумотлар нашр этишни кўпайтириш аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш масалалари бўйича олиб бориладиган илмий тадқиқотларни кучайтириш, илмий билимларни омалаштириш ишига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилмоғи керак.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING «ТАЪЛИМ ТЎҒРИСИДА»

Қ О Н У Н И

І. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади.

Ушбу Қонун фуқароларга таълим, тарбия бериш, касб-ҳунар ўргатишнинг ҳуқуқий асосларини белгилайди ҳамда ҳар кимнинг билим олишдан иборат конституциявий ҳуқуқини таъминлашга қаратилган.

2-модда. Таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатлари.

Таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун дан ҳамда бошқа қонун ҳужжатларидан иборат.

Қорақалпоғистон Республикасида таълим соҳасидаги муносабатлар Қорақалпоғистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатларидагидан ўзгача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари.

Таълим Ўзбекистон Республикаси ижтимоий тараққиёти соҳасида устувор деб эълон қилинади.

Таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

таълим ва тарбиянинг инсонпарвар, демократик характерда эканлиги;

Таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллиги;

умумий ўрта, шунингдек ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг мажбурийлиги;

ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишини: академик лицейда ёки касб-ҳунар коллежида ўқишни танлашнинг ихтиёрийлиги;

таълим тизимининг дунёвий характерда эканлиги;

давлат таълим стандартлари доирасида билим олишнинг ҳамма учун очиқлиги;

таълим дастурларини танлашда ягона ва табақалаштирилган ёндашув;

билимли бўлишни ва истеъдодни рағбатлантириш;

таълим тизимида давлат ва жамоат бошқарувини уйғунлаштириш.

4-модда. Билим олиш ҳуқуқи.

Жинси, тили, ёши, irqий, миллий мансублиги, эътиқоди, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, хизмат тури, ижтимоий маъқеи, турар жойи, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қанча вақт яшаётганлигидан қатъи назар ҳар кимга билим олишда тенг ҳуқуқлар кафолатланади.

Билим олиш ҳуқуқи:

давлат ва нодавлат таълим муассасаларини ривожлан-
тириш;

ишлаб чиқаришдан ажралган ва ажралмаган ҳолда
таълим олишни ташкил этиш;

таълим ва кадрлар тайёрлаш давлат дастурлари асо-
сида бепул ўқитиш, шунингдек таълим муассасаларида
шартнома асосида тўлов эвазига касб-ҳунар ўргатиш;

барча турдаги таълим муассасаларининг битирувчи-
лари кейинги босқичдаги ўқув юртларига киришда тенг
ҳуқуқларга эга бўлиши;

оилада ёки ўзи мустақил равишда билим олган фу-
қароларга аккредитациядан ўтган таълим муассасала-
рида экстернат тартибида аттестациядан ўтиш ҳуқуқи-
ни бериш орқали таъминланади.

Бoshқа давлатларнинг фуқаролари Ўзбекистон Рес-
публикасида халқаро шартномаларга мувофиқ билим
олиш ҳуқуқига эга.

Республикада истиқомат қилаётган фуқаролиги бўл-
маган шахслар билим олишда Ўзбекистон Республика-
си фуқаролари билан тенг ҳуқуқларга эга.

**5-модда. Педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳу-
қуқи.**

Тегишли маълумоти, касб тайёргарлиги бор юксак
ахлоқий фазилатларга эга бўлган шахслар педагогик
фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга.

Педагог ходимларни олий ўқув юртларига ишга қа-
бул қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳқа-
маси тасдиқлаган Низомга мувофиқ танлов асосида
амалга оширилади.

Педагогик фаолият билан шуғулланиш суд ҳукмига
асосан ман этилган шахсларнинг таълим муассасалари-
да бу фаолият билан шуғулланишига йўл қўйилмайди.

6-модда Таълим муассасасининг ҳуқуқий мақоми.

Таълим муассасасини аккредитациялаш ваколатли
давлат органи томонидан аттестацияга асосан амалга
оширилади.

Таълим муассасаси юридик шахс бўлиб, қонун ҳуж-
жатларида белгиланган тартибда барпо этилади. Нодав-
лат таълим муассасаси Ўзбекистон Республикаси Вазир-
лар Маҳқамаси белгилаган тартибда давлат аккредита-
циясидан ўтган пайтдан бошлаб юридик шахс ҳуқуқла-

ри ва таълим фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлади.

Таълим муассасаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган устав асосида фаолият кўрсатади.

Таълим муассасаси аттестация натижаларига биноан давлат аккредитациясидан маҳрум этилиши мумкин.

Таълим муассасалари ўқув-тарбия мажмуиларига ҳамда ўқув-илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари ва уюшмаларига бирлашишга ҳақли.

Таълим муассасалари уставда белгиланган вазифаларига мувофиқ пулли таълим хизматлари кўрсатиш, шунингдек тadbиркорлик фаолиятининг бошқа турлари билан шуғулланишга ҳақли.

7-модда. Давлат таълим стандартлари.

Давлат таълим стандартлари умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим мазмунига ҳамда сифатига қўйиладиган талабларни белгилайди.

Давлат таълим стандартларини бажариш Ўзбекистон Республикасининг барча таълим муассасалари учун мажбурийдир.

8-модда. Таълим бериш тили.

Таълим муассасаларида таълим бериш тилидан фойдаланиш тартиби «Давлат тили ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тартибга солинади.

II. ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ВА ТУРЛАРИ

9-модда. Таълим тизими.

Ўзбекистон Республикасининг таълим тизими қуйидагиларни ўз ичига олади:

давлат таълим стандартларига мувофиқ таълим дастурларини амалга оширувчи давлат ва нодавлат таълим муассасалари;

таълим тизимининг фаолият кўрсатиши ва ривожланишини таъминлаш учун зарур бўлган тadbқиқот ишларини бажарувчи илмий-педагогик муассасалар;

таълим соҳасидаги давлат бошқарув органлари, шунингдек уларга қарашли корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар.

Ўзбекистон Республикасининг таълим тизими ягона ва узлуксиздир.

10-модда. Таълим турлари.

Ўзбекистон Республикасида таълим қуйидаги турларда амалга оширилади:

- мактабгача таълим;
- умумий ўрта таълим;
- ўрта махсус, касб-ҳунар таълими;
- олий таълим;
- олий ўқув юртидан кейинги таълим;
- кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш;
- мактабдан ташқари таълим.

11-модда. Мактабгача таълим.

Мактабгача таълим бола шахсини соғлом ва етук, мактабда ўқишга тайёрланган тарзда шакллантириш мақсадини кўзлайди. Бу таълим олти-етти ёшгача оилادا, болалар боғчасида ва мулк шаклидан қатъи назар бошқа таълим муассасаларида олиб борилади.

12-модда. Умумий ўрта таълим.

Умумий ўрта таълим бошқичлари қуйидагича:

бошланғич таълим (I—IV синфлар);

умумий ўрта таълим (I—IX синфлар);

Бошланғич таълим умумий ўрта таълим олиш учун зарур бўлган саводхонлик, билим ва кўникма асосларини шакллантиришга қаратилгандир. Мактабнинг биринчи синфига болалар олти-етти ёшдан қабул қилинади.

Умумий ўрта таълим билимларнинг зарур ҳажмини беради, мустақил фикрлаш, ташкилотчилик қobiliяти ва амалий тажриба кўникмаларини ривожлантиради, дастлабки тарзда касбга йўналтиришга ва таълимнинг навбатдаги бошқичини танлашга ёрдам беради.

Болаларнинг қobiliяти, истеъдодини ривожлантириш учун ихтисослаштирилган мактаблар ташкил этилиши мумкин.

13-модда. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими олиш мақсадида ҳар ким умумий ўрта таълим асосида академик лицейда ёки касб-ҳунар коллежида ўқишнинг йўналишини ихтиёрли равишда танлаш ҳуқуқига эга.

Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари эгаллаган касб-ҳунар бўйича ишлаш ҳуқуқини берадиган ҳамда бундай иш ёки таълимни навбатдаги босқичда давом эттириш учун асос бўладиган ўрта махсус, касб-ҳунар таълими беради.

Академик лицей ўқувчиларнинг интеллектуал қобилиятларини жадал ўстиришни, уларнинг чуқур, табақалаштирилган ва касб-ҳунарга йўналтирилган билим олишларини таъминлайдиган уч йиллик ўрта махсус ўқув юртидир.

Касб-ҳунар коллежи ўқувчиларнинг касб-ҳунарга мойиллиги, маҳорат ва малакасини чуқур ривожлантиришни, танлаган касблар бўйича бир ёки бир неча ихтисос олишни таъминлайдиган уч йиллик ўрта касб-ҳунар ўқув юртидир.

14-модда. Олий таълим.

Олий таълим юқори малакали мутахассислар тайёрлашни таъминлайди.

Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш олий ўқув юртларида (университетлар, академиялар, институтлар ва олий мактабнинг бошқа таълим муассасаларида) ўрта махсус, касб-ҳунар таълими асосида амалга оширилади.

Олий таълим икки босқичга: давлат томонидан тасдиқланган намунадаги олий маълумот тўғрисидаги ҳужжатлар билан далилланувчи бакалаврият ва магистратурага эга.

Бакалаврият олий таълим йўналишларидан бири бўйича пухта билим берадиган, ўқиш муддати камида тўрт йил бўлган таянч олий таълимдир.

Магистратура аниқ мутахассислик бўйича бакалаврият негизида камида икки йил давом этадиган олий таълимдир.

Фуқаролар иккинчи ва ундан кейинги олий маълумотни шартнома асосида олишга ҳақлидирлар.

15-модда. Олий ўқув юртидан кейинги таълим.

Олий ўқув юртидан кейинги таълим жамиятнинг юқори малакали илмий ва илмий-педагог кадрларга бўлган эҳтиёжларини таъминлашга қаратилгандир. Олий ўқув юртидан кейинги таълим олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот муассасаларида (аспирантура, адъюнктура,

докторантура, мустақил тадқиқотчилик) олиниши мумкин.

Илмий ва илмий-педагог кадрларни тайёрлаш, илмий даражалар ва унвонлар бериш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади.

16-модда. Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш касб билимлари ва кўникмаларини чуқурлаштириш ҳамда янгилашни таъминлайди.

Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

17-модда. Мактабдан ташқари таълим.

Болалар ва ўсмирларнинг яқка тартибдаги эҳтиёжларини қондириш, уларнинг бўш вақти ва дам олишини ташкил этиш учун давлат органлари, жамоат бирлашмалари, шунингдек бошқа юридик ва жисмоний шахслар маданий-эстетик, илмий, техникавий, спорт ва бошқа йўналишларда мактабдан ташқари таълим муассасаларини ташкил этишлари мумкин.

Мактабдан ташқари таълим муассасаларига болалар, ўсмирлар ижодиёти саройлари, уйлари, клублари ва марказлари, болалар-ўсмирлар спорт мактаблари, санъат мактаблари, мусиқа мактаблари, студиялар, кутубхоналар, соғломлаштириш муассасалари ва бошқа муассасалар киради.

Мактабдан ташқари таълим муассасаларини ташкил этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиш тартиби қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилади.

18-модда. Оилада ва мустақил равишда билим олиш.

Давлат оилада ва мустақил равишда билиш олишга кўмаклашади. Болаларни оилада ўқитиш ва мустақил равишда билим олиш тегишли таълим муассасаларининг дастурлари бўйича амалга оширилади. Таълим олувчиларга ваколатли давлат муассасалари томонидан услубий маслаҳат ва бошқа йўсинда ёрдам кўрсатилади.

19-модда. Таълим тўғрисидаги ҳужжатлар.

Аккредитация қилинган таълим муассасаларининг битирувчиларига давлат томонидан тасдиқланган намунадаги маълумот тўғрисидаги ҳужжат (шаҳодатнома,

диплом, сертификат, гувоҳнома) берилади. Давлат томонидан тасдиқланган намунадаги маълумот тўғрисидаги ҳужжат оилада ёки мустақил равишда билим олган ва аккредитация қилинган таълим муассасаларининг тегишли таълим дастурлари бўйича экстернат тартибда имтиҳонлар топширган шахсларга ҳам берилади, давлат таълим муассасаларида ўқитилиши шарт бўлган ва рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгилаб қўйиладиган мутахассисликлар бундан мустасно.

Олий маълумот тўғрисидаги дипломга ўзлаштирилган фанлар рўйхати, уларнинг ҳажмлари ва фанларга қўйилган баҳолар ёзилган варақа илова қилинади.

Диссертация ҳимоя қилган шахсларга белгиланган тартибда фан номзоди ёки фан доктори илмий даражаси берилади ва давлат томонидан тасдиқланган намунадаги диплом топширилади.

Давлат таълим стандартларига мос келган тақдирда Ўзбекистон Республикаси билан хорижий давлатларнинг ҳукуматлари ўртасидаги икки томонлама битимлар асосида ҳар икки томоннинг маълумот тўғрисидаги ҳужжатлари белгиланган тартибда ўзаро тан олинishi мумкин.

Тегшли босқичдаги таълимни тугалламаган шахсларга белгиланган намунадаги маълумотнома берилади.

Давлат томонидан тасдиқланган намунадаги маълумот тўғрисидаги ҳужжат навбатдаги босқич таълим муассасаларида таълим олишни давом эттириш ёки тегишли ихтисос бўйича ишлаш ҳуқуқини беради.

III. ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ

20-модда. Таълим олувчини ижтимоий ҳимоя қилиш.

Таълим муассасасида таълим олувчилар қонун ҳужжатларига ва норматив ҳужжатларга мувофиқ имтиёзлар, стипендия ва ётоқхонада жой билан таъминланади.

21-модда. Таълим муассасалари ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш.

Таълим муассасалари ходимларига иш вақтининг қисқартирилган муддати белгиланади, ҳақи тўланадиган йиллик узайтирилган таътиллар ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар берилади.

Таълим муассасалари иш ҳақиға мўлжалланган мавжуд маблағлар доирасида мустақил равишда ставкалар, мансаб окладларига табақалаштирилган устама белгилашга ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш ва уни рағбатлантиришнинг турли шакллари қўллашга ҳақли.

22-модда. Етим болаларни ва ота-оналарининг ёки бошқа қонуний вакилларининг васийлигисиз қолган болаларни ўқитиш.

Етим болаларни ва ота-оналарининг ёки бошқа қонуний вакилларининг васийлигисиз қолган болаларни ўқитиш ва уларни боқиш давлатнинг тўла таъминоти асосида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

23-модда. Жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсонли бўлган болалар ва ўсмирларни ўқитиш.

Жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсонли бўлган, шунингдек узоқ вақт даволанишга муҳтож болалар ва ўсмирларни ўқитиш, уларни тарбиялаш ҳамда даволаш учун ихтисослаштирилган таълим муассасалари ташкил этилади. Болалар ва ўсмирларни ушбу таълим муассасаларига юбориш ва улардан чиқариш ота-оналарнинг ёки бошқа қонуний вакилларнинг розилиги билан психологик-тиббий-педагогик комиссиянинг ҳулуасига биноан амалга оширилади.

Ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг ўқувчилари қисман ёки тўла давлат таъминотида бўлади.

24-модда. Ижтимоий ёрдамга ва тикланишга муҳтож бўлган шахслар учун ўқув-тарбия муассасалари.

Алоҳида шароитларда тарбияланиш ва ўқишга муҳтож болалар ва ўспиринлар учун уларнинг билим олиши, касб тайёргарлиги ва ижтимоий тикланишини таъминлайдиган ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари ташкил этилади.

Озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган шахсларнинг таъ-

лим олиши ва мустақил билим олиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шароитлар яратилади.

IV. ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ БОШҚАРИШ

25-модда. **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таълим соҳасидаги ваколатлари.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таълим соҳасидаги ваколатларига қуйидагилар кирadi: таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

таълим соҳасидаги давлат бошқаруви органларига раҳбарлик қилиш;

таълимни ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

таълим муассасаларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тартибини белгилаш;

таълим муассасаларини аккредитациядан, педагог ва илмий кадрларни аттестациядан ўтказиш тартибини белгилаш;

бошқа давлатларнинг таълим муассасаларига Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида таълим фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи рухсатномалар бериш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ хорижий давлатларнинг таълим тўғрисидаги ҳужжатларини тан олиш ва бу ҳужжатларнинг эквивалент эканлигини қайд этиш тартибини белгилаш;

давлат таълим стандартларини тасдиқлаш;

давлат томонидан тасдиқланган намунадаги маълумот тўғрисидаги ҳужжатларни тасдиқлаш ва уларни бериш тартибини белгилаш;

давлат грантлари миқдорини ва таълим муассасаларига қабул қилиш тартибини белгилаш;

давлат олий таълим муассасасининг ректорларини тайинлаш;

таълим олувчиларни аккредитация қилинган бир таълим муассасасидан бошқасига ўтказиш тартибини белгилаш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатлар.

26-модда. Таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органларининг ҳуқуқ доираси.

Таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органларининг ҳуқуқ доирасига қуйидагилар киради:

таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини рўёбга чиқариш;

таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш ва услуб масалаларида уларга раҳбарлик қилиш;

давлат таълим стандартлари, мутахассисларнинг билим савиясига ва касб тайёргарлиги сифатига доир талаблар бажарилишини таъминлаш;

ўқитишнинг илғор шакллари ва янги педагогик технологияларни, таълимнинг техник ва ахборот воситаларини ўқув жараёнига жорий этиш;

ўқув ва ўқув-услугиёт адабиётларини яратиш ва нашр этишни ташкил қилиш;

таълим олувчиларнинг яқуний давлат аттестацияси тўғрисидаги ва таълим муассасаларида экстернат тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш;

давлат олий таълим муассасасининг ректорини тайинлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш;

педагог ходимларни тайёрлашни, уларнинг малакасини оширишни ва қайта тайёрлашни ташкил этиш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатлар.

27-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг таълим соҳасидаги ваколатлари.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари:

таълим муассасалари фаолиятининг минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш эҳтиёжларига мувофиқлигини таъминлайдилар;

таълим муассасаларини ташкил этадилар, қайта ташкил этадилар ва тугатадилар (республика органлари тасарруфида бўлган муассасалар бундан мустасно), уларнинг уставларини рўйхатга оладилар;

ўз ҳудудларидаги таълим муассасаларини ваколат доирасида молиялаш миқдорларини ва имтиёزلарни белгилайдилар;

таълим сифати ва даражасига, шунингдек педагог ходимларнинг касб фаолиятига доир давлат талабларига риоя этилишини таъминлайдилар;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга оширадилар.

28-модда. Таълим муассасасини бошқариш.

Таълим муассасасини унинг раҳбари бошқаради.

Таълим муассасаларида қонун ҳужжатларига мувофиқ фаолият кўрсатадиган жамоат бошқаруви органлари ташкил этилиши мумкин.

29-модда. Таълим соҳасидаги давлат бошқаруви органлари билан нодавлат таълим муассасалари ўртасидаги ўзаро муносабатлар.

Таълим соҳасидаги давлат бошқаруви органлари нодавлат таълим муассасаларида таълим тўғрисида қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилади.

Нодавлат таълим муассасалари таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузган тақдирда, аккредитация қилган органлар уларнинг фаолиятини қонун ҳужжатларига мувофиқ тўхтатиб қўйишга ҳақли.

Нодавлат таълим муассасаларига қабул давлат ўқув юртлари учун белгиланган тартибда ва муддатларда амалга оширилади.

V. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

30-модда. Ота-оналар ёки қонуний вакилларнинг вазифалари.

Вояга етмаган болаларнинг ота-оналари ёки қонуний вакиллари боланинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишлари шарт ҳамда уларнинг тарбияси, мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими олишлари учун жавобгардирлар.

31-модда. Таълимни молиялаш.

Давлат таълим муассасаларини молиялаш республика ва маҳаллий бюджетлар маблағлари, шунингдек бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

32-модда. Таълимни ривожлантириш фондлари.

Таълимни ривожлантириш фондлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда юридик ва жисмоний шахсларнинг, шу жумладан чет эллик юридик ва жис-

моний шахсларнинг ихтиёрий бадаллари ҳисобидан ташкил этилиши мумкин.

33-модда. Халқаро ҳамкорлик.

Таълим муассасалари таълим муаммолари юзасидан халқаро ҳамкорликда иштирок этадилар, чет давлатларнинг тегишли ўқув юртлари билан бевосита алоқалар ўрнатиш, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда улар билан қўшма ўқув юртлари ташкил этиш ҳуқуқига эга.

34-модда. Таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик.

Таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузишда айбдор бўлган шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. КАРИМОВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

Фуқароларнинг муурожаатлари тўғрисида¹

Ушбу Қонун фуқароларнинг давлат органларига, жамоат бирлашмаларига, мулкчилик шаклидан қатъи назар корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга муурожаат қилиш ҳуқуқини ифода этувчи асосий қондаларни шунингдек фуқароларнинг муурожаатларини кўриб чиқиш тартиби ва муудатларини белгилайди.

1-модда. Фуқароларнинг муурожаатлари.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ва жамоат ишларини бошқаришда иштирок эта бориб, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва бошқа қонунларида ўзларига берилган ҳуқуқлар ва эркинликларни рўёбга чиқара бориб:

ўзларининг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоялаб муурожаат қилишга;

давлат ва жамоат бирлашмаларининг ваколатли органлари бузилган ҳуқуқларини тиклашга ҳақлидирлар.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари бошқа шахслар ва ташкилотларнинг фойдасини кўзлаб муурожаат қилишлари мумкин.

Муурожаатлар якка тартибда ёки жамоа бўлиб ифодаланган бўлиши мумкин ҳамда оғзаки ёки ёзма шаклдаги таклиф, ариза ёхуд шикоят кўринишида киритилади.

Башарти республика қонун ҳужжатларида фуқаролар муурожаатларини кўриб чиқишнинг бошқа тартиби назарда тутилган бўлса, муурожаатлар ушбу Қонунга мувофиқ қараб чиқилмаслиги лозим.

Фуқаролиги бўлмаган шахслар ушбу Қонунга мувофиқ муурожаат қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

Хорижий давлатлар фуқароларининг муурожаатлари башарти Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ва битимларида уларни қараб чиқишнинг ўзга қондалари назарда тутилмаган бўлса, ушбу Қонунда белгиланган тартибда қараб чиқилади.

2-модда. Муурожаатларга қўйиладиган талаблар

Муурожаатларда фуқаронинг фамилияси, исми, ота-

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, Тошкент, 1994 йил, май, № 5, 114—121-бетлар.

сининг исми, яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган, таклиф, ариза ёки шикоятнинг моҳияти баён этилган бўлиши лозим. Ушбу маълумотлар кўрсатилмаган мурожаатлар аноним хат ҳисобланади ва кўриб чиқилмайди.

Мурожаатлар уларда қўйилган масалаларни ҳал этиш ваколатига кирадиган давлат органига, жамоат бирлашмасига, корхона, муассаса, ташкилот ёки мансабдор шахсга, шунингдек барча даражадаги депутатларга йўлланади.

Мурожаатлар уларда қўйилган масалаларни ҳал этиш ваколатига кирмайдиган давлат органига, жамоат бирлашмасига, корхона, муассаса ёки ташкилотга юборилган бўлса, 5 кун муддатдан кечиктирмай тегишли органлар ёки мансабдор шахсларга жўнатилади ва бу ҳақда фуқарога маълум қилинади.

Белгиланган тартибда берилган мурожаатлар кўриб чиқилиши шарт. Мурожаатларни қабул қилишни рад этиш тақиқланади.

Башарти мурожаатларда уларни тегишли органлар ёки мансабдор шахсларга жўнатиш учун зарур маълумотлар акс эттирилмаган бўлса, улар худди шу муддатда тегишли тушунтиришлар билан фуқарога қайтариб юборилади.

3-модда. Фуқароларни мурожаат қилганлиги учун таъқиб остига олишнинг ва мурожаатни ҳимоялаш хатти-ҳаракатларида иштирок этишга мажбур қилишнинг тақиқланиши

Фуқароларни ва уларнинг оила аъзоларини улар мурожаат қилиш воситасида ўз ҳуқуқларини рўёбга чиқараётганликлари ёки ҳимоя қилаётганликлари учун таъқиб остига олиш ман этилади.

Ҳеч ким бирон-бир мурожаатни ҳимоялаш хатти-ҳаракатларида иштирок этишга мажбур қилинмаслиги лозим.

4-модда. Мурожаатларнинг кўриб чиқилиши муносабати билан аён бўлиб қолган маълумотларни ошкор этишнинг тақиқланиши

Мурожаатларнинг кўриб чиқилиши вақтида давлат органларининг, жамоат бирлашмаларининг, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ходимлари томонидан фуқароларнинг ўз розилигисиз уларнинг шахсий ҳаёти-

га доир маълумотларнинг ёки давлат сири ёхуд қонун муҳофазасидаги бошқа сир ҳисобланган маълумотларнинг, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига путур етказадиган ўзга ахборотларнинг ошкор этилишига йўл қўйилмайди. Шунингдек мурожаатга дахлдор бўлмаган, фуқаронинг шахси тўғрисидаги маълумотларни суриштириб билишга ҳам йўл қўйилмайди. Фуқаронинг илтимосига биноан унинг шахсига доир ҳар қандай маълумот ошкор этилмаслиги керак.

5-модда. Оммавий ахборот воситаларига йўлланган мурожаатлар

Фуқароларнинг оммавий ахборот воситаларига йўллаган мурожаатларидан жамоат фикрини ўрганиш ва матбуотда аке эттириш учун фойдаланилади.

Ҳал этилиши оммавий ахборот воситаларининг ваколатига тааллуқли масалаларга доир фуқароларнинг мурожаатлари ушбу Қонунга мувофиқ кўриб чиқилиши лозим.

6-модда. Таклифни кўриб чиқиш

Таклифлар фуқароларнинг давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг фаолиятини яхшилашга қаратилган мурожаатларидир.

Давлат органи, жамоат бирлашмаси, корхона, муассаса, ташкилот таклифни ҳар томонлама кўриб чиқиши ва фуқаронинг илтимосига биноан кўриб чиқиш натижалари тўғрисида унга маълум қилиши шарт.

7-модда. Аризани кўриб чиқиш.

Аризалар фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқариш тўғрисида илтимос баён этилган мурожаатлардир.

Аризаларни кўриб чиқиш ўз ваколатига кирадиган давлат органлари, жамоат бирлашмалари, уларнинг мансабдор шахслари, мулкчилик шаклидан қатъи назар корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг раҳбарлари ҳамда бошқа мансабдор шахслари:

аризаларни ҳар томонлама, холисона ва ўз вақтида кўриб чиқишлари;

қонунга асосланган қарорлар қабул қилишлари ва уларнинг ижросини таъминлашлари;

аризаларни кўриб чиқиш натижалари тўғрисида фуқароларга маълум қилишлари шарт.

Аризада баён этилган талабларни қондиришнинг рад этилиши фуқарога рад этишнинг сабаблари кўрсатилган ҳолда ёзма тарзда маълум қилинади.

Аризаси бўйича қабул қилинган қарор устидан фуқаролар томонидан ушбу Қонуннинг 8-моддасида назарда тутилган тартибда шикоят қилиниши мумкин.

8-модда. Шикоятни кўриб чиқиш

Шикоятлар давлат органларининг, жамоат бирлашмаларининг, мулкчилик шаклидан қатъи назар корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари ёхуд қарорлари туфайли фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини тиклаш талаб қилинган мурожаатлардир.

Давлат органининг, жамоат бирлашмасининг, корхона, муассаса, ташкилотнинг, мансабдор шахснинг хатти-ҳаракати ёки қарори устидан шикоят бўйсунув тартибга қараб, юқори турувчи орган ёки мансабдор шахсга ёхуд судга берилади.

Юқори турувчи давлат органига, жамоат бирлашмасининг органига ёки мансабдор шахсга давлат органи ёки жамоат бирлашмасининг органи томонидан хатти-ҳаракат содир этилганлиги ёки қарор қабул қилинганлиги фуқарога маълум бўлиб қолган вақтдан эътиборан бир йилдан кечиктирмай шикоят билан мурожаат қилиниши мумкин. Узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилган муддат шикоятни кўриб чиқаётган орган томонидан тикланади.

Юқори турувчи давлат органининг, жамоат бирлашмасининг, мансабдор шахснинг қарори устидан қонун ҳужжатларида белгиланган муддатда судга шикоят қилиниши мумкин.

Фуқаро шикоятни шахсан беришга ёки бу ишга бошқа шахсни вакил қилишга ҳақлидир.

Фуқаронинг манфаатларини кўзлаб бошқа шахс ҳам шикоят бериши мумкин. Вояга етмаганлар ва муомалага лаёқатсиз шахслар манфаатларини кўзлаб уларнинг қонуний вакиллари шикоят билан мурожаат қиладилар.

Шикоятга фуқаронинг мурожаати бўйича аввал қабул қилинган қарор ёки унинг кўчирмаси, шунингдек шикоятни кўриб чиқиш учун зарур бўлган бошқа ҳужжатлар илова қилинади.

Фуқароларнинг шикоятларини хатти-ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоят қилинаётган органлар ёки мансабдор шахсларнинг ўзига жўнатилш тақинқланади.

9-модда. Фуқаронинг шикоят кўриб чиқилиши вақтидаги ҳуқуқлари

Давлат органи, жамоат бирлашмаси, корхона, муассаса, ташкилотга шикоят билан мурожаат қилган фуқаро:

шикоятни текшираётган шахсга ўз далил-исботларини шахсан баён қилиш;

текширишга доир материаллар билан ушбу Қонун 4-моддасининг талабларига риоя қилган ҳолда танишиш;

кўшимча материаллар тақдим этиш ёки шикоятни кўриб чиқаётган органнинг уларни сўраб олишини илтимос қилиш;

адвокат ёки бошқа шахснинг хизматларидан фойдаланиш;

шикоятни кўриб чиқиш натижалари тўғрисида ёзма жавоб олиш;

етказилган зарар қонунда белгиланган тартибда қопланишини талаб қилиш ҳуқуқига эгадир.

10-модда. Давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларни кўриб чиқиш борасидаги вазифалари

Давлат органлари, жамоат бирлашмалари, мулкчилик шаклидан қатъи назар корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, уларнинг раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахслари ўз ваколатлари доирасида:

шикоятларни ҳолисона, ҳар томонлама ва ўз вақтида текширишлари;

шикоятга сабаб бўлган ноқонуний қарорни бекор қилишлари ёки ўзгартиришлари, ғайриҳуқуқий хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш юзасидан шоянлик чора-тадбирлар кўришлари, қондабузарликларга олиб келган сабаблар ва шарт-шаронтларни аниқлашлари;

фуқаронинг бузилган ҳуқуқлари тикланишини, шикоят муносабати билан қабул қилинган қарор амалда ижро этилишини таъминлашлари;

фуқарога шикоятни текшириш натижалари ва қабул қилинган қарорнинг моҳияти тўғрисида ёзма тарзда маълум қилишлари шарт.

Давлат органлари, корхоналар, муассасалар ёки ташкилотларда раҳбар ёки унинг ўринбосари, жамоат бирлашмаларида эса сайлаб қўйиладиган органлар ёки улар ваколат берган шахслар шикоят бўйича қарор қабул қилишга ҳақлидирлар.

11-модда. Таклифлар, аризалар ва шикоятларни кўриб чиқиш муддати

Фуқароларнинг таклифлари таклиф тушган кундан эътиборан бир ой муддат ичида кўриб чиқилади, қўшимча ўрганишни талаб этадиган таклифлар бундан мустасно бўлиб, бу ҳақда таклиф киритган шахсга маълум қилинади.

Аризалар ва шикоятлар давлат органига, жамоат бирлашмасига, корхона, муассаса ва ташкилотга тушган кундан эътиборан бир ойгача муддат ичида ҳал этилади, улар масалани моҳиятан ҳал этишлари, қўшимча ўрганишни ва текширишни талаб қилмайдиган масалаларни эса 15 кундан кечиктирмай ҳал этишлари шарт.

Ариза ёки шикоятни ҳал этиш учун махсус текширувлар ўтказиш, қўшимча материалларни сўраб олиш ёки бошқа чора-тадбирлар кўриш зарур бўлса, тегишли орган, корхона, муассаса, ташкилот раҳбари ёки раҳбарининг ўринбосари ариза ёки шикоятни ҳал этиш муддатини, истисно тариқасида, узайтириши мумкин, бироқ бу муҳлат бир ойдан ошмаслиги лозим бўлиб, бу ҳақда ариза ёки шикоят берган шахсга маълум қилинади. Бунда мурожаатни кўриб чиқиш умумий муддати икки ойдан ошмаслиги керак.

12-модда. Фуқароларни шахсан қабул қилиш

Барча даражадаги депутатлар, давлат органларининг, жамоат бирлашмаларининг, мулкчилик шаклидан қатъи назар корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарлари ҳамда бошқа мансабдор шахслари фуқароларни шахсан қабул қилишлари шарт.

Қабул мунтазам, белгиланган кун ва соатларда, фуқаролар учун қулай вақтда ўтказилади.

Фуқароларнинг оғзаки мурожаатлари ва уларни кўриб чиқиш натижалари рўйхатга олиниши лозим.

Фуқароларни давлат органларида, жамоат бирлашмаларида, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда

қабул қилиш тартиби уларнинг раҳбарлари томонидан белгиланади.

13-модда. Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Мурожаатни кўриб чиқишни ғайриҳуқуқий тарзда ад этганлик, мурожаатларни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузганлик, асоссиз, қонунга зид қарорлар қабул қилганлик ёхуд фуқароларнинг шахсий ҳаётига доир маълумотларни ошкор этганлик, шунингдек фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бошқача тарзда бузганлик, башарти бундай хатти-ҳаракатлар маъмурий ёки жинсий жавобгарликка сабаб бўлмаса, мансабдор шахсларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда интизомий жавобгарликка тортишга сабаб бўлади.

Фуқарони у давлат органига, жамоат бирлашмасига, корхона, муассаса, ташкилотга мурожаат қилганлиги сабабли ёхуд мурожаатдаги танқид учун таъқиб остига олганлик, шунингдек фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини давлат ёки жамоат манфаатларига ёхуд фуқароларнинг қонун билан муҳофаза қилинадиган ҳуқуқларига жиддий зарар етказиш тарзида бузганлик шахсларни қонун ҳужжатларига мувофиқ жинсий жавобгарликка тортишга сабаб бўлади.

14-модда. Фуқаронинг шикоятини кўриб чиқиш вақтида қонун талабларининг бузилиши оқибатида унга етказилган зарарни қоплаш

Шикоят қондирилган тақдирда фуқаронинг мурожаат бўйича ғайриҳуқуқий қарор қабул қилган давлат органи, жамоат бирлашмаси, корхона, муассаса, ташкилот ёки мансабдор шахс унга шикоят билан мурожаат қилиш ва унинг кўриб чиқилиши туфайли кўрган моддий зарарини, тегишли органнинг талабига биноан шикоят кўриб чиқилиши муносабати билан бир жойдан бошқа жойга бориш мақсадида қилган сарф-харажатларини ва шу вақт ичида бой берган иш ҳақини тўлайди. Харажатларни ундиришга доир низолар суд тартибида кўриб чиқилади.

15-модда. Ғайриҳуқуқий тусдаги мурожаат берганлик учун жавобгарлик

Фуқаронинг тухмат ва ҳақорат руҳидаги ёхуд миллий адоват қўзғатишга ва жиноий тарзда жазоланадиган бошқа хатти-ҳаракатлар содир этишга даъват қилувчи мурожаатни берганлиги қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

16-модда. Атайин сохта маълумотлар баён қилинган мурожаатларни текшириш учун кетган харажатларни қоплаш

Давлат органи, жамоат бирлашмаси, корхона, муассаса, ташкилот фуқаронинг атайин сохта маълумотлар баён этилган мурожаатларини текшириш туфайли қилган харажатлари суднинг қарорига биноан ундан ундириб олиниши мумкин.

17-модда. Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига риоя этилишини назорат қилиш

Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига риоя этилиши устидан назоратни давлат ҳокимияти органлари, шунингдек ўзларига бўйсунувчи корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда — вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар таъминлайдилар.

18-модда. Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан прокурорлик назорати.

Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ҳамда унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширадилар. Улар ўзларига берилган ваколатларга мувофиқ фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашга, қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, ҳуқуқбузарларни жавобгарликка тортишга қаратилган чора-тадбирларни кўрадилар.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. ҚАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 1994 йил 6 май.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида¹

1-модда. Судга шикоят билан мурожаат қилиш ҳуқуқи.

Ҳар бир фуқаро давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки мансабдор шахсларнинг тайинловчи хатти-ҳаракатлари (қарорлари) билан ўз ҳуқуқлари ёки эркинликлари бузилган деб ҳисобланса, шикоят билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ва битимларида ўзгача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, чет эллик фуқаролар ушбу Қонунда белгиланган тартибда судга шикоят билан мурожаат қилишга ҳақлидирлар.

Фуқаролиги бўлмаган шахслар ушбу Қонунга мувофиқ судга шикоят билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

2-модда. Судга шикоят берилишига лойиқ хатти-ҳаракатлар (қарорлар).

Давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва мансабдор шахсларнинг судга шикоят қилишга лойиқ коллегиял ёки яқка тартибдаги хатти-ҳаракатлари (қарорлари) жумласига:

фуқаронинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузган;
фуқароларнинг ўз ҳуқуқлари ва эркинликларининг рўёбга чиқаришига монелик туғдирган;

фуқаро зиммасига қонунга хилоф равишда қандайдир мажбурият юклатилишига сабаб бўлган хатти-ҳаракатлар (қарорлар) киради.

3-модда. Ушбу Қонуннинг таъсир доираси

Ушбу Қонунга мувофиқ судлар фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки эркинликларини бузадиган ҳар қандай хат-

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, Тошкент, 1995 йил, сентябрь, № 9. 28—32-бетлар.

ти-ҳаракатлар (қарорлар) устидан берилган шикоятларни кўриб чиқадилар, бундан:

текширилиши қонун ҳужжатларида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг мутлақ ваколатлари доирасига киритилган хатти-ҳаракатлар (қарорлар);

қонун ҳужжатларида устидан судга шикоят қилишнинг ўзгача тартиби белгиланган хатти-ҳаракатлар (қарорлар) мустаснодир.

4-модда. Шикоят бериш

Фуқаро ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар (қарорлар) устидан шикоят билан бевосита судга ёки тобелик тартибда юқори турувчи органга ёхуд мансабдор шахсга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Тобелик тартибда юқори турувчи орган, мансабдор шахс шикоятни бир ойлик муддатда кўриб чиқишлари шарт. Агар фуқаронинг шикоятини қаноатлантириш рад қилинган бўлса ёки у шикоят берган кундан бошлаб бир ой мобайнида жавоб олмаган бўлса, судга шикоят билан мурожаат қилишга ҳақли.

Шикоятни ҳуқуқлари, эркинликлари бузилган фуқаро ёки унинг вакили, шунингдек фуқаронинг илтимосига кўра жамоат бирлашмасининг, меҳнат жамоасининг ваколат берилган вакили бериши мумкин.

Шикоят фуқаронинг хоҳишига қараб ё у яшайдиган жойдаги судга ёки орган жойлашган ердаги, ёхуд хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан шикоят қилинаётган мансабдор шахснинг иш жойидаги судга берилади.

Ҳарбий хизматчи ўзининг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузаётган ҳарбий бошқарув органлари ва ҳарбий мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан шикоят билан ҳарбий судга, шунингдек юқори турувчи мансабдор шахсларга ушбу моддада кўзда тутилган тартибда мурожаат қилишга ҳақли.

5-модда. Шикоят юзасидан суд ҳаракатлари

Суд шикоятни кўриб чиқишга қабул қилгач: тегишли органлар ва мансабдор шахслардан зарур материалларни талаб қилиб олади;

фуқаронинг илтимосига кўра ёки ўз ташаббуси билан шикоят қилинишига сабаб бўлган хатти-ҳаракат (қарор)нинг ижросини тўхтатиб туриш масаласини ҳал қилади.

6-модда. Судга шикоят билан мурожаат қилиш муддатлари

Судга шикоят билан мурожаат қилиш учун қуйидаги муддатлар белгиланади:

фуқаро ўз ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилганлигидан хабар топган кундан бошлаб уч ой;

фуқаро юқори турувчи орган, мансабдор шахснинг шикоятни қаноатлантиришни рад этиш ҳақидаги ёзма билдиришини олган кундан бошлаб бир ой;

агар фуқаро ўз шикоятига ёзма жавоб олмаган бўлса, шикоят берганидан кейин бир ой муддат ўтган кундан бошлаб бир ой.

Шикоят беришнинг узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилган муддати суд томонидан тикланиши мумкин.

7-модда. Шикоят кўриб чиқиш тартиби

Фуқаронинг давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, мансабдор шахслар хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан шикояти суд томонидан фуқаровий судлов ишларини юритиш қоидалари асосида кўриб чиқилади.

8-модда. Шикоят юзасидан суд қарори.

Шикоятни кўриб чиқиш натижалари бўйича суд қарор чиқаради.

Суд шикоятнинг асослилигини аниқлагач, устидан шикоят берилган хатти-ҳаракатни (қарорни) қонунсиз деб топади, фуқаронинг талабларини қаноатлантириш мажбуриятини юклайди ёки унинг бузилган ҳуқуқлари ва эркинликларини ўзгача йўл билан тиклайди.

Агар устидан шикоят берилган хатти-ҳаракатни (қарорни) суд фуқаронинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузмайдиган қонуний хатти-ҳаракат (қарор) деб топса, у шикоятни қаноатлантиришни рад этади.

Суднинг қарори устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда юқори судга шикоят берилиши мумкин.

9-модда. Суд қарорини бажариш

Суднинг қонуний кучга кирган қарори барча давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, мансабдор шахслар, фуқаролар учун мажбурий ва уни бажариш шарт.

Суднинг қарори хатти-ҳаракатлари (қарорлари) ус-
тидан шикоят берилган орган ёки мансабдор шахсга,
шунингдек фуқарога қарор қонуний кучга киргач кечи
билан ўн кун ичида юборилади.

Қарор бажарилганлиги ҳақида судга ва фуқарога
суд қарори олинган кундан бошлаб кечи билан бир ой
ичида хабар қилиниши шарт. Қарор бажарилмаган тақ-
дирда суд қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган чо-
ра-тадбирларни кўради.

**10-модда. Шикоятни кўриб чиқиш билан боғлиқ суд
харажатларини юклатиш**

Шикоятни кўриб чиқиш билан боғлиқ бўлган суд ха-
ражатлари, суд шикоятни қаноатлантиришни рад этиш
ҳақида қарор чиқарган тақдирда фуқаро зиммасига ёки
суд орган ёхуд мансабдор шахснинг хатти-ҳаракатлари
(қарорлари)ни қонуний эмас деб топган тақдирда улар
зиммасига юклатилиши мумкин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. ҚАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 1995 йил 30 август.
№ 108—1.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (ОМБУДСМАН) тўғрисида

1-модда. Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили¹ — мансабдор шахс бўлиб, унга Ўзбекистон Республикасида давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслар² томонидан Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги амалдаги қонун ҳужжатларига риоя этилишининг самарадорлиги устидан парламент назоратини таъминлаш ваколатлари берилган.

Ўзбекистон Республикасининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил институти инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг мавжуд шакллари ва воситаларини тўлдиради. Вакил Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини тақомиллаштириш ва уларни халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқлаштиришга, халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилади, фуқароларнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ижтимоий оғини оширишга кўмаклашади.

2-модда. Вакил ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари, бошқа қонун ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига, шунингдек халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган принциплари ва нормаларига асосланади.

Вакил ўз ваколатларини мустақил ҳамда давлат органлари ва мансабдор шахсларга тобе бўлмаган тарзда амалга оширади ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳисоб беради.

3-модда. Вакил Олий Мажлис томонидан депутатлар орасидан Олий Мажлиснинг ваколатлари муддатига сайланади. Олий Мажлиснинг ваколатлари муддати тугагач, Вакил янги Вакил сайлангунига қадар ўз вазифаларини бажариб туради.

¹ Бундан буён мағнда «Вакил» деб юритилади.

² Бундан буён мағида «ташкилотлар ва мансабдор шахслар» деб юритилади.

Вакилнинг Олий Мажлис томонидан сайланадиган ўринбосари бўлади. Вакил ўринбосарига Вакил учун белгиланган ҳуқуқлар ва кафолатлар татбиқ этилади.

4-модда. Вакил фаолиятининг асосий принциплари қонунийлик, адолатпарварлик, демократизм, инсонпарварлик, ошкоралик, ҳар бир киши учун очиқликдир.

5-модда. Вакил Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг депутати бўлиб, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эгадир.

6-модда. Вакил ҳар йили Олий Мажлисга ўз фаолияти тўғрисида ҳисобот тақдим этади ва у «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси»да эълон қилинади.

Вакил инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги халқаро шартномаларнинг бажарилиши юзасидан Ўзбекистон Республикасининг йиллик маърузаларини тайёрлашда иштирок этади.

7-модда. Вакил ўз ваколатларини бажариш муддати давомида сиёсий партияга аъзоликни ёки унда иштирок этишни тўхтатиб туриши ёхуд бутунлай тўхтатиши шарт. Вакил ҳақ тўланадиган бирор бир бошқа лавозимни эгаллаши, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин эмас. Ўқитувчилик, илмий ва ижодий фаолият бундан мустасно.

8-модда. Вакил Олий Мажлис томонидан қуйидаги ҳолларда лавозимидан муддатидан олдин озод қилиниши мумкин:

ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилиш тўғрисида ариза берганида;

саломатлиги жиддий равишда бузилган ва бу тиббиёт гувоҳномаси билан тасдиқланганда;

унинг депутатлик ваколатлари тўхтатилганда;

суднинг унга нисбатан айблов ҳукми қонуний кучга кирганда.

9-модда. Вакил Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаб турган ажнабий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини бузган ташкилотлар ёки мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги устидан берган шикоятларини кўриб чиқади ва ўз текширувини ўтказиш ҳуқуқига эга.

Вакил учинчи шахслар, шу жумладан жамоат бирлашмаларининг аниқ бир киши ёки бир гуруҳ шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги устидан берган шикоятларини кўриб чиқиш учун қабул қилади, бунинг учун уларнинг розилиги бўлиши шарт.

Вакил суднинг ваколатига тааллуқли бўлган масалаларни кўриб чиқмайди.

10-модда. Вакил аризачининг ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги маълум бўлиб қолган пайтдан бошлаб ёки агар аризачи ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг бошқа воситаларидан фойдаланган ҳамда қабул қилинган қарорлардан қониқмаган бўлса, ўз шикояти бўйича қабул қилинган охириги қарордан хабар топган пайтдан бошлаб, бир йил давомида берган шикоятларини кўриб чиқади.

11-модда. Вакилга берилган шикоятда аризачининг фамилияси, исми, отасининг исми ва унинг манзили, ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги устидан шикоят қилинаётган ташкилотнинг номи, мансабдор шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилиши, аризачининг фикрича унинг ҳуқуқлари бузилишига олиб келган ҳаракатлар ёки ҳаракатсизлик моҳияти баён этилиши зарур. Шикоятга аризачининг талабларини тасдиқловчи ҳужжатлар ва бошқа гувоҳномалар илова қилинади.

Вакилга берилган шикоят учун давлат божи олинмайди.

12-модда. Вакил қуйидаги ҳуқуқларга эга:

шикоятни кўриб чиқиш:

аризачи ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун фойдаланиши мумкин бўлган воситалар ва шакллари кўрсатиш:

шикоятни унинг моҳиятига кўра ҳал қилишга ваколатли бўлган ташкилот ёки мансабдор шахсга юбориш;

аризачини унинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан таништириш;

шикоятни кўриб чиқишнинг сабабини албатта кўрсатган ҳолда рад этиш;

қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа чора-тадбирларни кўриш.

13-модда. Шикоятни кўриб чиқиш, шунингдек фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилган ҳолларни ўз ташаббуси билан текшириш чоғида Вакил қуйидаги ҳуқуқларга эга:

аниқланиши лозим бўлган ҳолатларни текширишда кўмаклашишни сўраб ташкилотлар ва мансабдор шахсларга мурожаат қилиш;

аниқланиши лозим бўлган ҳолатларни текшириш учун ташкилотларнинг вакиллари ва мансабдор шахсларни таклиф этиш. Текширув ўтказишни ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги устидан шикоят қилинаётган ташкилот ёки мансабдор шахсга топшириш мумкин эмас;

ташкилотларга ва мансабдор шахслар ҳузурига бемалол кириш:

ташкилотлар ва мансабдор шахслардан ҳужжатлар, материаллар ва бошқа маълумотларни сўраш ва олиш; мансабдор шахслардан тушунтиришлар олиш;

ташкилотлар ва мутахассисларга аниқланиши зарур бўлган масалалар юзасидан хулосалар тайёрлашни топшириш;

ташкилотлар ва мансабдор шахслар томонидан инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахлдор масалалар юзасидан ўтказилаётган текширувларда иштирок этиш;

ушланган ёхуд қамоқда сақланаётган шахс билан учрашиш ва суҳбатлар ўтказиш;

ҳаракатларида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини бузиш ҳоллари аниқланган шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисида хат билан тегишли органларга мурожаат этиш.

Фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилган ҳолатларни текшириш чоғида маълум бўлиб қолган аризачининг ва бошқа шахсларнинг хусусий ҳаётига тааллуқли маълумотлар уларнинг розилигисиз ошкор қилиниши мумкин эмас.

14-модда. Мансабдор шахслар Вакил сўраган, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилиши билан боғлиқ бўлган ҳужжатлар, материаллар ва бошқа маълумотларни тақдим этишлари шарт.

Вакил ўз фаолияти масалалари бўйича давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг, жамоат бирлашмаларининг раҳбарлари ва бошқа мансаб-

дор шахслари томонидан кечиктирмасдан қабул қилиниш ҳуқуқидан фойдаланади.

Фаолияти давлат сири ва қонун билан қўриқланадиган бошқа сирлар билан боғлиқ бўлган ташкилотлар, муассасалар ва корхоналарга Вакилнинг кириш тартиби, шунингдек Вакилга давлат сири ёхуд қонун билан қўриқланадиган бошқа сирдан иборат бўлган ахборотни тақдим этиш Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Вакилнинг вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилиш белгиланган тартибда жавобгарликка тортишга сабаб бўлади.

15-модда. Вакил шикоятни текшириш натижаларига биноан:

аризачига қўриб чиқиш натижаларини маълум қилиши;

ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлигида фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги аниқланган ташкилот ёки мансабдор шахсга бузилган ҳуқуқларни тиклаш юзасидан тавсиялар баён этилган ўз хулосасини юбориши шарт. Бунда Вакилнинг хулосасини олган ташкилот ёки мансабдор шахс уни қўриб чиқиши ва бир ойдан кечиктирмай асосли жавоб юбориши шарт:

16-модда. Вакилнинг хулосасида қўйидаги тавсиялар назарда тутилиши мумкин:

иш ташкилот ёки мансабдор шахс томонидан охирига етказилиши зарурлиги:

ташкилот ёки мансабдор шахснинг қарори ўзгартирилиши ёхуд бекор қилиниши кераклиги;

ташкилот ёки мансабдор шахснинг қарори асосланиши зарурлиги;

ташкилот ёки мансабдор шахс қўшимча қарор қабул қилиши лозимлиги.

Вакилнинг хулосасида бошқа тавсиялар ҳам ифодаланиши мумкин.

17-модда. Вакил Олий Мажлиснинг, сессиялар оралиғидаги даврда эса, Олий Мажлис Кенгашининг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, ҳибсга олиниши ёки суд томонидан бериладиган маъмурий жазога тортилиши мумкин эмас.

Олий Мажлис Вакилига нисбатан жиноий иш фақат

Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори томонидан қўзғатилиши мумкин.

Вакилни мажбурий тарзда олиб келиш, ушлаб туриш, шунингдек унинг шахсий буюмлари, юки, транспорти, турар жойи ёки хизмат хоналарини кўздан кечиришга йўл қўйилмайди.

18-модда. Вакилга шикоят берган шахс, шунингдек Вакил томонидан ахборот тўплаш ва уни таҳлил этиш ёки эксперт баҳоси бериш топширилган шахслар бу ҳаракатлари учун таъқиб остига олиниши ёки бошқа тарзда ҳуқуқлари чекланиши мумкин эмас.

19-модда. Вакилнинг зиммасига юкланган вазифаларни бажариш юзасидан унинг фаолиятига қўмаклашиш учун Олий Мажлиснинг Вакили раислигида Инсоннинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши бўйича комиссия тузилади.

Комиссия ўз фаолиятида Олий Мажлиснинг Кенгаши томонидан тасдиқланадиган Регламентга асосланади.

Вакил Комиссия аъзосини ўз вакили этиб тайинлаши мумкин.

20-модда. Вакилнинг фаолиятини таъминлаш учун Қотибият тузилиши мумкин, ушбу Қотибият ҳақидаги низом Вакил томонидан тасдиқланади.

Вакил давлат герби тасвири туширилган ўз муҳрига эга бўлади:

Вакилнинг фаолиятини моддий ва бошқа жиҳатлардан таъминлаш давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. ҚАРИМОВ.

1997 йил, 24 апрель.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги
Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги
институтини ташкил этиш тўғрисида**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ МАЖЛИСИ КЕНГАШИНING**

1996 йил 3 декабрь •

Қ А Р О Р И

Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларини халқаро нормаларга мувофиқлаштириш, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳуқуқий нормаларга риоя этилиши устидан мониторинг ҳамда самарали назоратни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурида Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти ташкил этилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти юридик шахс бўлиб, ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳисобдордир.

3. Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтининг Устави ва таркибий тuzилиши 1 ва 2-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

4. Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтининг асосий вазифалари деб қуйидагилар белги-лансин:

амалдаги қонун ҳужжатларини ҳамда уларнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро нормаларга мувофиқлигини ўрганиш;

инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳуқуқий нормаларни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига жорий этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

халқаро ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш ташкилотлари билан инсон ҳуқуқлари соҳасида ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган таклифлар тайёрлаш;

қонун лойиҳаларини илмий экспертизадан ўтказиш, шу жумладан хорижий экспертлар ва институтларни жалб этган ҳолда шундай экспертизалар ўтказиш;

қонунчилик ишининг режалари ҳамда дастурларига доир таклифлар ишлаб чиқиш.

5. Белгилаб қўйилсинки, Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтининг директори Кенгаш қарорини кейинчалик сессияда тасдиқлаш шарти билан Олий Мажлис Кенгаши томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан бўшатилади.

Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги Институтининг директорининг ўринбосари Олий Мажлис Раисининг тақдимномаси бўйича Олий Мажлис Кенгаши томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан бўшатилади.

6. Республика бюджетни маблағлари Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтини молиялаш манбалари деб белгилансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафталик муддат ичида Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтини ташкил этиш ва унинг фаолиятини моддий таъминлаш юзасидан қарор қабул қилсин.

8. Ушбу Қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тасдиғига киритилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлисининг Раиси

Э. ХАЛИЛОВ.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ
МАЖЛИСИ ҲУЗУРИДАГИ
АМАЛДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
МОНИТОРИНГИ ИНСТИТУТИНИНГ
УСТАВИ**

І. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти (матнда бундан буён Институт деб юритилади) илмий-тадқиқот муассасасидир.

Институт ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига ҳамда ушбу Уставга мувофиқ олиб боради.

2. Институт ўз мол-мулкига эга бўлган юридик шахс ҳисобланади, мустақил балансга, Ўзбекистон Республикаси банкларида миллий ва хорижий валютада ҳисоб варақларга, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби туширилган муҳрга ҳамда ўз фаолияти учун зарур бошқа белгиларга эга бўлади.

Институт ўз номидан шартномалар тузиши, мулкый ва шахсий номулкый ҳуқуқларни қўлга киритиши, зиммасига вазифалар олиши ҳамда судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

Институт ўз мажбуриятлари юзасидан ўз мол-мулки билан жавоб беради.

3. Институтнинг давлат тилидаги тўлиқ расмий номи — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти.

**ІІ. ИНСТИТУТНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ
ВА ФАОЛИЯТ ЙУНАЛИШЛАРИ**

4. Институтнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

амалдаги қонун ҳужжатларини ҳамда уларнинг ин-

сон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро нормаларга мувофиқлигини ўрганиш;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларини демократия ва инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро нормалар ва стандартларга мувофиқлаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳуқуқий нормаларни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига жорий этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

қонунчилик иши механизмини такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш бўйича ҳуқуқий татбиқий тажрибани ўрганиш ва умумлаштириш, шунингдек амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш;

институтлар ва халқаро ташкилотлар билан Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари мониторинги соҳасида ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган таклифлар тайёрлаш;

қонун лойиҳаларини илмий экспертизадан ўтказиш, шу жумладан хорижий экспертлар ва институтларни жалб этган ҳолда шундай экспертизалар ўтказиш;

амалдаги қонушларнинг рўёбга чиқарилиши ва уларнинг ижросини назорат қилиш механизмини такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

қонунчилик ишлари юзасидан жорий ва истиқболга мўлжалланган режалар ҳамда дастурларга донр таклифлар ишлаб чиқиш.

5. Юқорида санаб ўтилган вазифаларни бажариш учун Институт:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қўмиталари ва комиссиялари билан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари билан ўзаро ҳамкорлик қилади;

давлат илмий-техника дастурлари доирасидаги тадқиқотларнинг асосий йўналишларини, Институтнинг илмий-тадқиқот ишлари режаларини рўёбга чиқаради;

қонунчилик фаолиятининг долзарб муаммоларини илмий тадқиқ этиш соҳасида, шу жумладан инсон ҳуқуқлари соҳасида республикадаги илмий-тадқиқот институтлари ва олий ўқув юртлари билан, уларнинг идоравий бўйсунувидан қатъи назар, ўзаро ҳамкорликни амалга оширади;

халқаро ташкилотлар, хорижий илмий-тадқиқот, мас-лаҳат ва ўқув марказлари, олимлар ва мутахассислар билан илмий ва амалий алоқалар ўрнатади, алоқалар-ни ривожлантиради ва мустаҳкамлайди, улар билан ҳамкорлик шартномаларини тузади;

халқаро ҳуқуқнинг амалдаги нормалари, шу жум-ладан инсон ҳуқуқлари соҳасидаги нормалари маълум-отларининг банкни шакллантиради;

республика ва хорижий давлатларнинг олимлари ҳамда мутахассислари иштирокида муаммоли, аниқ мақ-садга қаратилган илмий мунозаралар, конференциялар, симпозиумлар ўтказиши;

халқаро ҳуқуқ нормаларининг ўрганилиши ва тақ-қосланишини ҳамда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги дав-латлараро шартномаларга Ўзбекистоннинг қўшилиши юзасидан таклифлар тайёрлашини таъминлайди;

қонун лойиҳалари юзасидан таклифлар тайёрлайди ҳамда Ўзбекистоннинг халқаро мажбуриятларга риоя этиши нуқтаи назаридан қонунларнинг экспертизасини ўтказиши.

III. ИНСТИТУТНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

6. Институт ўзига юклатилган вазифаларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳуқуқий му-носабатларга ўз номидан киришиш;

Институт ваколат доирасига кирувчи муаммолар юзасидан мувофиқлаштирувчи, илмий-маслаҳат ва бош-қа кенгашлар, идоралараро эксперт комиссиялари ту-зиш, шунингдек махсус йиғилишлар чақириш;

амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги соҳасида таклифлар, хулосалар ва таҳлилий материаллар тай-ёрлаш учун заруратга қараб олимлар, мутахассислар-дан муваққат ишчи гуруҳлари тузиш;

тегишли халқаро ва хорижий ташкилотлар билан белгиланган тартибда муқобиллик асосида керакли ахборот алмашувини ўтказиш;

ўз фаолиятини молиялаш учун Институт олаётган бюджетдан ташқари маблағлардан, шу жумладан ва-люта маблағларидан қонунда белгиланган тартибда фойдаланиш;

Ўзбекистон Республикасининг норматив ҳужжатлари-ни, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларидан, ва-

зирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, уюшмалар, корпорациялар, концернлар, корхоналар ва ташкилотлар, ҳокимликлардан йўриқнома йўсинидаги ҳисобот, ахборот ва таҳлилий материалларни белгиланган тартибда олиш;

шартнома асосида илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш, олинган даромадни Институт ходимларини моддий рағбатлантиришга, унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга, ижтимоий масалаларни ҳал этишга сарфлаш;

банкларда ҳисоб-варақлар очиш ва улар бўйича тегишли операциялар ўтказиш.

IV. ИНСТИТУТНИ БОШҚАРИШ

7. Институтга директор бошчилик қилади, у Олий Мажлис Кенгаши томонидан, Кенгаш қарорини кейинчалик сессияда тасдиқлаш шarti билан лавозимга тайинланади ва лавозимдан бўшатилади.

Директор давлат ҳокимияти ва бошқарувининг республика ҳамда маҳаллий органларида, корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларда, жамоат бирлашмаларида, халқаро ташкилотларда Институт номидан иш қўради.

8. Институт директори:

Институтнинг фаолиятига раҳбарлик қилади;

ўзининг ваколат доирасига тааллуқли масалалар юзасидан қарорлар қабул қилади;

Институт ходимлари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар ва фармойишлар чиқаради;

Институтга юкланган вазифалар бажарилиши ва ўзиммасидаги вазифалар амалга оширилиши учун шахсан жавоб беради;

белгилаб қўйилган миқдор ва иш ҳақи фонди доирасида. Олий Мажлис Кенгаши билан келишилган ҳолда Институтнинг штат жадвалини тасдиқлайди;

Институтнинг таркибий бўлинмалари тўғрисидаги низомларни тасдиқлайди;

Институтнинг харажатлар сметасини тасдиқлайди;

Институтнинг ҳисоботларини, услубий ва йўриқнома ишланмаларини тасдиқлайди;

Институт номидан шартномалар ва битимлар тузади; қонун ҳужжатларига мувофиқ ходимлар билан меҳнат шартномалари тузади ва уларни тўхтатади;

ходимларни рағбатлантириш ва тақдирлаш шаклла-

рини белгилайди, лавозим маошларига устама ва қўшимча ҳақлар белгилаб қўяди, ходимларга моддий ёрдам кўрсатиш юзасидан қарорлар қабул қилади;

Институтнинг моддий бойликлари ва ундирилган маблағларини тасарруф этади, мол-мулкни бошқариш юзасидан қарорлар қабул қилади, молиявий, тўлов ва ҳисоб-китоб ҳужжатлари ҳамда бошқа ҳужжатларни имзолайди, шончномалар беради;

Институт ходимлари ўртасида лавозим вазифаларини тақсимлайди;

Ўз ваколати доирасида бошқа масалаларни ҳал этади.

9. Институт директорининг ўринбосари директорнинг топшириғи бўйича унинг айрим вазифаларини бажаради ва у бўлмаган ёки ўз вазифаларини амалга ошириши мумкин бўлмаган ҳолда директор лавозимини вақтинча эгаллаб туради.

10. Бўлимларнинг бошлиқларини, муваққат ижодий жамоаларнинг раҳбарларини Институт директори тайинлайди.

11. Институтнинг асосий тарқибий бўлимлари қуйидагилардан иборат: бўлим, шўъба, аниқ муаммоларни ҳал этиш учун тузиладиган тадқиқот ишчи гуруҳи.

12. Институт доирасида Институт таъсис этадиган даврий нашрларнинг таҳрир ҳайъати ва таҳририяти ташкил этилиши мумкин.

V. ИНСТИТУТНИНГ. МОЛ-МУЛКИ, МУЛКИ ВА МОЛИЯВИЙ МАБЛАҒЛАРИ

13. Институтнинг мол-мулкни асосий фондлар, муомаладаги маблағлар, шунингдек молиявий ресурслар ва молия билан таъминлашнинг барча манбалари ҳисобидан олинган бошқа моддий бойликлар ташкил этади.

Институт мол-мулкнинг қиймати унинг мустақил балансида акс этилади.

14. Институт маблағлари:

Институт Уставда белгиланган фаолиятни амалга ошириши учун керакли бюджет маблағлари;

Давлат илмий-техника дастурлари рўйхатига киритилган илмий дастурларни молия билан мақсадли таъминлаш, танлов ишларини, шунингдек давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг буюртмалари асосида бажариладиган ишларни амалга ошириш учун ажратиладиган маблағлардан ташкил топади.

VI. ҲИСОБ ВА ҲИСОБДОРЛИК

15. Институт ўз фаолияти натижаларининг бухгалтерия ҳисобини юритади, статистика ҳисобдорлигини олиб боради.

VII. ИНСТИТУТ УСТАВИГА ЎЗГАРТИШЛАР ВА ҚУШИМЧАЛАР КИРИТИШ

16. Институт Уставига ўзгартишлар ва қўшимчаларни Олий Мажлис Кенгаши кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида тасдиқлаш шарти билан киритиши мумкин.

VIII. ИНСТИТУТНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

17. Институтни қайта ташкил этиш (қўшиб юбориш, бирлаштириш, бўлиш, ажратиб чиқариш, қайта тузиш) ёки тугатиш Олий Мажлис Кенгашининг қарори асосида кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида тасдиқлаш шарти билан амалга оширилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказини тузиш тўғрисида

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилишнинг таъсирли воситасини барпо этиш, халқаро ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш ташкилотлари билан ҳамкорликни кенгайтириш, давлат муассасалари ходимлари ва барча аҳолининг инсон ҳуқуқлари бўйича маданиятини ошириш мақсадида, БМТнинг инсон ҳуқуқлари ва бошқарув тизимини демократиялашни қўллаб-қувватлаш дастурига мувофиқ:

1. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази тузилсин.

Белгилаб қўйилсинки, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази давлатга қарашли, таҳлил, маслаҳат, идоралараро ва мувофиқлаштириш органи ҳисобланади.

2. Қуйидагилар Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг асосий вазифалари деб белгилансин:

— миллий ҳаракат режасини, шунингдек, Конституция, Қонулар ва инсон ҳуқуқлари соҳасидаги умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ меъёрлари қондаларини амалга ошириш стратегиясини ишлаб чиқиш;

— инсон ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро ва миллий ташкилотлар билан ҳамкорлигини ривожлантириш;

— Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқларига риоя этилиши ва бу ҳуқуқларнинг муҳофаза қилиниши юзасидан миллий маърузалар тайёрлаш;

— давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига, шунингдек, инсон ҳуқуқлари бўйича жамоат бирлашмаларига маслаҳатлар бериб туриш фаолиятини амалга ошириш;

— давлат органларининг инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва муҳофаза қилиш соҳасида таҳсил бериш, тарғибот, ўқув-услубий адабиётларни нашр этиш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

— Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқларини

амалга ошириш ва ривожлантириш бўйича маълумотларнинг ахборот базасини барпо этиш;

— давлат органларининг инсон ҳуқуқларига риоя этиш ва бу ҳуқуқларни муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятини такомиллаштириш юзасидан уларга тавсиялар тайёрлаш;

— инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва муҳофаза қилишнинг турли жиҳатлари юзасидан тадқиқотларни ташкил этиш ва ўтказиш.

3. Белгилаб қўйилсинки, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ҳуқуқий шахс бўлиб, унга Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан тайинланадиган директор бошчилик қилади. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директорининг ўринбосари бу лавозимга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тайинланади.

4. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг фаолияти молиявий жиҳатдан республика бюджетидан давлат ҳокимияти ва бошқарув органларини сақлаб туриш учун харажатлар моддаси бўйича ажратиладиган маблағдан, шунингдек, турли хайрия бадаллари ҳисобидан таъминланади.

5. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази бўшаб қолган маблағни марказнинг моддий-техника базасини ривожлантиришга ва ходимлар меҳнатини рағбатлантиришга сарфлаш шarti билан беш йилгача солиқлар, божхона тўловлари ва йиғимларини тўлашдан озод қилинсин.

6. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сессиясининг материаллари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари, вазирликлар ва идораларнинг меъёрий ҳужжатлари ва йўриқномалари юборилиши шарт бўлган ташкилотлар рўйхатига киритилсин.

7. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказига ўзбек, рус ва инглиз тилларида «Ўзбекистонда демократиялаш ва инсон ҳуқуқлари» махсус журналинини нашр этишга рухсат берилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси вазирликлари ва идоралари Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг сўровига мувофиқ республи-

када инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш, амалга ошириш ва муҳофаза қилиш масалалари бўйича зарур ахборотни тақдим этсинлар.

9. Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги, Матбуот давлат қўмитаси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Давлат телерадиокомпанияси Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказига халқаро алоқаларни амалга оширишда, хориждаги турдош ташкилотлар билан алоқа ўрнатишда, халқаро ташкилотлар билан инсон ҳуқуқлари соҳасида битимлар тузишда ёрдам кўрсатсинлар.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафталик муддатда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг фаолиятини ташкил этиш бўйича қарор қабул қилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. КАРИМОВ.

Тошкент, 1996 йил 31 октябрь

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 13 ноябрдаги 399-сон қарорига

I-ИЛОВА

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ МАРКАЗИ ТУҒРИСИДА

Н И З О М

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази (кейинги ўринларда Марказ деб аталади) халқаро ҳуқуқнинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасида умумэътироф этилган принциплари ва меъёрларини, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қоидаларини ва қонунларини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларини, давлат сиёсатини амалга ошириш бўйича давлатга қарашли таҳлил, маслаҳат, идоралараро мувофиқлаштириш органи ҳисобланади.

2. Марказ ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қонунларига, шунингдек халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ва меъёрларига амал қилади, ўз фаолиятини мазкур Низом билан белгиланган вазифалар ва функциялардан келиб чиққан ҳолда амалга оширади.

II. МАРКАЗНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ВА ФУНКЦИЯЛАРИ

3. Қуйидагилар Марказнинг асосий вазифалари ва функциялари ҳисобланади;

фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари соҳасида миллий ҳаракат режасини ишлаб чиқиш;

инсон ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро ва миллий ташкилотлар билан ҳамкорлигини ривожлантириш;

Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқларига риоя этилиши ва бу ҳуқуқларнинг муҳофаза қилиниши юзасидан миллий маърузалар тайёрлаш;

инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилиш ва қўшма лойиҳаларни амалга ошириш масалалари бўйича халқаро ва ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш;

инсон ҳуқуқлари соҳасида давлатлараро икки томонлама ва кўп томонлама битимларни ишлаб чиқиш ва эксперт баҳолаш ҳамда уларни келишишда қатнашиш;

давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига, шунингдек инсон ҳуқуқлари бўйича жамоат бирлашмаларига маслаҳатлар бериб туриш фаолиятини амалга ошириш;

давлат органларининг инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва муҳофаза қилиш соҳасида таълим бериш, тарғибот, ўқув-услубий адабиётларни нашр этиш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш ва ривожлантириш бўйича маълумотларнинг ахборот базасини барпо этиш;

фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ривожлантириш юзасидан социологик тадқиқотлар ўтказиш ва уларда қатнашиш;

давлат органларининг инсон ҳуқуқларига риоя этиш ва бу ҳуқуқларни муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятини такомиллаштириш юзасидан уларга тавсиялар тайёрлаш;

инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилиш бўйича миллий дастурларни ишлаб чиқиш;

аҳолининг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш стратегиясини ишлаб чиқиш;

инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва муҳофаза қилиш соҳасида жамоатчилик ташаббусларини рағбатлантириш ва мувофиқлаштириш;

инсон ҳуқуқлари бўйича адабиётлар, телекурслар ва радио-эшиттиришлар, шунингдек «Ўзбекистонда демократиялаш ва инсон ҳуқуқлари» даврий нашрини тайёрлаш ва чиқариш;

миллий, минтақавий ва халқаро даражаларда инсон ҳуқуқларига риоя этиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасида илмий тадқиқотлар ташкил этиш;

инсон ҳуқуқлари бўйича ўқитиш, дастурлар тайёрлаш, конференциялар, семинарлар ва ўқув курсларини биргаликда ташкил этиш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга ошириш;

инсон ҳуқуқлари соҳасида ҳукуматга қарашли бўлмаган жамоат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ташкилотлари ва сиёсий партиялар билан ҳамкорлик қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг инсоннинг ҳуқуқлари ва асосий эркинликларига риоя қилиш, муҳофаза қилиш ва рағбатлантириш бўйича фаолияти тўғ-

рисид аҳолини, шунингдек халқаро жамоатчиликни ом-
мавий ахборот воситалари орқали хабардор қилиш.

III. МАРКАЗНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

4. Марказ қуйидаги ҳуқуқларга эгадир.

инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ва хорижий мил-
лий ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш;

инсон ҳуқуқлари тўғрисида ахборот тайёрлаш ва
тарқатиш масалалари бўйича хорижий давлатларнинг
ваколатхоналари, халқаро ташкилотлар билан, Узбе-
кистон Республикасида аккредитация қилинган ва шу
ердаги миссиялар билан бевосита ўзаро ҳамкорлик қи-
лиш;

давлат ва жамоат бирлашмаларига, Ўзбекистон Рес-
публикасининг чет элдаги ваколатхоналарига сўровлар
юбориш ҳамда инсон ҳуқуқлари шароитларини рағбат-
лантириш ва муҳофаза қилиш бўйича ахборот, таклиф,
хулоса ва бошқа зарур материалларни мажбурий тар-
тибда олиш;

инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилишнинг аҳволини
тадқиқ этиш бўйича мувофиқлаштириш кенгаши ва
бошқа кенгашлар, эксперт комиссиялари ташкил этиш;

инсон ҳуқуқлари соҳасида ахборот-таҳлил материал-
лари тайёрлаш бўйича олимлар, мутахассислардан вақ-
тинчалик ишчи гуруҳлар ташкил этиш;

инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таклифларни маслаҳат-
лашиш, ўрганиш ва тайёрлаш учун ҳам Ватанимиз, ҳам
чет эл олимлари, мутахассислари ва экспертларини жалб
этиш;

инсон ҳуқуқлари шароитларини рағбатлантириш ва
муҳофаза қилиш масалалари бўйича дастурлар ишлаб
чиқишга кўмаклашиш;

жаҳон ҳамжамиятида Ўзбекистон Республикасида
инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги ахборотни нашр этиш ва
тарқатиш;

Ўзбекистон Республикасининг БМТдаги ваколатхо-
насида ва бошқа халқаро ташкилотлардан инсон ҳу-
қуқлари бўйича масалаларнинг кўриб чиқилиши ва қа-
бул қилинган қарорлар тўғрисидаги ахборотларни маж-
бурий тартибда олиш;

халқаро ва миллий ҳуқуқни муҳофаза қилиш ташки-
лотлари билан зарур ахборотларни айирбошлаш;

инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро анжуманларда қат-

нашиш, Марказ мутахассисларини чет элга хизмат сафарига ва ўқитишга юбориш;

Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва норматив ҳужжатларини, давлат ҳоқимияти ва бошқарув органлари, вазирликлар, давлат қўмиталаридан зарур йўриқнома, ҳисобот, ахборот ва таҳлилий материалларни мажбурий тартибда текин олиш.

IV. МАРКАЗНИНГ ТУЗИЛМАСИ ВА УНИ БОШҚАРИШ

5. Марказ юридик шахс ҳисобланади, ўз номи ёзилган муҳрга, штампларига, бланкларга ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган бошқа реквизитларига эга бўлади.

Марказ ўз фаолиятини таъминлаш учун Ўзбекистон Республикасининг банкларида ва чет элда миллий ва хорижий валютада счетлар очиши мумкин.

6. Марказ республика бюджетидан ажратиладиган маблағлардан, шунингдек турли ихтиёрий бадаллардан таъминланадиган давлат нотижорат муассасаси ҳисобланади.

7. Аниқ муаммоларни ҳал этиш учун ташкил этиладиган бўлимлар ва котибият Марказнинг асосий таркибий бўлимлари ҳисобланади.

Марказ тузилмасида кутубхона, илмий-ахборот фонди, таҳририят-нашриёт бўлими фаолият кўрсатади.

Марказ фаолияти доирасида Марказ томонидан таъсис этиладиган таҳрир ҳайъати ва даврий нашрлар таҳририяти тузилади.

8. Марказга Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан тайинладиган ва озод этиладиган директор ва унинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тайинладиган ва озод этиладиган ўринбосари бошчилик қилади.

Марказ директори мақоми, меҳнатга ҳақ тўлаш, ижтимоий-маиший таъминот, тиббий ва транспорт хизмат кўрсатиш шароитлари бўйича Ўзбекистон Республикаси вазирига, директор ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси вазирининг биринчи ўринбосарига тенглаштирилади.

9. Марказ директори:

Марказ фаолиятига раҳбарлик қилади;

Олий Мажлис қўмиталари ва комиссиялари, Вазирлар Маҳкамаси бўлимлари, вазирликлар ва идоралар

билан ўзаро ҳамкорлик қилади ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқарувининг барча республика ва маҳаллий органларида, хорижий мамлакатларнинг инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича халқаро ва миллий ташкилотларида Марказ номидан вакиллик қилади;

Олий Мажлис сессияларида, Олий Мажлис қўмиталари ва комиссияларининг, Вазирлар Маҳкамасининг, вазирликлар ва идоралар ҳайъатларининг, Фанлар академияси Президиумининг, илмий ва ўқув юртлари илмий кенгашларининг инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича мажлисларида қатнашади;

Марказ ваколатига тааллуқли масалалар бўйича қарорлар қабул қилади;

Марказ бўлинмалари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар ва фармойишлар чиқаради, кўрсатмалар беради;

хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар вакиллари билан музокаралар олиб боради;

Марказ зиммасига юкланган вазифаларнинг бажарилиши ва унинг ўз функцияларини амалга ошириши учун шахсан жавоб беради, хизматлар раҳбарларининг жавобгарлиги даражасини белгилайди;

Марказ харажатлари сметасини тасдиқлайди;

белгиланган ходимлар сони ва иш ҳақи фонди доирасида Марказнинг штатлар жадвалини тасдиқлайди;

Марказ мутахассисларини хорижий мамлакатларга хизмат сафарларига юбориш тўғрисида қарор қабул қилади;

Марказнинг таркибий бўлинмалари тўғрисидаги низомни тасдиқлайди;

Марказ ходимлари ўртасида лавозим вазифаларини тақсимлайди;

Марказ номидан шартномалар, битимлар, шу жумладан меҳнат бўйича ҳам, тузади;

меҳнат қонунчилиги нормаларига биноан Марказ ходимларини ишга қабул қилади ва ишдан бўшатади;

Марказ ходимларини моддий рағбатлантириш ва тақдирлаш шаклини аниқлайди, Марказнинг юқори маълакали мутахассисларига ва маъмурий ходимларига моддий рағбатлантириш махсус фонди ҳисобидан тариф ставкасининг 100 фоизигача миқдорда ҳар йиллик устама белгилайди;

инсон ҳуқуқлари соҳасида тадқиқотларни ташкил этиш учун консультантлар, экспертлар ва мутахассис-

ларни, шу жумладан хорижий мамлакатлардан, жал этишнинг турли иқтисодий шаклларида, чунончи, хорижий мутахассислар учун контрактлар бўйича эрки муомаладаги валютада ҳақ тўлаш шаклидан фойдаланади;

Марказ маблағларини тасарруф этади, мол-мулкни бошқариш бўйича қарорлар қабул қилади, молия, тўлов-ҳисоб-китоб ҳужжатларини ва бошқа ҳужжатларни имзолайди, ишончномалар беради;

Марказ фаолиятининг бошқа масалаларини кўриб чиқади ва ҳал қилади.

10. Директор ўринбосари Марказ фаолиятининг энг муҳим йўналишларига ташкилий ва услубий раҳбарликни амалга оширади, ўзига бириктирилган таркибий бўлинмалар ишига раҳбарлик қилади.

V. МАРКАЗНИНГ МОЛ-МУЛКИ, ЎЗ МУЛКИ ВА МОЛИЯВИЙ МАБЛАҒЛАРИ

11. Марказнинг мол-мулки асосий фондлар (бинолар, йншоотлар, асбоб-ускуналар, транспорт воситалари ва шу кабилар)дан, айланма маблағлардан, шунингдек маблағ билан таъминлашнинг барча манбалари ҳисобига сотиб олинган молиявий ресурслар ва бошқа моддий бойликлардан иборат бўлади.

Марказ мол-мулкнинг қиймати унинг мустақил балансида акс эттирилади.

12. Марказ маблағлари:

Марказнинг уставдаги фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган бюджет ажратмалари;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига шаклланади.

13. Марказ фаолиятидан олинган даромадларга, шунингдек хайрия, ҳомийлик ва ҳолисона тушумлар ҳисобига сотиб олинган мол-мулклар Марказнинг ўз мулки ҳисобланади.

14. Марказ хорижий мамлакатларга жўнаб кетаётган ўз ходимларига хизмат сафари ва бошқа харажатларни хорижий валютада тўлаш ҳуқуқига эга.

15. Марказ асосий фондларни ва айланма маблағларни, бошқа моддий бойликларни юридик шахсларга ижарага бериш ва сотиш, шунингдек уларни қонунда белгиланган тартибда балансдан чиқариш ҳуқуқига эга.

16. Марказ ўз мажбуриятлари бўйича ўзига бирик-

гирилган, амалдаги қонунчиликка мувофиқ тўлов ундириб олиниши мумкин бўлган мол-мулк билан жавоб беради.

17. Мажбурий тўловлар тўлангандан кейин Марказ ихтиёрида қоладиган маблағлар Марказнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирилади.

VI. ҲИСОБГА ОЛИШ, ҲИСОБОТ ВА НАЗОРАТ

18. Марказ ўз фаолияти натижаларининг оператив ва бухгалтерия ҳисобини амалга оширади, статистик ҳисоботни юритади, ҳисобот маълумотларининг ва баланс ҳисоб-китобларининг тўғрилигини таъминлайди.

VII. ФАОЛИЯТНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУХТАТИШ

19. Марказни тугатиш ёки қайта ташкил қилиш (қўшиш, бирлаштириш, бўлиш, ажратиш, қайта барпо этиш) Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорига биноан амалга оширилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида

Ҳуқуқий демократик давлат қурилиши, қонунчиликни мустаҳкамлаш ва ижтимоий адолат қарор топишини таъминлаш, маънавий ва маданий ривожланишнинг устувор йўналишларини белгилаш, амалга оширилаётган ислохотларни янги мазмун билан бойитиш, аҳолининг ҳуқуқий билими ва онгини юксалтириш, жамиятнинг сиёсий фаоллигини ошириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва жамоатчилик фикрини ўрганиш борасидаги ишларни яхшилаш мақсадида:

1. Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш ва ҳуқуқий тарбиясини яхшилаш юзасидан олиб борилаётган ишлар давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири этиб белгилансин.

Республикада ҳуқуқий давлат қурилиши йўлида олиб борилаётган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ислохотлар ва бу борада қабул қилинган қонунлар моҳиятини аҳоли чуқур англаб етишига ҳар томонлама кўмаклашиш — давлат бошқарув, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, ўқув юртлари ҳамда ҳуқуқшунос олимларнинг энг долзарб вазифалари эканлиги кўрсатилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази, «Маҳалла» хайрия жамғармаси, Хотин — қизлар қўмитаси, «Камолот» жамғармаси ҳамда Ўзбекистон Республикасидаги инсон ҳуқуқлари бўйича ва бошқа бир қатор манфаатдор ташкилотларнинг «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш марказини тузиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2.1. Жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази давлатга қарашли бўлмаган (нодавлат) мустақил илмий-тадқиқот муассасаси эканлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Марказнинг Низомида қуйидаги асосий вазифалари белгиланганлиги эътиборга олинсин:

— инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилиниши, сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш муаммолари, шунингдек, ижтимоий муносабатлар ривожининг бошқа долзарб масалалари бўйича жамоатчилик фикрини ўрганиш;

— мамлакат ижтимоий, иқтисодий ҳаёти, давлат сиёсати ва ҳукумат фаолияти тўғрисидаги жамоатчилик фикрини умумлаштириш ва таҳлил этиш;

— ислоҳотларнинг долзарб муаммолари, аҳолининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви олий идораларининг қарорларини тушунишлари юзасидан жамоатчилик фикрининг устувор йўналишларини аниқлаш;

— кишилар дунёқарашининг шаклланишидаги асосий йўналишлар, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, ахлоқий, ҳуқуқий онгининг ҳолати ва мазмунини аниқлаш;

— аҳолининг сиёсий, ҳуқуқий маданияти савиясини ўрганиш ва уларни ривожлантиришнинг асосий йўналишларини аниқлаш;

— жамоатчилик фикрини ўрганишнинг услубий асосларини такомиллаштириш соҳасида фундаментал ва амалий тадқиқотларни ташкил қилиш;

— ижтимоий тадқиқотлар ўтказишнинг илмий-услубий талабларига мувофиқ, жамоатчилик фикрини ўрганиш бўйича сўровлар ўтказиш.

2.2. Жамоатчилик фикрини ўрганиш марказига «Ўзбекистонда жамоатчилик фикри» махсус даврий журналини ўзбек, рус ва инглиз тилларида нашр қилишга рухсат берилсин.

2.3. Ташқи ишлар вазирлиги, бошқа вазирликлар ва идоралар «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш марказига хориждаги шу йўналишда иш юритувчи ташкилотлар билан халқаро алоқаларни амалга ошириш, унинг сўровларига мувофиқ тегишли ахборотларни тақдим қилиш борасида ёрдам кўрсатсинлар.

2.4. «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сессиялари ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, вазирликлар ва идораларнинг меъёрий ҳужжатлари ва статистик тўпламлари мажбурий равишда юборилувчи ташкилотлар рўйхатига киритилсин.

3. Тошкент давлат юридик институти ҳузурида ҳуқуқий маърифат тарғиботи маркази ва Қорақалпоғистон

Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари адлия бошқармалари ҳузурида унинг минтақавий бўлимлари тузилсин.

Туман (шаҳар) ҳокимликлари қошида жамоатчилик асосида ҳуқуқий маърифат тарғиботи марказининг бўлимлари ташкил қилинсин.

3.1. Ҳуқуқий маърифат тарғиботи марказининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари қуйидагича белгилансин:

мамлакатда ҳуқуқий таълимни ташкил қилишга ёрдамлашиш, аҳоли ўртасида ҳуқуқий билимларни тарғиб қилиш, ҳуқуқий соҳадаги таълим ишларини услубий жиҳатдан таъминлаш;

аҳоли турли ижтимоий гуруҳларининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, ҳуқуқий тарбия ва таълимнинг замонавий турларини тадбиқ этиш борасида тавсиялар ишлаб чиқиш;

аҳолининг ҳуқуқий билимини ошириш мақсадида янги қонунчилик ва меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларни даврий умумлаштирилишини амалга ошириш ҳамда уларни марказнинг минтақавий бўлимларига етказиш;

ҳуқуқий таълимнинг ҳолатини умумлаштириш ва таҳлил қилиб бориш, уларни яхшилаш юзасидан таклифларни ишлаб чиқиш;

жойларда ҳуқуқий тарғибот ишларини мувофиқлаштириш.

3.2. Вазирликлар ва идоралар ўзларининг таълим борасидаги ишларини ҳуқуқий маърифат тарғиботи маркази билан мувофиқлаштирадилар, унинг сўровларига кўра лекциялар ўқиш, илмий тадқиқот ишларини олиб бориш учун тегишли мутахассисларни ажратиб, ҳар томонлама кўмак берадилар.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошида юристлар малакасини ошириш маркази тузилсин, мазкур марказда адлия, суд, прокуратура, адвокатура, давлат бошқаруви идоралари, мулкчилик туридан қатъи назар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ходимларининг ўқитилиши кўзда тутилсин.

4.1. Қуйидагилар юристлар малакасини ошириш марказининг асосий вазифалари қилиб белгилансин:

а) ҳуқуқшунос кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;

б) ҳуқуқ соҳасида илмий тадқиқотларни амалга ошириш, ҳуқуқшунослар орасида кадрлар сиёсатини та-

комиллаштириш борасида тавсияларни ишлаб чиқиш ва тақдим қилиш;

в) ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш масалалари юзасидан халқаро ташкилотлар билан алоқаларни амалга ошириш.

4.2. Юристар малакасини ошириш маркази фаолиятини молиявий таъминлаш республика бюджетининг давлат ҳокимияти ва бошқарувига ажратиладиган маблағлари ҳисобига амалга оширилсин.

4.3. Марказга ўқув ва тадқиқот ишларини амалга ошириш учун республика ва чет эл илмий марказларининг кўзга кўринган олимларини, тажрибали амалиётчиларни ўриндошлик ёки алоҳида шартномалар тузиш йўли билан жалб этиш ҳуқуқи берилсин.

4.4. Юристар малакасини ошириш маркази Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, вазирликлар ва идораларнинг меъёрий ҳужжатлари ва статистик тўпламлари мажбурий равишда юборилувчи ташкилотлар рўйхатига киритилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 10 кун муддат ичида Адлия вазирлиги тизимида фуқароларнинг адлия ва суд идоралари ходимларининг ноқонуний ҳаракатлари устидан шикоят ва аризаларини кўриб чиқадиган алоҳида бошқарма тузиш тўғрисида қарор қабул қилсин.

6. Адлия вазирлиги Давлат матбуот қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда манфаатдор вазирликлар ва идораларнинг республика аҳолиси учун илмий-оммабоп ҳуқуқий адабиётларни нашр қилишни кенгайтириш борасида фаолияти дастурини ишлаб чиқсин (мавзули дастурлар ҳам шу жумладан).

6.1. Аҳолига сотиладиган ҳуқуқий илмий-оммабоп адабиётлар ва кўргазмалли қўлланмалар қийматининг 50 фоизи давлат бюджети ҳисобидан қопланиши белгилансин.

6.2. Ҳуқуқий маърифат тарғиботи маркази ҳузурида илмий-оммабоп ҳуқуқий адабиётларни чиқариш бўйича идоралараро республика мувофиқлаштирувчи-услубий кенгаши тузилсин.

6.3. Мазкур кенгашга нашр қилишга тавсия қилин-

тан ҳуқуқий адабиётларни илмий-оммабоп адабиётлар мақомига киритиш ҳуқуқи берилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда ушбу Фармоннинг бажарилиши юзасидан тегишли қарорлар қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И. ҚАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1997 йил 25 июнь. № ПФ—1791

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ

Қ А Р О Р И

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошида юристлар малакасини ошириш марказини ташкил этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг хуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, хуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида»ги 1997 йил 25 июндаги ПФ-1791-сонли Фармониға мувофиқ, ҳокимият ва хуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг юқори малакали кадрларға бўлган эҳтиёжини қондириш, замонавий билимлар асосида хуқуқшунос ходимларнинг касбий тайёргарлигини ҳамда уларни қайта тайёрлашни тубдан яхшилаш, шунингдек, хуқуқшунослик соҳасидаги илмий-тадқиқотларнинг савиясини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошида адлия ва суд органлари ходимларининг малакасини ошириш институти негизида Юристлар малакасини ошириш маркази ташкил этилсин. Унинг тузилмаси, Устави тасдиқлансин.

2. Юристлар малакасини ошириш маркази раҳбарияти директор ва унинг икки ўринбосаридан иборат таркибда тасдиқлансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, Юристлар малакасини ошириш марказида:

— адлия, суд, прокуратура, адвокатура ҳамда ҳокимият идоралари, мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар юридик хизматининг олий маълумотли ходимлари, шунингдек, хуқуқшунослик фани ўқитувчилари 3 ойлик курсда қайта тайёрланадилар ва малака оширадилар;

— ёш мутахассислар ва раҳбарлик лавозимига захираға олинган ходимлар 6 ойлик курсда ўқитиладилар;

— маълум тоифа кадрлар учун қисқа муддатли ўқишлар ташкил қилинади;

— ўқув курсини муваффақиятли тугатган тингловчи-

ларга белгиланган намунадаги гувоҳнома ва уларнинг иш жойига тавсифнома берилади;

— ҳуқуқшунослар орасида кадрлар сиёсатини такомиллаштириш борасида тавсиялар ишлаб чиқилади;

— ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш масалалари юзасида халқаро ташкилотлар билан алоқалар амалга оширилади;

— ҳуқуқшунослик соҳасида олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларини таҳлил қилиш, уларнинг савияси ва самарадорлигини оширишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилади.

4. Марказ тингловчилари учун ўқиш давомида уларнинг асосий иш жойларидаги иш ҳақлари ва лавозимлари сақланиб қолинади. Жойлардан келган тингловчиларга амалдаги қонунчиликка мувофиқ суткалик, ўқиш манзилига келиш ва қайтиб кетиш харажатлари тўланади, шунингдек, улар ётоқхона билан таъминланадилар.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда мазкур марказда ўқитиш, қайта тайёрлаш ва малака ошириш тартиби тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

6. Марказнинг профессор-ўқитувчилари ва илмий ходимларига республиканинг олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот муассасаларида амалда бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорлари, бошқа ходимларга эса давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг амалдаги шартларига мувофиқ тариф ставкалари белгилансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш марказига шу йўналишдаги хорижий ва халқаро институтлар, ташкилотлар билан алоқаларни амалга оширишда ёрдам кўрсатсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига;

1998 йилдан бошлаб ҳар йили марказнинг буюртмасига мувофиқ, хорижий мутахассисларни ишга таклиф этиш, марказ ходимларининг халқаро илмий-амалий анжуманларда иштирок этиши, шунингдек, даврий нашрларга обуна бўлишлари, хорижда чиқариладиган дарсликлар ва ўқув қўлланмаларидан олишлари учун, шу жумладан, эркин алмаштириладиган валюталарда;

— марказни асбоб-ускуналар, офис мебели, ташки-

лий-техника воситалари билан жиҳозлаш ва транспорт воситалари олиш учун;

— марказнинг фаолият кўрсатиши, шу жумладан, мазкур қарор шартларига мувофиқ, иш ҳақи, бино ва иншоотларни жиҳозлаш ҳамда капитал таъмирлаш, ўқув-услубий қўлланмалар ва илмий асарлар нашр этириш учун тақдим қилинган ҳисоб-китобларга кўра, зарур маблағлар ажратиш топширилсин.

9. Тошкент шаҳар ҳокимияти 2 ой муддатда республика Юристар малакасини ошириш марказига зарур бино ажратиб, ўқув жараёни хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишларини амалга оширсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги белгиланган тартибда Марказни замонавий алоқа воситалари билан таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 19 январдаги «Ўзбекистон Республикаси адлия органлари ва судлари фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида»ги 18-сон Қарорининг 2-банди ўз кучини йўқотган, деб ҳисоблансин.

12. Ушбу Қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Б. Гулёмов зиммасига юклатилсин.

**Вазирлар Маҳкамасининг
Раиси**

И. КАРИМОВ

1997 йил 21 июнь, № 364

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ

Қ А Р О Р И

1997 йил 10 июль № 345

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимида
Фуқароларнинг қонунчиликнинг бузилиши юзасидан
шикоят ва аризаларини кўриб чиқиш бошқармасини
тузиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг хуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, хуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида»ги 1997 йил 25 июндаги Фармонига биноан, инсон хуқуқлари кафолатларини янада кенгайтириш, қонунийликни мустаҳкамлаш, ижтимоий адолатни қарор топтириш, фуқаролар хуқуқларининг поймол қилиниши ҳолларининг олдини олишни таъминлашда адлия ва суд органлари ходимларининг масъулиятини ошириш, уларнинг фуқароларнинг қонуний талаб ва эҳтиёжларига эътиборини кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги марказий аппарати таркибида, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари адлия бошқармалари таркибида Фуқароларнинг қонунчиликнинг бузилиши юзасидан шикоят ва аризаларини кўриб чиқиш бошқармаси ва гуруҳлари ташкил этилсин.

Адлия вазирлиги 10 кун муддат ичида ушбу бошқарманинг Низомини ишлаб чиқиб, тасдиқласин.

2. Шикоят ва аризаларни кўриб чиқиш бошқарма ва гуруҳларининг вазифалари қуйидагича белгилансин:

— фуқароларнинг қонуний ҳақ-хуқуқлари поймол қилинишига йўл қўймаслик, бу хусусдаги ариза ва шикоятларни диққат-эътибор билан ҳар томонлама холисона кўриб чиқиш;

— ариза ва шикоятларни Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонунига тўла риоя қилган ҳолда кўриб чиқишни таъминлаш, бу масалада сансалорлик, расмиятчиликка ва тўрачилик-

ка йўл қўймаслик, кўрилган шикоятлар юзасидан қабул қилинган қарорлар ҳақида фуқароларга ёзма ёки оғзаки тарзда маълум қилиш, ўринли бўлмаган масалалар юзасидан тушунтириш ишларини амалга ошириш;

— қонунчиликнинг бузилиши ҳолатлари юзасидан тушган шикоятларни жойларда мутасадди ташкилотлар ва мутахассислар билан биргаликда текшириб, адолатли қарор қабул қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш чораларини кўриш, қонунчиликнинг бузилиши ҳолларини келтириб чиқариш сабаб ва шароитларини аниқлаш ҳамда уларни баргараф қилиш;

— адлия тизимидаги идораларнинг шикоят ва аризаларни кўриб чиқиш билан боғлиқ фаолиятини ўрганиш ва бу борадаги ишларни умумлаштириш, шу йўналишдаги ишларни янада такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқиш.

3. Адлия вазирлиги, унинг жойлардаги бошқармалари фуқароларнинг қонунчиликнинг бузилиш ҳолатларига тегишли мурожаатларини кўриб чиқиш натижаларини ҳайъатда муҳокамага киритиб асосли қарорлар қабул қилиши, белгиланган вазифаларнинг ижроси устидан назорат ўрнатиши, шунингдек, фуқароларни шикоят қилганлик учун таъқиб қилишга йўл қўймаслик, бу масалаларда раҳбар ходимларнинг масъулиятини ошириши муҳим эканлиги таъкидлансин.

4. Республика ташкилотлари, Қорақалпоғистон Республикаси, ҳокимликлар мутасадди идоралари қонунчиликнинг бузилиш ҳолатлари юзасидан кўрилган чоратадбирлар жойларда соғлом маънавий-руҳий вазият ҳосил қилишини, қонунларимизга ҳурматли муносабатда бўлишни таъминласинлар.

5. Адлия вазирлиги, унинг бошқармаси ва жойлардаги гуруҳлари фуқароларнинг қонунчиликнинг бузилиши юзасидан шикоят ва аризаларини кўриб чиқиш билан боғлиқ фаолияти тўғрисида аҳоли турли табақаларини муттасил равишда хабардор қилиб турсинлар, бу борада оммавий ахборот воситалари имкониятларидан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор берсинлар.

Ўзбекистон Телерадиокомпаниясига ҳамда бошқа оммавий ахборот воситаларига фуқароларнинг қонунчиликнинг бузилиш ҳолатлари бўйича мурожаатларининг кўриб чиқилиши масаласини кенг ёритиш тавсия этилсин.

6. -Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш масалалари тўғрисида» 1992 йил 12 ноябрдаги 523-сон қарорига тегишли ўзгартишлар киритилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимида ташкил этилаётган бошқармани таъминлаш учун зарур маблағлар ажратсин.

8. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Б. Ғуломов зиммасига юклатилсин.

**Вазирлар Маҳкамасининг
Раиси**

И. ҚАРИМОВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ

Қ А Р О Р И

1997 йил 22 июль, № 367

Ҳуқуқий маърифат тарғиботи Марказини ташкил қилиш ва ҳуқуқий адабиётларни аҳолига етказиб беришни йўлга қўйиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида»ги 1997 йил 25 июндаги ПФ-1791-сонли Фармонига мувофиқ, аҳолининг ҳуқуқий билими ва онгини юксалтириш, жамият аъзоларининг ҳуқуқий фаоллигини ошириш, ислохотларни янги мазмун билан бойитиш юзасидан олиб борилаётган ишлар давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири этиб белгиланганлигини инобатга олиб, Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Тошкент давлат юридик институти ҳузурида Ҳуқуқий маърифат тарғиботи маркази ва Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимликлари адлия бошқармалари ҳузурида унинг минтақавий бўлимлари ташкил этилсин. Марказнинг тузилмаси ҳамда Устави тасдиқлансин.

2. Ҳуқуқий маърифат тарғиботи марказининг асосий вазибалари ва фаолият йўналишлари қуйидагича белгилансин:

— мамлакатда ҳуқуқий таълим фаолиятини кучайтириш ва услубий жиҳатдан таъминлаш, аҳоли ўртасида ҳуқуқий билимларни тарғиб қилиш;

— аҳоли турли ижтимоий гуруҳларининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, ҳуқуқий тарбия ва таълимнинг замонавий турларини татбиқ этиш борасида тавсиялар ишлаб чиқиш;

— аҳолининг ҳуқуқий билимини ошириш мақсадида янги қонунчилик ва меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларни дав-

рий умумлаштириш, уларни аҳолига етказиш учун марказнинг минтақавий бўлимларига юбориш;

— ҳуқуқий таълимнинг ҳолатини умумлаштириш ва таҳлил қилиб бориш, бу соҳани такомиллаштириш юзасидан таклифларни ишлаб чиқиш;

— жойларда ҳуқуқий тарғибот ишларни мувофиқлаштириш;

— оммабоп ҳуқуқий адабиётларни, ўқув-услугий қўлланмаларни ва дарсликларни тайёрлашни мувофиқлаштириш;

— аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва савиясини оширишга қаратилган ташкилий-тарғибий ишларда жамоат бирлашмалари, ҳуқуқий муҳофаза қилувчи идоралар ва илмий муассасалар билан ҳамкорлик қилиш.

3. Ўзбекистон Республикаси прокуратураси, суд, ички ишлар ва адлия идоралари, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Фанлар академияси Ҳуқуқий маърифат тарғиботи маркази вазифаларининг амалга оширилишида унга яқиндан амалий ёрдам кўрсатсинлар.

4. Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази, Қасаба уюшмалари федерацияси кенгаши, Хотин-қизлар қўмитаси, «Қамолот», «Маҳалла» жамғармалари ва бошқа жамоат бирлашмаларига аҳолининг ҳуқуқий билимларини ошириш юзасидан аниқ мақсадга йўналтирилган тарғибий ишларни амалга ошириш тавсия этилсин.

Мазкур масала билан боғлиқ бўлган оммавий, маърифий, тарғибий-ташкилий ишларнинг Ўзбекистон Телерадиокомпанияси ва бошқа оммавий ахборот воситалари томонидан кенг ёритилиши муҳим эканлиги таъкидлансин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликларига Ҳуқуқий маърифат тарғиботи марказининг минтақавий бўлимларини зарур асбоб-ускуналар, офис мебели, ташкилий техника воситалари билан жиҳозлашда, ҳуқуқий тарғибот ишини юритишда яқиндан ёрдам кўрсатиш топширилсин.

Туман (шаҳар) ҳокимликлари қошида жамоатчилик асосида Ҳуқуқий маърифат тарғиботи марказининг ҳудудий бўлимларини ташкил қилиш Қорақалпоғистон

Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига топширилсин.

Ҳудудий-маърифат тарғиботи марказининг туман (шаҳар)лардаги минтақавий бўлими йшини ташкил қилиш, ҳуқуқий тарғибот ишларини мувофиқлаштириш туман (шаҳар) ҳокимлари зиммасига юклатилсин.

6. Ҳуқуқий маърифат тарғиботи маркази ва унинг минтақавий бўлимлари ходимларига давлат ҳокимияти органлари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг амалдаги шартларига мувофиқ тариф ставкалари белгилансин.

7. Ҳуқуқий маърифат тарғиботи маркази ҳузурида илмий-оммабоп ҳуқуқий адабиётларни чиқариш бўйича идоралараро республика мувофиқлаштирувчи-услубий кенгаш тузилсин.

Мазкур кенгашга нашр этишга тавсия қилинган ҳуқуқий адабиётларни илмий-оммабоп адабиётлар мақомига киритиш ҳуқуқи берилсин.

8. Ҳуқуқий маърифат тарғиботи маркази Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Республика Президенти Фармонлари ва фармойишлари, Олий Мажлис сессиялари ҳужжатлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари, вазирликлар ва идораларнинг меъёрий ҳужжатлари ва статистик тўпламларини олувчи ташкилотлар рўйхатига киритилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси Ҳуқуқий маърифат тарғиботи марказини махфий бўлмаган босма асарлар ва китоб маҳсулотининг (ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, тарихий) назорат нусхалари юборилувчи ташкилотлар рўйхатига киритсин.

10. Оммабоп ҳуқуқий адабиётларни нашр этишни кўпайтириш ва уларни республика аҳолисига арзон нархларда сотишни йўлга қўйиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси мавжуд «Адолат» нашриёти моддий-техникавий негизини мустаҳкамлашга яқиндан ёрдамлашсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Давлат матбуот қўмитаси, «Китоб савдоси» давлат ҳиссдорлик уюшмаси, «Матбуот тарқатиш уюшмаси» акционерлик жамияти билан биргаликда ҳуқуқий илмий-оммабоп адабиётлар, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини аҳолига 50 фоиз арзонлаштирилган нархларда сотиш тартибларини ишлаб чиқиб тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Адлия вазирлиги буюртмасига мувофиқ Ҳуқуқий маърифат тарғиботи марказини жиҳозлаш, транспорт воситалари олиш ва фаолиятини ташкил этиш учун зарур маблағлар ажратсин.

13. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Б. Фуломов зиммасига юклатилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг
Раиси

И. КАРИМОВ.

МУНДАРИЖА

Инсон ҳуқуқлари — демократия мактаби (муқаддима ўрнида) А. С. Саидов	3
<i>I боб.</i> Инсон ҳуқуқлари — демократия пойдевори. А. Х. Саидов	5
1. Инсон ҳуқуқлари ва қонунчилик	5
2. Ижтимоий фанлар ва инсон ҳуқуқлари	9
3. Инсон ҳуқуқлари — мустақил ўқув фани сифатида	12
<i>II боб.</i> Инсон ҳуқуқлари ва маънавият. А. Х. Саидов	16
1. Инсон ҳуқуқлари ва умумбашарий қадриятлар.	16
2. Инсон ҳуқуқлари ва Шарқ фалсафаси.	17
3. Инсон ҳуқуқлари ва ўзбек миллий мафқураси	18
4. Инсон ҳуқуқлари ва тарихий ҳуқуқий мерос	23
<i>III боб.</i> Конституция ва инсон ҳуқуқлари С. А. Султонов	27
1. Истиқлол ва мустақиллик қомуси	27
2. Фуқаролик ва тенгҳуқуқлик	27
<i>IV боб.</i> Ўзбекистонда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари. С. А. Султонов	37
1. Фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, бурчлари тушунчаси	37
2. Фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари	41
3. Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг шахсий ҳуқуқлари ва эркинликлари	46
4. Фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқлари ва демократик эркинликлари	53
<i>V боб.</i> Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларининг кафолатлари. С. А. Султонов	61
1. Фуқаролар ҳуқуқ ва бурчларининг ўзаро боғлиқлиги	61
2. Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатланиши	65
<i>VI боб.</i> Ўзбекистон ва Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси. А. Х. Саидов	71
1. Инсон ҳуқуқлари — муқаддас неъмат (хотима ўрнида). А. Х. Саидов	79
Иловалар: А. Х. Саидов	86
Инсон ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистон Республикаси қўшилган халқаро куптомонлама шартномалар	86
Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқларига оид қонулар рўйхати	90
Ўзбекистон Республика Конституцияси (кўчирма)	95
Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий Дастури	100
Ўзбекистон Республикасининг, «Таълим тўғрисида»ги Қонуни	113
Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг муружаатлари тўғрисида»ги Қонуни	125
Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги Қонун	133
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг «Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида»ги Қонун	137
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг «Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтини ташкил этиш тўғрисида»ги Қонуни	143

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурдаги амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтининг Устави	145
Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказини тузиш тўғрисида»ги Фармони	151
Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази тўғрисида Низом	154
Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишнини яхшилаш ҳақида»ги Фармони	161
«Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимида Фуқароларнинг қонунчиликнинг бузилиши юзасидан шикоят ва аризаларини кўриб чиқиш бошқармасини тузиш тўғрисида»ги Қарори	169
Ўзбекистон Республикаси вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимида Фуқароларнинг қонунчиликнинг бузилиши юзасидан шикоят ва аризаларини кўриб чиқиш бошқармасини тузиш тўғрисида»ги Қарори	169
«Ҳуқуқий маърифат тарғиботи Марказини ташкил қилиш ва ҳуқуқий адабиётларни аҳолига етказиб беришни йўлга қўйиш тўғрисида»ги Қарори	172

Муҳаррир **Шарофат Искандар қизи**
Мусаввир **Ақром Баҳромов**
Техник муҳаррир **Азим Раҳимов**

Босмахонага 6.06.1998 й.да берилди. Босишга 10.07.1998 й.да рухсат этилди Қоғоз бичими $84 \times 108^{1/32}$. Босма табағи 5,5. Шартли босма табағи 9,24. Нашр табағи 10,0. Адади 5000. Буюртма 4034.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги «Адолат» нашриёти,
700047, Тошкент, Сайилгоҳ кўчаси, 5.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг 1-босма-хонасида босилди. 700002, Тошкент, Сағбон, 1-берк кўча, 2-уй.

